

З.М.Мухаммедова

ТУРИЗМДА ИНВЕСТИЦИЯЛАР



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ**

Мухаммедова З.М

ТУРИЗМДА ИНВЕСТИЦИЯЛАР

Монография

Самарқанд - 2021

Мухаммедова З.М. Туризмда инвестициялар. Монография. Самарқанд: “СамДЧТИ” нашриёти, 2021. 144 бет.

Монографияда халқ моддий фаровонлиги ошиб, ҳаёт сифати яхшиланиши натижасида мамлакат аҳолиси нафақат озик-овқат маҳсулотлари истеъмолига, балки дам олишга, унинг сифатига кўпроқ эътибор қаратиши, хизматларга, айниқса туризм хизматларига аҳоли талабининг узлуксиз ортиб бориши батафсил ёритилган. Унда “туризм” тушунчасининг моҳияти, унинг тарихи, туризм хизматларининг инсон эҳтиёжларини қондиришдаги ўрни ҳамда жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий юксалишидаги аҳамияти, айниқса аҳоли турмуш даражаси ва сифатига таъсири каби муҳим масалалар баён этилган. Монографияда туризм соҳаси янги иш ўринлари яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлашнинг, унинг реал даромадларини ўстириб боришнинг ва шу асосда аҳоли турмуш фаровонлигини янги, янада юқори босқичларга олиб чиқишнинг асосий, ҳал қилувчи омил сифатида қаралган. Туризмни инновацион ривожлантиришда инвестицион ресурслар иқтисодий самарадорлигини оширишга, давлат томонидан туризмни тартибга солиш ва қўллаб-қувватлаш – инвестицион ресурслар самарадорлигини оширишнинг асосий йўналиши эканлигига алоҳида эътибор қаратилган. Китобда туризм соҳасида инновацион жараёнларни жадаллаштириш механизмларини такомиллаштириш масалалари ўзининг ёрқин ифодасини топган.

Монография туризм соҳаси мутахассислари, раҳбар ходимлар, магистрлар, илмий тадқиқот ишлари билан шуғулланувчиларга мўлжалланган.


Монография и.ф.д., проф. Ж.Р. Зайналов
таҳрири остида тайёрланган.

Тақризчилар: молия кафедраси и.ф.н, доц. С.С. Алиева,
“Ўзбекинвест” ЭИСКАЖ Самарқанд
филиали директори Д.Ю. Тулаев

ISBN 978-9943-6509-3-0

© Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, 2021

КИРИШ	4
I-БОБ. ИҚТИСОДИЁТНИНГ ГЛОБАЛЛАШУВИ ШАРОИТИДА ТУРИЗМНИ УСТУН РИВОЖЛАНТИРИШ СТРАТЕГИЯСИ	7
1.1. Туризм ва уни жадал ривожлантириш стратегиясининг истикболлари.....	7
1.2. Туризмни инновацион ривожлантиришда инвестицияларнинг роли, иқтисодий мазмуни ва таснифи.....	17
1.3. Инновацион ривожланиш – туризм соҳасида инвестицион ресурслар самарадорлигини оширишнинг концептуал йўналиши сифатида.....	31
II-БОБ. ТУРИЗМ ХИЗМАТЛАРИ СОҲАСИДА ИНВЕСТИЦИОН РЕСУРСЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ САМАРАДОРЛИГИ	44
2.1. Туризм соҳасида инвестицион ресурслардан фойдаланиш ҳолати ва ривожланиш тенденциялари.....	44
2.2. Туризмга инвестицияларнинг тармоқ фаолияти асосий кўрсаткичларига таъсири.....	57
2.3. Туристик корхоналар инвестицион фаолияти самарадорлигини таҳлил қилиш ва баҳолаш.....	68
III-БОБ. ТУРИЗМДА ИНВЕСТИЦИОН РЕСУРСЛАРДА ИННОВАЦИОН ФОЙДАЛАНИШ СТРАТЕГИЯСИ	88
3.1. Давлат томонидан туризмни тартибга солиш ва қўллаб- қувватлаш – инвестицион ресурслар самарадорлигини оширишнинг асосий йўналиши сифатида.....	88
3.2. Туризм соҳасида инновацион фаолиятни жадаллаштиришга оид таъсиялар.....	101
3.3. Туризм соҳасида инновацион жараёнларни жадаллаштириш механизмларини такомиллаштириш.....	115
ХУЛОСА	130
ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ	133
ИЛОВА	143



КИРИШ

Жаҳон иқтисодий тараққиётининг ҳозирги босқичида туризм энг тез суръатлар билан ривожланаётган соҳа ҳисобланиб, истиқболли тармоқлардан бирига айланиб бормоқда. Бугунги кунда “жаҳон ялпи ички маҳсулотигаги соҳа улуши 10 фоизни, жаҳон хўжалиги ялпи инвестицияларидаги улуши 7 фоизни, жаҳон хўжалиги хизматлар экспортининг эса 29 фоизи туризм соҳасининг ҳиссасига тўғри келади”¹. Туризмни ривожлантиришнинг асосий омилларидан бири сифатидаги роли янги иш ўринларини яратишда намоён бўлмоқда. Алоҳида таъкидлаш керакки, жаҳон миқёсида коронавирус пандемияси тарқалиши туризм соҳаси ривожига ҳам катта салбий таъсир кўрсатди. Бу ўз навбатида соҳани анъанавий ривожлантириш моделидан инновацион моделига ўтиш жараёнларини жадаллаштириш заруратини кучайтирмоқда. Шу жиҳатдан бугунги кунда жаҳонда соҳани анъанавий ва инновацион ривожлантириш масалаларига катта эътибор берилмоқда.

Жаҳон хўжалигида туризмни тез суръатлар билан ривожлантириш, унинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларни бартараф этишдаги ролини кескин ошириш мақсадида соҳага инвестицион ресурсларни фаол жалб этиш, макро ва микродаражаларда улардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, инновацион инвестицияларни рағбатлантириш ва уларни тармоқ юксалишининг етакчи омилига айлантириш, мазкур соҳадаги ўзгариш тенденцияларини аниқлаш, инновацион фаолиятни фаоллаштириш дастакларини ишлаб чиқиш, уларни амалиётга жорий этишга оид илмий тадқиқотларга эътибор тобора кучайиб, долзарбластиб бормоқда.

Янги Ўзбекистонни барпо этиш жараёнида туризмни ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Айниқса, кенг қўламли ислохотлар доирасида туризмни инновацион ривожлантириш стратегиясини амалга оширишда инвестицияларни тез суръатлар билан ривожлантириш ва ушбу соҳани миллий иқтисодиётнинг устун ривожланган истиқболли тармоқларидан бирига айлантириш алоҳида муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистон Президенти таъкидлагандек, “Туризмни иқтисодиётнинг стратегик

¹UNWTO Tourism Highlights: 2019 Edition, p. 8. // <http://www.unwto.org>

тармоғига айлантириш биз учун устувор вазифа бўлиб қолади”². Бу борада соҳага жалб этиладиган инвестицион ресурслардан самарали фойдаланиш, соҳани анъанавий ривожлантириш моделидан инновацион моделига ўтиш, “туризмда инвестиция” тушунчаси мазмун-моҳиятини инвестицион фаолиятига бевосита таъсир этувчи омилларни эътиборга олган ҳолда такомиллаштириш ва амалий жиҳатлари бўйича муаммоларни илмий жиҳатдан ҳал этиш, минтақавий инновацион марказларни ташкил этишнинг услубий асосларини такомиллаштириш, соҳада венчурли молиялаштириш ва рағбатлантириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш юзасидан тадқиқотларни янада кенгайтириш мақсадга мувофиқ.

Бозор иқтисодиёти шароитида мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришни инвестицияларсиз амалга ошириб бўлмайди. Хусусан, инвестициялар билан боғлиқ жараёнлар ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиёти учун устувор аҳамият касб этади. Демак, юксалишга юз тутган, ривожланган мамлакатлар сафидан ўрин олишга интилаётган бизнинг мамлакатимиз учун ҳам инвестиция билан боғлиқ муаммолар ўта долзарб ҳисобланади. Туризмни жадал ривожлантириш даромадларни кўпайтириш ва янги иш ўринларини яратишда катта самара беради. Кўпгина минтақалар ва мамлакатлар учун ушбу омил муҳим аҳамият касб этади. Туризмни ривожлантиришда бир қанча омиллар мавжуд бўлиб, уларнинг энг асосийси инновациялардир. Бозор иқтисодиёти шароитида мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришни инновацияларсиз амалга ошириб бўлмайди.

Туристтик корхоналарни ташкил этиш ва ривожлантириш эҳтиёжлари инвестицион лойиҳаларни яратишни тақозо этади. Бозор иқтисодиёти шароитида туристтик корхонанинг стратегик мақсади, бошқа барча соҳа ва тармоқлар хўжалик субъектлари сингари, хўжалик фаолияти самарадорлигини ошириш ҳисобланади. Инвестицион лойиҳалар ана шу бош стратегик мақсадга эришишнинг муҳим воситаси бўлиб хизмат қилади. Инвестицион лойиҳаларни таҳлил қилиш ва баҳолаш корхонада инвестицион сиёсатни тўғри шакллантириш ва корхона инвестицион ресурслари иқтисодий самарадорлигини оширишнинг асосий шартларидан бири ҳисобланади. Бир неча инвестицион

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 24 январь 2020 йил.

лойиҳалардан энг истиқболли ва амалда юқори натижа берадиган лойиҳани танлаш муаммоси инвестицион ресурслар танқислиги шароитида долзарб масалага айланди.

Миллий иқтисодиёт таркибида туристик фаолият – бу нафақат саёҳатчиларга хизмат кўрсатишни ташкил этиш, балки давлат даромадларини кўпайтириш манбаи ҳамда ялпи ички маҳсулот ҳажмини оширишнинг муҳим омилidir. Туристтик салоҳиятдан унумли фойдаланаётган мамлакатларнинг илғор тажрибаси ушбу тармоқни аҳоли даромадларини кўпайтириш ва унинг ҳаёт фаровонлигини юксалтириш каби муҳим муаммоларини ҳал этишда самарали фойдаланиш мумкинлигидан далолат беради. Шу сабабли дунёнинг кўп мамлакатларида туризм соҳасида, туристик хизматларнинг ҳажмини ошириш ва сифатини яхшилаш масалалари давлат макроиқтисодий сиёсатининг устувор йўналишига айланган. Шуниси диққатга сазоворки, туризмни ривожлантириш, унинг салоҳиятини юксалтиришга давлат томонидан кучли эътибор қаратилаётган, ушбу соҳани давлат қаттиқ қўллаб-қувватлаётган мамлакатлардагина туризм соҳаси тез суръатлар билан ривожланиши, жаҳон бозорида рақобатбардош бўлиши мумкин.

Монография муаллифи туризм соҳасини инновацион ривожлантириш билан боғлиқ юқорида қайд этилган муаммолар бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини сиз азиз китобхонлар ҳукмига ҳавола қилишни лозим деб топди. Унда кўтарилган масалалар, фикр-мулоҳазалар ва таклифлар туризм соҳасини ривожлантириш борасидаги илмий тадқиқотларни давом эттириш ва такомиллаштиришга муайян даражада ёрдам беради, деган умиддамиз.

Ї БОБ. ИҚТИСОДИЁТНИНГ ГЛОБАЛЛАШУВИ ШАРОИТИДА ТУРИЗМНИ УСТУН РИВОЖЛАНТИРИШ СТРАТЕГИЯСИ

1.1. Туризм ва уни жадал ривожлантириш стратегиясининг – истикболлари

Ҳозирги замон жаҳон ҳўжалигининг ўзига хос хусусиятларидан бири шундаки, туризм иқтисодиётнинг энг тез ривожланиб бораётган ва юкори даромад келтираётган истикболли тармоғига айланди. Туризмнинг жамият ижтимоий-иқтисодий тараққиётидаги ролини ва истикболларини тўғри баҳолаган ва ундан унумли фойдаланиш зарурлигини тушуниб етган давлатлар, айниқса, иқтисодиёти ривожланган мамлакатлар, ушбу тармоқни юксалтиришга жиддий эътибор қаратмоқдалар. Бундай мамлакатлар туризмнинг улкан имкониятларидан унумли фойдаланишга қаратилган оқилона макроиқтисодий сиёсатни амалга оширмоқдалар ва миллий иқтисодиётни юксалтиришда ибратли натижаларни қўлга киритмоқдалар. Дунёнинг кўпгина давлатлари айнан туризм ёрдамида катта миқдордаги валюта тушумларини амалга оширади ва ушбу соҳа ЯММнинг шаклланишида етакчи мавқега эга.

Ҳисоб-китоблар шуни кўрсатдики, агар Ўзбекистонда туризмдан келадиган даромадларни ялпи ички маҳсулотдаги улуши лоақал 5 фоизга етказилса, бу тармоқда банд бўлган аҳоли сони 2433 кишини ташкил этади. Аҳоли жон бошига ЯИМ ҳажми эса 392,1 минг сўмга ошади³. 2019 йилда мамлакат миллий иқтисодиёти асосий капиталига ялпи инвестициялар миқдорининг (195927,3 млрд. сўм) 1,0 фоизи ёки 1956,1 млрд. сўм туризмга йўналтирилган⁴. 2019 йилда туристик хизматлар экспорти кўрсаткичи 1,3 млрд. АҚШ долларини ташкил қилиб, бу 2018 йилга нисбатан (1 млрд. АҚШ доллари) 26,1 фоизга ўсган⁵.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон иқтисодиёти сезиларли даражада ўсди, халқ моддий фаровонлиги ошиб, ҳаёт сифати

³ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2000-2019 йй. маълумотлари. // <https://stat.uz>

⁴ <https://wtic.org/Research/Economic-Impact> расмий статистик маълумотлари.

⁵ Ўзбекистон 2019 йилда туристик хизматлардан қанча даромад топгани маълум қилинди. // <https://daryo.uz/k/2020/01/11/ozbekiston-2019-yilda-turistik-xizmatlardan-qancha-daromad-topgani-malum-qilindi/>

яхшиланди. Натижада мамлакат аҳолиси нафақат озиқ-овқат маҳсулотлари истеъмолига, балки дам олишга, унинг сифатига ҳам кўпроқ эътибор беришни бошладилар. Дам олишнинг муҳим йўналишларидан бири сифатида сайёҳлик саноати республика иқтисодиётининг алоҳида истиқболли ва устувор тармоқларидан бирига айланиб бормоқда. Шунинг ҳам айтиб ўтиш ўринлики, Ўзбекистон ушбу соҳани ривожлантириш учун улкан салоҳиятга эга. Шу сабабли келажакда мамлакатда сайёҳликнинг ривожланиш жараёни янада жадаллашади ва натижада у иқтисодиётнинг етакчи тармоқларидан бирига айланади.

Чет эл адабиётларида олимлар "туризм" тушунчасини турлича талқин қилишади ва энг муҳими ушбу тушунчага назарий қарашлар анча илгари, аниқроғи XIX аср охири XX асрнинг бошларида бошланган. Туризмга биринчи ва анча кенг таъриф Берн университетининг профессорлари К.Крафт ва В.Хунзикер томонидан берилган, десак тўғри бўлади, кейинчалик ушбу тушунча Халқаро Туризм Илмий Экспертлар Ассоциацияси (ХТИЭА) томонидан қабул қилинди. Ушбу олимлар туризмни сайёҳлар сафаридан келиб чиқадиган ва доимий яшашга олиб келмайдиган ва ҳеч қандай фойда олиш билан боғлиқ бўлмаган бир қатор ҳодисалар ва муносабатлар сифатида талқин қилганлар⁶. Ушбу таърифда муаллифлар нима учун туризмни сайёҳчиларнинг фақат "доимий яшаш"лари билан боғлаганликларининг сабабларини илмий жиҳатдан асослаш қийин бўлсада, туризмга илмий таъриф беришда олимлар илк бор қўлга киритган йирик муваффақият сифатида қабул қилиш мумкин.

Назарий изланишлар шуни кўрсатдики, "туризм" атамаси биринчи марта 1830 йилда В.Жекмо томонидан қўлланилган бўлиб, французча "сайёҳат" маъносини англатади. Туризмнинг ҳозирги кундаги катта аҳамияти, унга тадқиқотчилар эътиборининг кучайиши, халқаро миқёсдаги ривожини ва кўплаб халқаро туристик ташкилотларнинг ташкил этилишининг натижаси сифатида "туризм" тушунчасига ҳар хил таърифларни учратишимиз мумкин.

Ғарбда олимларнинг туризм соҳасига қизиқишлари XIX асрнинг охири XX аср бошларида янада кучайди. Франция, Италия, Буюк Британияда туризмга бағишланган илмий тадқиқотлар амалга оширилди, олимлар томонидан илмий мақола ва асарлар ёзилиб, чоп этилди.

⁶ Понятия, функции и цели туризма. // <https://studopedia.eu>

Илк маротаба Курт Крапф туризм хусусидаги илк тадқиқотни Е.Гуер-Феулер томонидан 1895 йилда нашр қилинган “Beitraege zu einer Statistik des Fremdenverkehrs” (Туризм статистикасига қўшилган ҳиссалар) билан рўёбга чиқарилгани ва шунингдек, 1883 йили ўша ёзувчининг Цюрихда нашр қилинган “Amteichter Bericht uebez das Schweizer Hotelwesen” (Швейцария меҳмонхоналари хизматлари тўғрисида ҳисобот) номли асарига тақриз берилгани, олимларнинг туризмга бўлган алоҳида қизиқишларини тасдиқлайди. Австрияда ҳам туризмга нисбатан биринчи илмий қарашлар Graz (Граз) шаҳрида 1884 йил 13-14 мартда бўлиб ўтган “Delegiertentages Zur Forderung des Fremdenverkehrs in den Osterreichischen Alpen Laendern”, яъни “Австрия Алп тоғлари давлатларида Туризм Делегатлари Кунин” йиғилиши муҳокамаларида тилга олинган. Мажлис иштирокчиларидан бири ёзувчи Жозеп Стаднер муҳокама натижаларидан илҳомланиб, кейинчалик туризмни иқтисодий фаолият сифатида ифодалаганлиги ва асослаб берганлиги диққатга сазовордир. Бундан ташқари, туризм илми ҳақида 1899 йилда Италияда чоп этилган “Giornale degli Economisti” иқтисодчилар журналида “Sul movimento forestieri in Italia”, яъни “Италияда хорижий ҳаракатлар тўғрисида” номли мақола чоп этилди⁷.

Миллий бойликни кўпайтириш, инсон турмуш фаровонлигини юксалтириш учун кенг имкониятлар пайдо бўлди. XIX асрга келиб саноатнинг ривожланиш жараёни кескин тус олди, бу жараённинг фойдаси билан бир қаторда унинг зарарли томонлари ҳам олимлар диққатини жалб эта бошлади. Инсоният ушбу жараёнларнинг хавфли ва зарарли таъсирларидан ҳимояланиш учун табиатга ва атроф муҳитга янгича муносабатда бўла бошлади. Шу тариқа инсонлардаги саёҳатга эҳтиёж ва истак, атроф муҳитга бўлган қизиқиш ва жушқин муносабат янада кучайди. Жозеп Стаднер 1884 йилда туризмни иқтисодий фаолият сифатида ифодалагандан сўнг, туризмнинг иқтисодий томонига кўпроқ урғу бериб, бу хусусда илк бор ўз фикрини билдирган олим Херман Вон Шуллер ҳисобланади. У туризмга шундай таъриф берган: “Бошқа бир ўлкадан, шаҳар ва ҳудуддан ажнабийларнинг келиши ва вақтинча истиқомат қилишлари натижасида юзага келадиган ҳаракатларнинг барчаси —

⁷ Tunca Toskay, Turizm Olayina Genel Yaklasim, 3- Basim, Der Yayinlari; № 26, Istanbul, 1989. — S. 20.

бу туризмдир”⁸. Оддий, лекин аниқ ифода этилган ушбу таърифда туризмнинг моҳияти тўлиқ очиб берилган бўлмасда, бизнинг назаримизда, унинг энг муҳим хусусияти, яъни туризмнинг ажнабийлар томонидан амалга оширилган ва муайян вақт билан (“вақтинча”) чегараланган ушбу ва бунга ўхшаш барча таърифларда туризмни фақат бир томон, саёҳатчиларнинг ҳатти-ҳаракатлари билан боғлаб кўрсатилишига қатъий эътирозларимиз бор.

Туризм умумлаштирувчи категория сифатида нафақат туристларнинг, балки уларга тегишли туристик хизматлар таклиф этувчи ва ушбу хизматларни амалга оширувчи ишчи-ходимларнинг ҳам ҳаракатларидир. Демак, бизнинг нуқтаи назаримизга мувофиқ, туристларнинг ҳаракати билан уларни қабул қилувчи томоннинг (яъни туристларга хизмат кўрсатувчи ишчи-ходимларнинг) ҳаракатлари биргаликда қўшилиб, туризмни юзага келтиради. Бу ерда шуни ҳам алоҳида таъкидламоқчимизки, туризм жараёнидаги туристларнинг ҳатти-ҳаракатлари уларни қабул қилувчи, уларга туристик хизматлар кўрсатувчи томоннинг ҳатти-ҳаракатларидан ўзининг мазмун-моҳияти, мақсад ва натижалари жиҳатидан тубдан фарқ қилади. Туристлар, Херман Вон Шуллер тилида, “ажнабийлар” ҳаракатлари, саёҳат қилиш, туристик объектларни ўрганиш, яъни турмаҳсулотларни истеъмол қилиш эвазига нафлиликка қаратилган ҳаракатлардир⁹. Туристик хизматлар бозорида турист истеъмолчи сифатида туристик хизматларни харид қилади, яъни сотиб олади. Туристик хизматларни ишлаб чиқарувчилар эса сотувчи ролини бажарадилар. Уларнинг ҳатти-ҳаракатлари хизматлар ишлаб чиқариш жараёнида янги қиймат ва истеъмол қиймати яратишга қаратилган бўлиб, уни иқтисодий фаолият сифатида талқин этиш назарий жиҳатдан илмий асосланган, амалий жиҳатдан эса ўта аҳамиятли деб ҳисоблаймиз.

Дарҳақиқат, туризмнинг иқтисодий фаолият эканлигини исботлашга илк бор европалик олимлар ҳаракат қилганлар. 1930 йиллардан бошлаб Англиядаги иқтисодчи олимлар ҳақли равишда туризмнинг иқтисодий томонларига чуқурроқ эътибор қарата бошладилар. Булардан ташқари, туризмнинг иқтисодий жиҳатларига айрим соҳаларга мансуб олимлар ҳам катта эътибор қаратганлар. Булардан энг кўзга кўринганлари Матио (Mathiot), Глюксманн (Glucksmann) ва Крапф (Krapf)лардир. Бу олимларнинг

⁸ Tunca Toskay, Turizm Olayına Genel Yaklaşım, 3- Basım, Der Yayınları; №26, İstanbul, 1989. – S. 20.

⁹ Ўша манба.

таърифларига кўра, туризмнинг истёъмол функцияси ўзга манзилда вақтинча истиқомат қилиш, саёҳат ва тунаш жойлари ҳам киради. Олимлардан, хусусан, В.Хунзикер (W.Hunziker)нинг туризмга берган таърифини, бу соҳанинг илмий пойдевори деб ҳисоблаш, “ажнабийларнинг бир жойга қилган саёҳатларидан таркиб топган ва давомли истиқомат қилиш, пул ишлашни мақсад қилмасдан, вақтинча тунаб қолишларидан юзага келадиган муносабатлар мажмуи – бу туризмдир”¹⁰. Ушбу таъриф мазмун-моҳияти жиҳатидан олдингиларига нисбатан анча мукаммал бўлиб, унда туризм иқтисодий муносабатлар мажмуи сифатида қаралганлиги диққатга сазовордир. Аммо олим, ҳақли равишда, ушбу таърифнинг ҳам унчалик тўлиқ эмаслигини шахсан ўзи эътироф этган. Биз олимнинг ўз илмий ёндашувларига нисбатан ушбу соғлом ва илмий асосдан йироқ бўлмаган танқидий фикрларига тўла қўшиламиз.

Ундан кейинги даврларда ҳам иқтисодчи олимларнинг туризмнинг мазмун-моҳиятини очишга интилишлари янада кучайиб борди. 1954 йилда Италиянинг Палермо шаҳрида бўлиб ўтган Aiest конгрессида иштирок этган олимлар туризмга шундай таъриф беришган: “Туризм ажнабийларнинг саёҳати ва бир жойда вақтинча истиқомат қилишларидан юзага келадиган воқеа ва ҳодисалар мажмуидир. Бу жараёнда бутунлай истиқомат қилишга ва даромад олишни мақсад қилишга рухсат этилмайди”¹¹.

1976 йилда Британия институти (ҳозирги Туризм Ташкилоти) бу тушунчага қуйидаги мазмунда ойдинлик киритган. “Туризм инсонларнинг кундалик истиқомат қиладиган ва ишлайдиган жойларидан ташқари, чиройли ва кўркем туризм марказларини зиёрат қилишлари ва у ердаги фаолиятни ҳам ўз ичига олган қисқа муддатли ҳаракатлардир. Айни вақтда ҳар хил бир кунлик маршрутли экскурсияларни ҳам ўз ичига олади”¹². Бизнингча, юқорида қайд этилган таърифларнинг бир-бирига нисбатан айрим зиддиятли жиҳатлари ва айни пайтда ўзаро ўхшаш томонлари ҳам бор. Ушбу таърифларнинг зиддиятли томони шундаки, биринчи таърифда ички туризм тушунчаси тамоман эътибордан четда қолганлиги бўлса, иккинчи таърифда ички туризмга кучли урғу берилган. Ўхшаш жиҳати эса уларда инсонларнинг дам олиш,

¹⁰ Walter Hunziker, *Un Siecle de Tourisme en Suisse*, Berne, 1947. P. 11.

¹¹ J.Christopher Holloway., *The Business of Tourism*, Third edition, Pitmen Publishing Ltd, London, 1989. P. 9.

¹² J.Christopher Holloway., *The Business of Tourism*, Third edition, Pitmen Publishing Ltd, London, 1989. P. 9-10.

хордиқ чиқариш эҳтиёжларидан келиб чиқиб, сайёҳлик фаолиятини шаклланишини асосли равишда ўзида акс эттирилганлиги билан изоҳланади.

Херман Вон Шуллер туризмга дастлаб берган таърифидан сўнг ҳозирга қадар катта тарихий давр ўтди. Шу давр мобайнида туризмнинг моҳиятини очиб беришга қаратилган жиддий уринишлар натижасида унга берилган таъриф ҳам такомиллашиб борди. Ҳозирги замон бозор иқтисодиёти (аралаш иқтисодиёт) “туризм” тушунчасининг таърифига янгича методологик ёндашувларни ишлаб чиқишни тақозо этади. Чунки замонавий бозор иқтисодиёти туризм соҳасида кечаётган ижтимоий-иқтисодий жараёнларнинг мураккаблиги, унинг муҳим макроиқтисодий кўрсаткичларни шакллантиришда ролининг бениҳоя ошиб кетганлиги, соҳа объект ва субъектларининг кенглиги, яъни кўплаб янги туризм турларининг пайдо бўлганлиги билан ўзига хосдир. Туризмнинг кишилиқ жамиятида тутган ўрни, унинг иқтисодиётдаги мавқеи, ижтимоий муаммоларни ҳал этишдаги алоҳида аҳамиятидан келиб чиққан ҳолда, олимларнинг ушбу иборанинг талқинига нисбатан қизиқишлари ҳам кучайиб кетди. Натижада ушбу тушунчанинг таърифи ҳам хилма-хил ёндашувлар ҳисобидан янада бойиб, кенгайиб ҳамда мураккаблашиб бормоқда.

Замонавий илмий адабиётларда “туризм” тушунчасини аниқлашга турлича ёндашувлар мавжуд. Уларнинг асосийлари В.А.Квартальнов ва И.В.Зорин¹³ асарларида батафсил кўриб чиқилган. Адабиётларда кенг тарқалган нуқтаи-назарларни танқидий ўрганган ҳолда, улар туризмга қуйидаги таърифни келтирадилар: “Сайёҳларнинг доимий яшаш жойидан соғломлаштириш, рекреацион, билим олиш ёки касбий тадбиркорлик мақсадларида вақтинчалик яшаш жойида пуллик хизмат фаолияти билан бир йилдан ортиқ бўлмаган вақт оралиғида бўлиши”. Туризмга берилган таърифларнинг кўпайиб кетганлигини инобатга олган ҳолда, рус олимаси А.Ю.Александрова ҳақли равишда, уларни иккита катта гуруҳга бўлишни таклиф қилади:


¹³ Зорин И.В., Квартальнов В.А. Энциклопедия туризма: справочник. – М.: Финансы и статистика, 2014. – 368 с. // <https://e.lanbook.com/book/69240>; Квартальнов, В. А. Туризм: учебник для образ, учреждений турист. профиля / В. А. Квартальнов. – М.: Финансы и статистика, 2001. – 320 с.; Зорин И.В., Каверина Т.П., Квартальнов В.А. Туризм как вид деятельности // Учебник. – М.: Финансы и статистика, 2005. – 288 с.

Биринчи гуруҳга мансуб таърифлар тармоқлараро, яъни туризм томонидан муайян вазифаларни бажаришга мўлжалланган бўлиб, ҳукукий, бошқарув, статистик ҳисобот, ижтимоий сиёсат соҳасида ишлатилади.

Иккинчи гуруҳ таърифлари эса концептуал асосга эга бўлиб, биринчи гуруҳ учун хизмат қилади ва туризмнинг ички мазмунини акс эттиради¹⁴.

Хорижий мутахассислар “туризм” тушунчасини тизимли ёндашув нуқтаи назаридан қараши диққатга сазовор. Масалан, швейцариялик олим К.Каспарнинг фикрига кўра, туризм тизимининг асосида иккита кичик тизим мавжуд: туристик субъект ва туристик объект. Шунингдек, туристик объект учта элементдан ташкил топган – туристик ҳудуд, туристик корхоналар ва

туристик ташкилотлар¹⁵. Ушбу ёндашувларни қуйидаги чизма шаклида ифодаладик (1.1.1-расм).



1.1.1-расм. Туризм модели тизим сифатида¹⁶

“Туризм” тушунчасини тизимли ёндашув нуқтаи назаридан таҳлил қилган АҚШнинг Мейсен университети профессори Н.Лейпернинг концепциясини алоҳида ажратиш мақсадга мувофиқ. У туризмни қуйидаги асосий элементлардан ташкил топган тизим деб ҳисоблайди: географик компонентлар, туристлар ва туризм индустрияси¹⁷.

Ўзбекистонда ҳам кейинги йилларда туризмга бағишланган тадқиқотлар тобора кенгайиб бормоқда. Шу жиҳати эътиборлики, маҳаллий иқтисодчи олимларимиз ҳам туризм соҳасини ривожлантиришнинг назарий ва методологик муаммолари, Ўзбекистонда туризм салоҳияти, улардан самарали фойдаланиш йўллари, туризмни ривожлантиришнинг ҳудудий муаммолари ва ўзига хос хусусиятлари борасида бир қатор илмий изланишларни

¹⁴ Кусков А.С., Джаладян Ю.А. Основы туризма: Учебник. – М.: КНОРУС, 2015. – С. 7.

¹⁵ Кусков А.С., Джаладян Ю.А. Основы туризма: Учебник. – М.: КНОРУС, 2015. – С. 7.

¹⁶ Муаллиф тадқиқотлари асосида ишлаб чиқилган.

¹⁷ Кусков А.С., Джаладян Ю.А. Основы туризма: Учебник. – М.: КНОРУС, 2015. – С. 15.

амалга оширганлар. Маҳаллий олимларимиз ўз тадқиқотларида “туризм” тушунчасининг моҳиятини очишга ҳам жиддий эътибор қаратишмоқда. Масалан, иқтисодчи олимлардан М.Қ.Пардаев ва Д.Х.Аслановалар туризм тушунчасига қуйидагича изох келтирганлар: “Туризм иқтисодий категория бўлиб, давлатлар келган туристларга маҳаллий хизматни сотади, ўз ишчиларига иш жой шароитини яратади, кириб келаётган валютадан даромад олади. Тор маънода туризм соҳаси ўзида бир томондан туристларга бевосита хизмат қилувчи тармоқни таклиф қилади, иккинчи томондан, кенг маънода, туризм бозорига йўналтирилган хизмат қилиш ва моддий ишлаб чиқариш каби бир-бирига қўшилган тармоқларнинг ўзаро боғланган тизимини белгилайди. Туризм – бу ишлаб чиқариш ва истеъмолнинг яқдил жараёнидир”¹⁸.

Ўзбекистонда туризм салоҳияти ва уни ривожлантиришда давлат сиёсати хусусида профессор Ғ.Ҳ.Қудратов ўз тадқиқот ишларини олиб борган. Иқтисодчи олим туризм ва туристик индустрияни инновацион асосда ривожлантириш, туристларнинг ҳақ-хуқуқларини таъминлаш, мавжуд туристик ресурслардан оқилона фойдаланиш, соҳага тааллуқли норматив базани такомиллаштириш, болалар, ёшлар, ногиронлар ва аҳолининг кам таъминланган қатламлари туризми учун шарт-шароитлар яратиш, туристик индустрияни ривожлантириш учун инвестициялар жалб этиш сиёсати, кадрлар, тадбиркорлик фаолияти субъектлари учун туристик хизматлар бозорида кенг имкониятлар яратишнинг асосий йўналишларини кўрсатиб берган¹⁹.

Проф. И.С.Тухлиев ўзининг илмий тадқиқот ишларида туризмнинг замонавий белгилари, туристик оқим йўналиши, мақсади, ҳаракатланиш усули, туристларни жойлаштирув воситалари ва иштирокчилари сони бўйича ташкилий-ҳуқуқий шакллари таснифлаш мақсадга мувофиқлигини асослаб берган²⁰. У туристик хизматга қуйидагича таъриф берган: “Туристлик хизмат туристларни мос равишдаги эҳтиёжларини қондириш бўйича туристик корхона фаолияти натижаси ҳисобланади”. Шунингдек, бошқа барча хизмат турлари каби туристик хизматлар ўзига хос хусусиятлари билан фарқланишини, булар шартли равишда “учта

¹⁸ Пардаев М.Қ. ва бошқалар. Хизмат кўрсатиш, сервис ва туризм соҳаларини ривожлантириш: муаммолар ва уларнинг ечимлари, Монография, Т.: Иқтисодиёт-молия, 2008. – Б. 58-59.

¹⁹ Ўша манба, Б. 61-69.

²⁰ Ўша манба, Б. 160-168.

С" билан белгиланишини изохлаб берган. Бу хусусиятлар сезилмаслик, сервис ва сақланмасликдан иборатдир²¹.

Иқтисодчи олима Д.Х.Асланова ўз тадқиқотларида туризм соҳаси ва уни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари, аниқроғи, глобаллашув жараёнлари ва уларнинг туристик хизматлар бозорига таъсирини, Самарқанд вилояти мисолида туризм соҳасининг ривожланиш омилларини илмий жиҳатдан асослаб берган. Олиманинг тадқиқотларидан олинган натижаларга мувофиқ, жаҳонда глобаллашув жараёнининг чуқурлашуви ва илмни кўп талаб қилувчи технологияларга асосланган ишлаб чиқаришнинг устун ривожланиши шароитида ҳар қандай мамлакатнинг иқтисодий ўсиши ва аҳоли турмуш сифати ошишининг зарурий шарти инновацион фаоллик билан белгиланади. Инновацион фаоллик, ўз навбатида, давлатнинг иқтисодий ва илмий-техник имкониятлари, унинг инновацияга оид сиёсати ва салоҳияти, шунингдек, жамиятнинг маънавий ҳолатига боғлиқ. Бу борада халқаро туризм хизматлар бозорининг ривожланиш тенденциялари, жумладан, соҳадаги инновацион ривожланишга алоҳида эътибор қаратилаётгани аҳамиятга моликдир²².

Иқтисодчи Б.Ш.Сафаров ўз тадқиқотида миллий туристик хизматлар бозорини инновацион ривожлантиришнинг методологик-услубий асосларини такомиллаштириш борасида илмий изланишлар олиб бориб, мамлакатимизда туризм соҳасини ривожлантиришда туризм хизмат бозорига оид тушунчаларнинг ижтимоий-иқтисодий моҳиятини инновацион ривожланиш талабларидан келиб чиққан ҳолда тадқиқ этиш, туризм хизматлар бозорини инновацион ривожлантиришнинг методологик ва услубий ёндашувини такомиллаштириш, туристик-рекреацион кластер моделини ривожлантириш-нинг асосий йўналишларини асослаш ҳамда иқтисодий-ташкилий механизмларини такомиллаштириш масалаларига жиддий эътибор қаратган²³. Лекин юқорида ишлари зикр этилган олимлар илмий изланишларининг натижаларини ўрганиш, туризмни айнан инновацион

²¹ Ўша манба, Б.169-172.

²² Мухаммедов М.М. ва бошқалар. Хизмат кўрсатиш соҳаси ва туризмни ривожлантиришнинг назарий асослари. Монография. – Сам.: Зарафшон, – 2017. – Б. 181-200.

²³ Сафаров Б.Ш. Миллий туристик хизматлар бозорини инновацион ривожлантиришнинг методологик-услубий асосларини такомиллаштириш. DSc диссертацияси автореферати. – Сам., 2017. – 78 б.

ривожлантиришда инвестицион ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш масалалари эътибордан четда қолиб кетганлигини кўрсатди.

Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 20 августдаги 830-I-сон “Туризм тўғрисида”ги Қонунида туризмга қуйидагича таъриф берилган: “Туризм – жисмоний шахснинг доимий истиқомат жойидан соғломлаштириш, маърифий, касбий-амалий ёки бошқа мақсадларда борилган жойда (мамлакатда) ҳақ тўланадиган фаолият билан шуғулланмаган ҳолда узоғи билан бир йил муддатга жўнаб кетиши (саёҳат қилиши)”²⁴. Бизнингча, ушбу таърифнинг туризмни фаолият нуқтаи назаридан ҳуқуқий, иқтисодий жиҳатларини тўлиқ очиб берганлигига қарамасдан, тизимлилик жиҳатидан заиф томонлари мавжуд. 2019 йил 18 июлда ЎРҚ-549-сон “Туризм тўғрисида”ги Қонуннинг янги таҳририда туризмга қуйидагича таъриф берилган: “Туризм – жисмоний шахснинг вақтинча бўлиш мамлакатадаги (жойидаги) манбалардан даромад олиш билан боғлиқ бўлган фаолият билан шуғулланмаган ҳолда доимий яшаш жойидан жўнаб кетиши (саёҳат қилиши)”²⁵.

Юқорида баён этилган илмий қарашларни ўрганиш ва уларга иқтисодий ёндашиш, туризмга берилган таърифнинг мазмунини янада бойитиш мақсадида, унга қуйидагича таъриф беришни лозим топдик: Туризм – инсон фаолиятининг ўзига хос тури бўлиб, у сайёҳларнинг ва уларга туристик хизматлар кўрсатувчиларнинг туристик хизматларни ишлаб чиқариш, айирбошлаш ва истеъмол қилиш жараёнида юзага келадиган иқтисодий муносабатларни ифодалайди. Туризм шахсларнинг доимий яшайдиган, ишлайдиган ва муҳим эҳтиёжларни қондирадиган жойлардан ташқарига қилинадиган саёҳатдир. Турист учун тунаш – вақтинчалик, ўткинчи зарурий бир эҳтиёждир. Сайёҳатга чиққан ва тунаб қолган киши маълум бир вақтдан сўнг ўзи яшайдиган жойига қайтиши шарт.

Туризм соҳаси миллий иқтисодиётнинг алоҳида тармоғи сифатида ўзига хослиги билан ажралиб туради, унинг маҳсулоти муайян турдаги хизматлардан фойдаланишга бериладиган ҳуқуқ бўлиб, бу хизматларнинг ўзи эса иқтисодиётнинг бошқа

²⁴ Ўзбекистон Республикасининг 830-I-сон “Туризм тўғрисида”ги Қонуни. 1999 йил 20 август. // <https://lex.uz>

²⁵ Ўзбекистон Республикасининг ЎРҚ-549-сон “Туризм тўғрисида”ги Қонуни. 2019 йил 18 июл. // <https://lex.uz>

тармоқларида яратилади²⁶. Масалан, туризм соҳасининг миллий иқтисодиётга кўрсатган ижобий таъсири у фақат ҳар томонлама ривожлангандагина намоён бўлади, яъни туризм соҳасининг самарадорлигига унинг мамлакатдаги бошқа ижтимоий-иқтисодий тармоқлар билан параллел равишда ва ўзаро алоқада ривожланиши натижасида эришилади.


1.2. Туризмни инновацион ривожлантиришда инвестицияларнинг роли, иқтисодий мазмуни ва таснифи

Бозор иқтисодиёти шароитида мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришни инвестицияларсиз амалга ошириб бўлмайди. Хусусан, инвестициялар билан боғлиқ жараёнлар ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиёти учун устувор аҳамият касб этади. Демак, юксалишга юз тутган, ривожланган мамлакатлар сафидан ўрин олишга интилаётган бизнинг мамлакатимиз учун ҳам инвестиция билан боғлиқ муаммолар ўта долзарб ҳисобланади. Иқтисодий ўсиш суръатлари ва инвестициялар ўртасидаги чамбарчас боғлиқликни ҳисобга олган ҳолда, Ўзбекистонда инвестицион муҳитни яхшилаш, инвестициялар ҳажмини кенгайтиришга қаратилган инвестицион сиёсат олиб боришга жиддий эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистонда иқтисодий ўсиш суръатларини жадаллаштириш ва ялпи ички маҳсулот ҳажмини кўпайтириш мақсадида сўнгги бир ярим йил ичида чет эллик шериклар билан умумий қиймати 31 млрд. АҚШ доллари бўлган 816 лойиҳа ишлаб чиқилди ва уларни амалга ошириш ишлари бошлаб юборилди²⁷.

Инвестицияларнинг назарий ва амалий муаммоларини ҳал этиш нафақат моддий ишлаб чиқариш, балки номоддий соҳа, жумладан туризмни ривожлантириш учун муҳим аҳамият касб этади. Чунки туризм соҳаси мамлакат миллий иқтисодиёти, унинг алоҳида минтақаларининг бой тарихий-маданий салоҳиятидан унумли фойдаланишнинг муҳим омили, уларнинг ижобий самарасини бир неча баробар кўпайтирувчи мультипликатор ҳисобланади. Лекин туризм соҳасини жадал ривожлантиришнинг долзарб муаммоларини муваффақиятли ҳал этиш учун аввало

²⁶ Зайцева Н.А. Менеджмент в социально-культурной сфере. М.: Академия, 2003. С. 54.

²⁷ Ўзбекистон хорижий ҳамкорлар билан умумий қиймати 31 миллиард доллар бўлган 800 дан ортиқ лойиҳа ишлаб чиқилди. // <https://review.uz>



транспорт, ижтимоий ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси, рекреацион ҳудудларда хизмат кўрсатиш, йўл бўйлари инфратузилмаси объектларини ривожлантириш зарур. Микдор ва сифат жиҳатидан тез ривожлантириш давлат макроиқтисодий сиёсатининг устувор йўналишига айланган туризм кўпдан-кўп янги туристик объектларни яратишни, амал қидаётган объектларни модернизациялашни, уларни янги техника ва ускуналар билан жиҳозлашни, туристик бозор ва истеъмолчилар талабидан келиб чиққан ҳолда янги туристик маҳсулот ва хизмат турлари билан бойитишни тақозо этади. Табиийки, буларнинг ҳаммаси катта молиявий харажатларни, салмоқли инвестицияларни талаб этади.

Экспертларнинг туризмни ривожлантиришга йўналтирилган инвестицияларнинг ўзини тез оклаши тўғрисидаги фикрига қўшимча шуни таъкидлаш лозимки, иқтисодиётни жадал ривожлантиришда молиявий ресурслар тақчиллигига дуч келаётган Ўзбекистон учун экспертларнинг ушбу хулосасидан ўз ўрнида фойдаланиш лозим. Туризм соҳасини инвестициялаш деганда, авваламбор соҳада фойда олиш мақсадида мамлакат ичкарисида ёки мамлакат ташқарисида бўлишидан қатъий назар (бир йил ёки ундан ортиқроқ муддатда) узоқ муддатли капитал шаклида молиявий ресурсларни сарфлаш ҳисобланади.

Туризмнинг ҳозирги ҳолатини баҳолашда, шуни алоҳида қайд этиш муҳимки, Ўзбекистонда туризм инфратузилмасининг ривожланиш даражаси чет эллик туристларнинг эҳтиёжларини тўлиқ қондира олмаяпти. Инфратузилма етарлича ривожланмаган шароитда туристлар оқимини ва шунга мос равишда валюта тушумини кўпайтириш имкони мавжуд эмас. Бундан келиб чиққан ҳолда, инфратузилманинг аҳволи туризмнинг ривожланишини таъминлаш билан бирга, мамлакат имиджини ҳам шакллантиришга бевосита таъсир кўрсатади.

Илмий адабиётларда ва расмий ҳужжатларда инновацион инвестиция соҳасига нисбатан “молиялаш” ўрнига “инвестициялаш” тушунчаси кенг қўлланилмоқда, баъзи муаллифлар эса бу тушунчаларни тенглаштирмақдалар. Ўзбекистон ва хорижий олимлар туризмни ривожлантиришда инвестициялар билан боғлиқ муаммолар доирасида унинг турли жиҳатлари билан шуғулланганлар. Булар жумласига М.Б.Биржаков, В.С.Боголюбов, В.П.Орловская, С.А.Быстров, А.Д.Чудновский,

М.Қ.Пардаев, Н.Т.Тухлиев, И.С.Тухлиев, М.М.Мухаммедов²⁸
кабиларни киритиш мумкин.

Масалан, М.Б.Биржаков, В.С.Сенин, Т.Т.Христов, А.Д.Чудновскийлар асарларида асосан инвестициялаш бўлса, В.С.Боголюбов ва С.А.Быстровлар тадқиқотларида инвестициялашнинг туризм билан алоқадор бўлган жиҳатлари қисман кўрсатиб ўтилган. М.Қ.Пардаев, И.С.Тухлиев, Н.Т.Тухлиевлар тадқиқотларида мамлакатимизнинг туристик салоҳиятидан фойдаланиш ҳамда инвестициялашнинг роли борасида масалалари ёритилган. Аммо мамлакатимизда мавжуд туристик ресурслардан фойдаланишда инвестицияларнинг ўрни, туристик ресурсларга инвестицияларни кенг қўламда тўғридан-тўғри жалб этиш ва улардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш имкониятлари деярли ўрганилмаган. Булар, ўз навбатида, туризмни инновацион ривожлантиришда инвестицияларни родини кўрсатиш ва самарали фойдаланишда унинг стратегиясига бағишланган мавзунини тадқиқ қилишга асос бўлди. Яна бир ҳолат улар ўз ишларида “инновацион фаолиятнинг молиявий таъминоти” тушунчасининг талқинларини келтириб ўтишмаган. Кенгайтирилган ишлаб чиқаришга молиявий ҳамда номолиявий сарфлар жараёни иқтисодиётга доир адабиётларда ва қонунчиликда “инвестициялаш” тушунчаси билан боғланади. Назарий изланишлар жараёнида биз молиявий таъминот капитални жалб қилиш, тақсимлаш, ундан фойдаланиш ва риск капиталлари бозорида уларни бошқарувга оид фаолиятни белгилайди, деган ҳулосага келдик. Инновацион лойиҳаларни инвестициялаш тизими инновацион дастурлар ва лойиҳаларни, илмий тадқиқотлар ва тажрибавий ишланмаларни яратиш ҳамда амалиётга тадбиқ этиш, ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва технологияларни такомиллаштириш, мамлакатда ёки минтақаларда инновацион

²⁸ Биржаков М.Б. Введение в туризм. – М–СПб.: «Издательский Дом ГЕРДА», 2014. – 544 с.; Боголюбов В.С., Орловская В.П. Экономика туризма. – М.: Академия, 2013. – 192 с.; Быстров С.А. Туризм: макроэкономика и микроэкономика. – СПб.: «Издательский дом Герда», 2008. – 464 с.; Чудновский А.Д. Управление индустрией туризма России в современных условиях: учеб.пособ. – М.: КНОРУС, 2007. – 416 с.; Пардаев М.Қ., Атабаев Р. Туристтик ресурсларни таҳлил қилиш ва баҳолаш. Маърузалар курси. – Самарканд: СамИСИ, – 2006. – 156 б.; Тухлиев Н.Т., Абдуллаева Т. Менежмент и организация бизнеса в туризме Узбекистана. – Т.: ГНИ “O‘zbekiston entsiklopediyasi”, 2006. – 368 с.; Тухлиев И.С. ва бошқалар. Туризм асослари: Ўқув қўлланма. – Самарканд, СамИСИ, 2010. – 247 б.; Мухаммедов М.М., Рахматов Ф. Туризм соҳасида бозор муносабатларининг шаклланиши ва унинг тармоқ самарадорлиги кўрсаткичларига таъсири. // Сервис ва туризм: Бошқариш ва ривожлантириш муаммолари. Халқаро илмий-амалий анжуман материаллари. Самарканд, 2007, 4-7 сентябрь.

фаолликни оширишга кўмаклашувчи инновацион инфратузилмани шакллантиришга мўлжалланган молиялаштиришнинг манбалари, усуллари ва шакллари ўз ичига олади.

Ўзбекистонда инвестицион муҳитнинг яхшиланишига мустақиллик йилларида инвестиция жараёнининг сезиларли даражада фаоллашуви ва 2019 йилда мулкчилик шакллари бўйича асосий капиталга киритилган инвестициялар 195927,3 млрд. сўмни ташкил этган. Шундан, 35614,5 млрд. сўм давлат секторига, 160312,8 млрд. сўм нодавлат секторига тўғри келади. 2019 йилда асосий капиталга киритилган инвестициялар таркиби республика бюджетига 7,6 фоизни, сув таъминоти ва канализация тизимларини ривожлантириш жағармаси 0,9 фоизни, корхона ва аҳолига 29,3 фоизни, банк кредитлари ва бошқа қарз маблағларига 13,1 фоизни, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кредитларига 19,6 фоизни, республика кафолати остидаги кредитлар 14,7 фоизни, бошқа хорижий инвестиция ва кредитлар 11,4 фоизни, тикланиш ва тараққиётга 3,4 фоизни ташкил этган²⁹. Шунинг ҳам таъкидлаб ўтиш зарурки, Ўзбекистон ҳудудида туризм инфратузилмаси бир текисда тақсимланмаган. Тошкент шаҳри ва вилоятида республика туризм салоҳиятининг 40 % қисми жамланган. Йирик инфратузилма салоҳиятига тўрт вилоят (Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва Хоразм) ва Тошкент шаҳри эга. Туризмни ривожлантириш учун мавжуд туристик ресурслардан самарали фойдаланишни таъминлаш билан бирга, ҳар бир вилоятнинг туризм инфратузилмасини талаб даражасида ривожлантириш муҳимдир. Буларнинг барчаси йирик молиявий харажатларни, яъни инвестицияларни амалга оширишни зарурият қилиб қўяди деб ҳисоблаймиз.

Тадқиқотларимизнинг натижалари инвестицияларнинг иқтисодий мазмун-моҳияти тўғрисида иқтисодчи олимлар ўртасида хилма-хил фикрлар мавжуд деган хулосага келишга асос бўлди. Шундай қилиб, “инвестиция” деганда келгусида даромад (фойда) олиш ёки ижтимоий самарага эришиш мақсадида қонун доирасида иқтисодиётнинг турли тармоқлари ва бошқа соҳаларига инвесторлар томонидан қуйиладиган барча турдаги мулккий, молиявий ва интеллектуал бойликлар тушунилади. Бошқача қилиб айтганда, инвестициялар – мулкчиликнинг ҳар хил кўринишларидаги моддий молиявий ва номоддий бойликларни

²⁹ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари. // <https://www.stat.uz>

ижтимоий-иқтисодий ёки самара (даромад) олиш мақсадида муомалага киритишдир.

Россиялик иқтисодчилар Л.С.Тарасевич, П.И.Гребенников, А.И.Леусскийлар инвестицияларни жуда тор маънода уй хўжаликларининг узоқ муддат фойдаланиш товарлари ёки шахсий уй қуриш учун харажатлари сифатида талқин этганлар³⁰. Бизнинг назаримизда, ушбу таъриф анча чекланган бўлиб, инвестицияларнинг фақат бир қисмини, аниқроғи аҳоли истеъмоли билан боғлиқ бўлган қисмини ўзида акс эттирган. Унинг иккинчи ва асосий қисми – ялпи ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва хизмат соҳалари моддий-техника базасини кучайтириш билан боғлиқ инвестициялар эса муаллифлар эътиборидан четда қолиб кетган.

Умумлаштирган ҳолда шуни қайд қилмоқчимизки, юқорида келтирилмаган ва вақтни тежаш мақсадида келтирилган бошқа таъриф ва талқинларнинг бирортаси ҳам ушбу мураккаб, лекин бизнинг тадқиқотимиз нуқтаи-назаридан ўта аҳамиятли тушунчанинг моҳиятини тўла очиб беришга даъвогарлик қилолмайди. Таърифларнинг хилма-хиллиги, кўп ҳолларда уларнинг мазмун жиҳатдан бир-биридан кескин фарқланиши, назариётчиларда ушбу тушунчага нисбатан яқдилликнинг йўқлиги инвестицион фаолият билан боғлиқ илмий муаммоларни ечишда жиддий қийинчиликлар туғдиради, хато ва камчиликларга йўл қуйишга сабаб бўлиши мумкин.

Лекин шуни ҳам алоҳида таъкидлаш жоизки, инвестиция тушунчасига ягона ва тўлиқ таъриф бериш жуда мушкул. Ушбуни қуйидагилар билан изоҳлаш мумкин. Биринчидан, инвестиция тушунчаси кенг камровли, ўта мураккаб иқтисодий тушунча. Иккинчидан, инвестиция ўзаро динамик боғлиқликда бўлган турли жараёнларни ўзида акс эттиради. Учинчидан, инвестиция иқтисодиёт фанининг турли қисмларида ҳамда амалий фаолиятнинг турли даражаларида (микро, мезо ва макро) ўзига хос хусусиятларга эга.

Макроиқтисодиётда инвестициялар ишлаб чиқаришда янги воситаларга, турар-жойларга инвестициялар ва моддий заҳираларнинг ўсишига қилинадиган харажатлардан ташкил топадиган ялпи харажатларнинг бир қисми ҳисобланади.

³⁰ Тарасевич Л. С. Макроэкономика: учебник и практикум для академического бакалавриата / Л. С. Тарасевич, П. И. Гребенников, А. И. Леусский. – 10-е изд., пер. и доп. – М.: Издательство Юрайт, 2014. – С. 84.

Инвестициялар — бу жамият томонидан жорий даврда истеъмол қилинмаган ва иқтисодиётда капитал ўсишини таъминловчи ЯИМнинг бир қисмидир.

Ишлаб чиқариш назарияси ва умуман макроиқтисодиётда инвестициялар янги капитални (ишлаб чиқариш воситаларини ҳамда инсон капиталини қўшиб ҳисоблаганда) яратиш жараёнидир. Молия назариясида эса инвестиция деганда реал ёки молиявий активларни мақсадли жойлаштириш орқали келажақда даромад олиш тушунилади.

Иқтисодий ресурслар инсон яшаши ва камол топиши учун зарур бўлган ноз-неъматларни (товар ва хизматларни) ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва амалга оширишнинг зарурий шартидир. Танланган тадқиқот мавзуси нуктаи- назаридан инвестицион ресурслар, уларнинг мазмуни, моҳияти, аҳамияти ва бошқа муҳим жиҳатларини батафсил баён этиш муҳим аҳамиятга эга.

Биринчи навбатда “инвестицион ресурслар” тушунчасининг моҳиятини тушуниб етиш, унинг мазмунини очиб бериш муҳим аҳамият касб этади. Назарий тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, “инвестицион ресурслар” тушунчасини турли иқтисодий адабиётларда турлича талқин этилган, бу эса унинг иқтисодий мазмуни ҳам тўла аниқланмаганлигидан далолат беради.

Инвестицион ресурсларнинг у ёки бу жиҳатлари хорижий тадқиқотчилар ва маҳаллий иқтисодчиларнинг илмий ишларида ўз аксини топган. Уларни танқидий ўрганиш “инвестиция” тушунчасининг ўзини талқин этишда хилма-хил ёндашув ва нуктаи-назарлар борлигини кўрсатди. Ҳар қандай илмий тушунчага, унинг моҳиятига нисбатан турли-туман қарашлар ва фикр мулоҳазаларнинг бўлишлиги табиий. Лекин тадқиқот нукталаридан уларни чуқур ўрганиш, илмий таҳлил қилиш асосида масаланинг туб моҳиятига етиб боришга интилиш муҳим.

Мазкур мавзуга бағишлаган илмий манбаларни ўрганиш ва таҳлил қилиш асосида инвестицион ресурсларнинг моҳиятини аниқлаш борасида иқтисодиёт фанида икки хил ёндашув мавжуд, деган илмий хулосага келинди. Уларнинг мазмун-моҳиятига алоҳида-алоҳида тўхталмоқчимиз.

Биринчи ёндашувга мувофиқ инвестицион ресурслар инновацион объектларга жалб этилган барча молиявий актив

турлари сифатида талқин этилади³¹. Кўриниб турибдики, ушбу талқинда инвестицион ресурслар молиявий ресурсларнинг бир кўриниши сифатида қаралган. Ушбу ёндашув иқтисодчилар ўртасида кенг тарқалган бўлиб, унда инвестицияларнинг молиявий жиҳатларига асосий урғу берилади. Бундай олимлар жумласига Дж.М.Кейнс, Й.А.Шумпетер, А.Мартенс, Т.С.Колмыкова, А.С.Нешиной, Л.А.Зубченко, Ю.И.Абульян, Д.Ғ.Ғоziбеков, Ш.Р.Ғайзиева, Д.Х.Асланова, М.Т.Алимова³² каби иқтисодчи олимларни киритиш мумкин.

Россиялик иқтисодчилар Л.С.Тарасевич, П.И.Гребенников, А.И.Леусский, А.Нешиной, Л.А.Зубченко ҳамда Ўзбекистон олими Д.Ғ.Ғоziбековлар инвестициянинг мазмунини биринчи ёндашув нуқтаи назаридан очиб берганлар.

Масалан, россиялик иқтисодчи А.Нешиной инвестициянинг мазмунини қуйидагича талқин этган: “Фойда олиш ёки бошқа самараларга эришиш мақсадида ўз ёки ўзга мамлакатнинг турли тармоқларига, тадбиркорлик лойиҳалари, ижтимоий-иқтисодий дастурлар ҳамда инновация лойиҳаларини амалга оширишга йўналтирилган пул маблағларини (капитални) узоқ муддатга жойлаштиришдир”³³. Ўзбекистон олими Д.Ғ.Ғоziбеков инвестицияларнинг иқтисодий мазмун-моҳиятини молиявий категория сифатида талқин этиб, унга қуйидагича таъриф бериб ўтган: “Инвестицияларнинг мазмуни аниқ ва ишончли манбалардан

³¹ Ожегов С.И. Толковый словарь русского языка. – М.: Мир и Образование, Оникс, 2011. – С. 236.; Большой толковый словарь русского языка под редакцией Д.Н.Ушакова. – М.: Славянский Дом Книги. – 2014 С. 332.; Финансово-кредитный энциклопедический словарь / Под общ.пред. А.Г.Грязновой – М.: Финансы и статистика, 2004. – С. 294.; Розенберг ДЖ.М. Терминологический словарь / Лер.Сонга. А.В.Волковой, А.В.Шедрина. – М.: Инфра – М, 1997. С. 138.

³² Кейнс Дж.М. Общая теория занятости, процента и денег. Издательство: Геднос, 2002. – С. 48.; Шумпетер Й.А. История экономического анализа в 3 тт. СПб.: Экономическая школа, 2004. – С. 127.; Мартенс А.В. Инвестиции. – Киев, 2002. – С. 63.; Колмыкова Т.С. Инвестиционный анализ: учеб. пособие. – М.: ИНФРА-М, 2009. – С. 7; Нешиной А. С. Инвестиции: Учебник. – 5-е изд., перераб. и испр. – М.: Издательско-торговая корпорация Дашков и К, 2007. – С.13.; Зубченко Л.А. Иностранные инвестиции: учеб. пособие. – М.: КНИГОДЕЛ. 2006. – С. 7.; Абульян Ю. И. Особенности инноваций в туризме // Экономика. Право. Печать. Вестн. КСЭИ. – 2013. – № 3. – С. 241-250.; Ғоziбеков Д.Ғ. Инвестицияларни молиялаштириш масалалари. – Т.: Молия, 2003. – Б. 26.; Ғайзиева Ш.Р. Ўзбекистонда туризм ривожланишининг иқтисодий механизмини такомиллаштириш. И.ф.н. илмий даражасини олиш учун диссертация. – Т.: 2006. – Б. 36.; Асланова Д.Х. Роль инноваций и их значение в инвестициях на рынке туристских услуг в Узбекистане / Д.Х.Асланова, Б.Ш.Сафаров, А.Хайруллаев // Экономика и бизнес: теория и практика. – 2016. – №3. Б.18-22.; Алимова М.Т. Худудий туризм бозорининг ривожланиш хусусиятлари ва тенденциялари // Монография. – Т. Иқтисодийёт, – 2015. – Б. 88.

³³ Нешиной А.С. Инвестиции: Учебник. – 4-е изд. – М.: Дашков и К, 2006. – С. 13. Нешиной А. С. Инвестиции: Учебник. — 5-е изд., перераб. и испр. – М.: Издательско-торговая корпорация Дашков и К, 2007. – С.13.

маблағлар олиш, уларни асосли ҳолда сафарбар этиш, рисклар даражасини ҳисобга олган ҳолда капитал қийматини сақлаш ва кўзланган самарани олишдан иборат бўлади”³⁴. Яна бир россиялик иқтисодчи қуйидагича тавсифлаган: “Инвестициялар ўзини фойда (даромад) олиш мақсадида миллий ва хорижий иқтисодиётнинг турли тармоғига хусусий ёки давлат капиталининг узоқ муддатли қўйилмаси сифатида намоён этади”³⁵. Шунга яқин таърифни Л.А.Зубченко томонидан чоп этилган ўқув қўлланмада ҳам учратиш мумкин: “Инвестиция тушунчаси фойда олиш мақсадида қандайдир корхона, ташкилот, узоқ муддатли лойиҳалар ва шу кабиларга капитал, пул маблағларини узоқ муддатга киритишни англатади”³⁶.

Инвестицион ресурслар мазмунини тавсифлашда иккинчи ёндашувга мувофиқ, улар бойликни ўстириш мақсадида тикиладиган барча турдаги қийматлар (моддий, интеллектуал, меҳнат ва молиявий) сифатида қаралади. Россиялик иқтисодчилар Г.С.Староверова, А.Ю.Медведев ва А.В.Сарокиналарнинг инвестицияларга берган таърифини мисол тариқасида келтириш мумкин: “Инвестициялар иқтисодий фойда ва ижтимоий самара олиш мақсадида инвестиция соҳаси объектларига киритиладиган барча турдаги мулкӣ ва интеллектуал бойликларни акс эттиради”³⁷.

Мазмун шунга яқин, лекин анча кенг таърифни россиялик иқтисодчилар томонидан чоп этилган “Инвестициялар” номли ўқув қўлланмасида берилган: “Инвестициялар деганда фойда (даромад) олиш ва инвесторларнинг индивидуал мақсадлари сингари ижобий ижтимоий самарага эришиш мақсадида иқтисодиётнинг турли тармоқлари ва соҳаларига, тадбиркорлик ва бошқа турдаги фаолият объектларига муайян ошириладиган харажатлар йиғиндиси тушунилади”³⁸.

Маҳаллий олимларимиздан проф. Н.Ҳ.Ҳайдаров инвестициялар мазмун-моҳиятига қуйидаги таърифни беради: “Инвестиция – бу мулк шаклидан қатъий назар, тадбиркорлик асосида фаолият кўрсатаётган жисмоний ва юридик шахслар ёки давлатнинг

³⁴ Ғозибеков Д.Ғ. Инвестицияларни молиялаштириш масалалари. – Т.: Молия, 2003. – Б. 26.

³⁵ Колмыкова Т.С. Инвестиционный анализ: учеб. пособие. – М.: ИНФРА-М, 2009. – С. 7.

³⁶ Зубченко Л.А. Иностранные инвестиции: учеб. пособие. – М.: КНИГОДЕЛ, 2006. – С. 7.

³⁷ Староверова Г.С., Медведев А.Ю., Сарокина И.В. Экономическая оценка инвестиций: учебное пособие. – М.: КНОРУС, 2006. – С. 11.

³⁸ Подшиваленко и др. Инвестиции: учеб. пос. – 3-е изд. – М.: КНОРУС, 2006. – С. 7.

иқтисодий ва ижтимоий самара олиш мақсадида ўз бойликларини қонун доирасида бўлган ҳар қандай тадбиркорлик объектига сарфлашидир”³⁹.

Иқтисодчи Л.Л.Игошина томонидан: “Инвестициялар – пулни сақлаш, кўпайтириш ёки ижобий миқдордаги даромадни таъминлашни ҳисобга олган ҳолда уни жойлаштириш мумкин бўлган ҳар қандай восита сифатида ифодаланади”⁴⁰. Юқорида келтирилган таърифларда инвестицион ресурсларнинг туб моҳиятини очишда жиддий натижаларга эришганлигини алоҳида қайд этиш лозим. Чунки инвестициялар кенг маънода ўзини маблағлар ва ресурсларнинг келгусида кўпайиши ва иқтисодий самара ёки бошқа режалаштирилган натижалар олиш (ижтимоий, экологик ва бошқа самаралар) мақсадида уларнинг сафарбар этилиши сифатида намоён этади.

“Инвестиция” тушунчасининг таърифи амалдаги қонунчилик даражасида ҳам эътироф этилган. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 25 декабрдаги “Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида”ги Қонунда инвестицияга қуйидагича таъриф берилган: “Инвестициялар – инвестор томонидан фойда олиш мақсадида ижтимоий соҳа, тадбиркорлик, илмий ва бошқа фаолият турлари объектларига таваккалчиликлар асосида киритиладиган моддий ва номоддий бойликлар ҳамда уларга бўлган ҳуқуқлар, шу жумладан интеллектуал мулк объектларига бўлган ҳуқуқлар, шунингдек реинвестициялар”⁴¹.

Инвестицияга оид назарий қарашлар хорижий адабиётларда анча кенг ёритилган. Хорижлик иқтисодчи олимлардан У.Шарп⁴², К.Р.Макконелл, С.Л.Брю⁴³ кабилар инвестицияларнинг мазмун-моҳияти юзасидан турлича таърифларни баён этишган. Ғарб мамлакатлари иқтисодчилари инвестицияларни кўпроқ фонд бозорида муомалада бўлган қимматли қоғозлар сифатида қарайдилар. Сабаби иқтисодиёти юксак ривожланган Ғарб давлатларида инвестицияларнинг асосий қисми айнан қимматли

³⁹ Ҳайдаров Н.Ҳ. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида корхоналар инвестицион фаолиятидаги молия-солиқ муносабатларини такомиллаштириш масалалари. И.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Т.: 2003. – Б. 29.

⁴⁰ Игошина Л.Л. Инвестиции. Уч. пос. – М.: Экономист, 2005. – С. 23.

⁴¹ Ўзбекистон Республикаси ЎРҚ-598-сон “Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида”ги Қонуни. 2019 йил 25 декабрь. 3 – модда. // <http://lex.uz>

⁴² Шарп У. Инвестиции: англ. тилдан тарж. – М.: ИНФРА-М, 2018. Б. 17.

⁴³ Макконелл К.Р., Брю С.Л. Экономика: принципы, проблемы и политика: Учебник: Пер. с англ. / К.Р. Макконелл, С.Л. Брю. – 17-е изд., англ. – М.: ИНФРА-М, 2009. – С. 26.

қоғозларда мужассамлашган бўлиб, уларни ишлаб чиқаришни молиялаштиришда етакчи аҳамият касб этадилар. Бундан фарқли ўлароқ, бизда (бошқа ривожланаётган мамлакатларда ҳам) сармоя сарфларининг асосий қисми реал инвестициялар сарфларига тўғри келади, ушбу хулосамизнинг исботи сифатида айрим таълимотларни келтириб ўтамыз.

Швед иқтисодчи олими К.Эклунд фикрича: “Инвестиция – бу келажакда кўпроқ истеъмол қилиш шароитига эга бўлиш учун эртанги кунга қолдирилган нарса. Унинг бир қисми ҳозирда ишлатилмасдан заҳирага қолдириладиган истеъмол буюмлари бўлиб, бошқа қисми эса бу ишлаб чиқаришни қонғайтиришга йўналтирилган ресурслардир”⁴⁴. Иқтисодчи-олимлардан Кемпбелл Р.Макконелл ва Стенли Л.Брюлар инвестиция тушунчасини қуйидагича шарҳлайдилар, яъни “Инвестиция (investment) – бу моддий заҳираларнинг кўпайиши, ишлаб чиқариш воситаларининг жамғарилиши ва ишлаб чиқаришга харажатлардир”. Айни пайтда улар бир томондан инвестиция ва иккинчи томондан капитал қўйилмалар тушунчаларини фарқлашни таклиф этадилар. Боиси инвестицияларнинг ўзига хос хусусияти унумлилиқ бўлса, капитал қўйилмалар молия активларини харид қилишни англатади⁴⁵. Бундай ёндашув, бизнингча, катта ижобий аҳамиятга молик. Ушбу таъриф ўз мазмунига кўра, кўпроқ “капитал қўйилмалар” тушунчасига мос қилишни таъкидлаб ўтиш жоиз.

Ғарб иқтисодчиларининг нуфузли адабиётларида “инвестиция” тушунчаси билан “капитал қўйилма” тушунчасини албатта фарқлаш лозимлиги тўғрисида илмий қарашлар, айниқса, бизнинг мамлакатимизда инвестициялар билан боғлиқ назарий қарашларни такомиллаштириш учун муҳим аҳамият касб этади. Сабаби ушбу тушунча биз учун нисбатан анча янги тушунча бўлиб, фан тили атамалари рўйхатига ўтган асрнинг охирларида киритилди. Натижада мураккаб иқтисодий вазият ва трансформацион жараёнлар таъсири остида инвестиция тушунчаси тўғрисида аниқ тасаввур ва илмий асосланган қарашлар ҳали шаклланганича йўқ. Ушбу жараёнларнинг дастлабки босқичларида инвестиция тушунчаси биз учун яхши таниш бўлган аъъанавий капитал қўйилмалар тушунчаси сифатида қабул қилинди. Бу ишлаб

⁴⁴ Эклунд К. Эффективная экономика: шведская модель. – М.: Экономика, 1991. – С. 96.

⁴⁵ Макконелл К.Р., Брю С.Л. Экономика: принципы, проблемы и политика: Учебник: Пер. с англ. / К.Р. Макконелл, С.Л. Брю. – 17-е изд., англ. – М.: ИНФРА-М, 2009. – С. 26.

чиқаришни инвестициялаш билан боғлиқ долзарб муаммоларни ҳал этишда жиддий қийинчиликларни юзага келтирди. Инвестицияларни капитал қўйилмаларга тенглаштириш оқибатида инвестициялар асосий фондларни такрор ишлаб чиқариш жараёнидаги қийматнинг доирасида талқин этилди. Ушбу доиравий айланиш алоҳида босқичларининг тадқиқотлари натижасида инвестициялар иқтисодий моҳиятини аниқлашда икки ҳил ёндашувларнинг шаклланишига олиб келди. Биринчи ёндашув инвестицияларни сарф-харажатлар сифатида қарашга асосланган. Иккинчи ёндашув инвестицияларни асосий фондларни такрор ишлаб чиқаришнинг воситалари сифатида талқин этилган. Ҳар иккала ёндашув ўзаро зиддиятли бўлиб, инвестициялаш жараёнларига турли муносабатда бўлишни тақозо этади. Биз бу ерда инвестицияларнинг самарадорлигини ошириш муаммоларини назарда тутдик.

Биринчи ёндашувга мувофиқ, инвестициялар хўжалик субъектларининг асосий фондларни такрор ишлаб чиқариш, уларни кўпайтириш ҳамда такомиллаштиришга қаратилган сарф-харажатлари сифатида қаралади. Демак, инвестициялаш ишлаб чиқариш жараёнлари бошланишидан олдин амалга ошади. Бизнингча, бундай ҳолат инвестиция жараёнининг мантигини ва кетма-кетлигини қўпол тарзда бузилишини тақозо этади, инвестициялар ҳаракат майдонини ва мазмунини сунъий равишда қисқартиришга олиб келади. Ваҳоланки, инвестицион жараён узок давом этадиган жараён бўлиб, асосий фондлар доиравий ҳаракатининг барча босқичлари учун аҳамиятлидир.

Иккинчи ёндашув инвестицияларни асосий фондларни такрор ишлаб чиқаришнинг воситалари сифатида талқин этади. Бизнинг назаримизда, инвестицион жараёнларнинг давомийлигини ва мантиқий кетма-кетлигини эътиборга олади. Лекин, айни пайтда, ресурсли ёндашувда капиталнинг инвестицион фаолият маҳсулига айланиши бўйича кейинги ҳаракатларини инкор этади.

Бизнингча, юқоридагилардан шундай хулоса чиқариш мумкинки, ҳар иккала ёндашувда ҳам таҳлил объектини статистик тавсифлаш кеч бўлиб, ушбу мураккаб тушунчанинг фақат бир жиҳатини: сарф-харажатлар ёки ресурс манбаларини ўзида акс эттиради. Бу ҳолат инвестицион фаолиятнинг барча қирраларини ўзида акс эттирувчи яхлит жараён сифатида намоён бўлишига

халақит беради. Бизнинг тасаввурларимизда инвестиция ўзаро бир-бири билан узвий равишда боғлиқ.

Лоренс Дж.Гитман ва Майкл Д.Джонкнинг “Инвестициялаш асослари” китобида инвестицияларга қуйидагича таъриф берилади: “Инвестиция молиявий натижалар олишни кўзлаб акция ва облигацияларни сотиб олишни англатади”⁴⁶. Булар реал активларни белгилайди, масалан, у ёки бу маҳсулотни ишлаб чиқариш ва сотиш учун машиналарни олишни назарда тутди. Умуман, кенг маънода, инвестициялар мамлакат иқтисодиётини ўстириш ва ривожлантиришни молиялаштириш учун зарур бўладиган механизмларни таъминлайди.

Хорижий адабиёт саҳифаларида инвестиция атамасига нисбатан тадқиқотчиларнинг жуда ихчам ва шу билан бирга мазмунли тавсифларини кўплаб учратиш мумкин. “Инвестициялар – қўйилманинг келгусида ўсиш мақсадида бугунги истеъмолдан воз кечиш”⁴⁷ ҳам эътироф этилади. “Инвестиция – ишлаб чиқариш даври давомида пайдо бўлган капитал қўйилма қийматининг жорий ўсиши”. “Инвестициялар атамасини капиталнинг келгусида кўпайиши мақсадида унинг турли хил шаклда жойлаштирилиши сифатида белгилаш мумкин”⁴⁸. “Келажакда фойда олиш учун бугун пулдан ажралишдир” кабилар шулар жумласидандир. Ушбу таърифларда улар ҳақли равишда инвестиция атамасининг мазмунини келажакда фойда (даромад) олиш мақсадида бугун пул билан “хайрлашиш”да кўрадилар.

Шуни ҳам алоҳида қайд этиш лозимки, инвестиция тушунчасига оид илмий қарашларни ўрганиш, таҳлил қилиш фақат бугунги кунда бу борада мавжуд ёндашув ва нуқтан-назарларни ўрганиш асосида уларни умумлаштириш ва мазмунига аниқлик киритиш билан чекланмайди. Бу муҳим иш билан бир қаторда ушбу йўналишдаги назарий тадқиқотларнинг долзарблашуви иқтисодий юксалиш натижасида табиий тарзда юзага келган эҳтиёжларни қисқартириш зарурати билан белгиланади. Бошқача қилиб айтганда, инвестиция атамасининг иқтисодий моҳиятига ҳозирги замон бозор иқтисодиётининг талаблари асосида тамоман янги инновацион аҳамият касб этувчи методологик ёндашувларни қўллаш лозим бўлади. Бу биринчи навбатда, инвестицион жараён

⁴⁶ Гитман Л. Дж., Джонк М. Д. Основы инвестирования. Пер. с англ. – М.: Дело, 1999. – С. 26.

⁴⁷ Самуэльсон П. А. Экономика: пер. с англ. – М.: БИНОМ, 1997. – С. 23.

⁴⁸ Ткаченко И. Ю. Инвестиции: учеб. пособие. – М.: Академия, 2009. – С. 6.

иштирокчилари ўртасидаги иқтисодий муносабатларнинг тобора мураккаблашиб бораётганлиги, инвестиция манбалари турларининг кучайиши, инвестиция бозорларининг кенгайиши ва бошқа объектив жараёнларнинг кучайишида ўз ифодасини топади.

Инвестиция тушунчасига оид юқорида келтирилган хорижий ва маҳаллий олимларимиз таърифларини танқидий таҳлил қилиш асосида, унинг ўз талқинимиздаги таърифини ишлаб чиқдик: “Инвестициялар – иқтисодиётнинг турли тармоқларидаги тадбиркорлик объектларига ижобий иқтисодий ва ижтимоий самара олиш мақсадида амалга оширилган моддий, молиявий ва меҳнат ресурсларининг умумий сарфлари”. Туризм соҳасинининг ўзига хос жиҳатларини ўзида акс эттирувчи таърифнинг мавжуд эмаслигини инобатга олиб, “туризмда инвестиция” тушунчасининг ҳам янги таърифини ишлаб чиқдик. Ушбу таърифда туризм соҳасини инновацион ривожлантириш учун инвестицияларнинг алоҳида аҳамияти борлигини ва зарурлигини акс эттиришга ҳаракат қилдик ва у қуйидагидан иборат: “Туризмда инвестициялар – бу капитал ёрдамида янги туристик объектларни яратиш, шунингдек муайян туристик маҳсулотларни ишлаб чиқарадиган, хизматлар кўрсатадиган мавжуд объектларни модернизация қилиш жараёнидир”.

“Инвестиция” ва “инвестицион ресурслар” тушунчаларига оид юқорида баён этилган барча илмий қараш ва фикр-мулоҳазаларни умумлаштириб, уларнинг моҳияти ва мазмунини очишда эътиборга олиниши лозим бўлган жиҳатларини ва ўзига хос хусусиятларини илмий асослаб беришга ҳаракат қилдик. Уларни қуйидагилар билан изоҳламоқчимиз:

Биринчидан, инвестицион ресурсларни ишлаб чиқаришни ташкил этиш ҳамда амалга ошириш жараёнларида фаол иштирок этиб, инвесторга ижобий самара бериш қобилиятига эга бўлади.

Иккинчидан, инвестицион ресурслар шакллариининг турли-туманлиги билан ўзига хос бўлиб, уларнинг ҳар биридан фойдаланиш имкониятлари ва пировард натижалари ҳам кескин фарқланади.

Учинчидан, инвестицион ресурслар бозор муносабатлари объекти сифатида олди-сотди муносабатларида иштирок этади.

Тўртинчидан, инвестицион ресурслар тадбиркорлик даромадларини шакллантиришнинг муҳим манбаи сифатида риск омилининг кучли таъсири остида бўлади. Бозор иқтисодиёти

шароитида тадбиркор инвестицион ресурслар рискидан тамоман кафолатланмаган. Риск зарар қўришдан тортиб, инвестицияланган капиталдан батамом маҳрум бўлишлиги даражада содир бўлиши мумкин.

Бизнинг назаримизда, Ўзбекистонни ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегияси доирасида амалга оширилаётган туризмни жадал ривожлантириш ва уни миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоқларидан бирига айлантириш концепциясини ҳаётга муваффақиятли тадбиқ этишнинг энг мураккаб ва оғир бўғини – бу инвестицион ресурслар таъминотидир. Бизнинг ушбу қатъий хулосамизнинг боиси шундаки, иқтисодий ўсишга қаратилган ҳар қандай ижобий концепцияни амалга оширишнинг иккита асосий шарти бор: концепцияни амалга ошириш имкониятлари, иккинчиси эса уни амалга ошириш зарур бўлган молиявий ресурсларнинг мавжудлиги. Ўзбекистонда туризм соҳасини тез суръатлар билан ривожлантириш учун етарли даражада туристик салоҳият ва қулай шароитлар мавжуд. Лекин мамлакатда туризмни тез суръатлар билан ривожлантириш концепциясини амалга оширишда керакли инвестицион ресурсларни жалб этиш муаммоси долзарблигича қолмоқда.

Ушбу хулосамизга асос сифатида қуйидагиларни келтирмоқчимиз:

- туризмга йўналтирилган инфратузилманинг яхши ривожланмаганлиги (транспорт, ижтимоий, инженерия, ахборот-коммуникация, коммунал хизматлар) ва уни давр талаблари даражасига кўтариш зарурати;

- меҳмонхона хўжалиги хизматлари сифатининг ҳозирги замон стандартлари даражасида эмаслиги;

- туризм соҳасини, таркибидаги корхона ва ташкилотларни самарали бошқариш ва фаолият жараёнида юзага келадиган барча муаммо ва тўсиқларни бартараф этишга қадар бўлган юқори малакали кадрларнинг етишмаслиги;

- инновацион турмаҳсулотларни яратиш ва уларнинг туристик хизматлар бозорида муваффақиятли ҳаракатларини таъминлаш бўйича ўзаро мувофиқлаштирилган стратегиянинг йўқлиги.

Табиийки, юқорида баён этилган камчиликларни бартараф этиш катта инвестицион сарф-харажатлар эвазига амалга ошиши мумкин. Ўзбекистонда туризмни жадал ривожлантириш замонавий йўллар қуриш, аэропорт, автомобиль турар жойлари,

рақобатбардош транспорт воситалари, сифатли овқатланиш корхоналари, эсдалик ва антиқа (антиквар) буюмлар бозорини шакллантириш, меҳмонхоналарни қулай жойлаштириш, кемпинг, турбаза ва бошқа сайёҳлик мажмуалари сонини кўпайтириш билан боғлиқ. Буларнинг барчаси инвестицион ресурсларга талабни янада кучайтирди.

1.3. Инновацион ривожланиш – туризм соҳасида инвестицион ресурслар самарадорлигини оширишнинг концептуал йўналиши сифатида

Ҳозирги даврда туризм кўпгина мамлакатларда иқтисодиётини ривожлантиришга таъсир кўрсатувчи муҳим соҳага айланди. Туризмнинг асосий афзаллиги даромадларни кўпайтириш ва янги иш ўринларини яратишда катта самара беради. Кўпгина минтақалар ва мамлакатлар учун бу энг муҳим аҳамият касб этади. Туризмни ривожлантиришда бир қанча омиллар мавжуд бўлиб, уларнинг энг асосийси инновациялардир. Бозор иқтисодиёти шароитида мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришни инновацияларсиз амалга ошириб бўлмайди. Хусусан, инновациялар билан боғлиқ жараёнлар ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиёти учун устувор аҳамият касб этади⁴⁹.

Кишилиқ жамияти тараққиётининг ҳозирги босқичида инновацияларнинг иқтисодий тараққиётда тутган ўрни тўғрисида яхши тасаввурга эга бўлиш учун ривожланган мамлакатлар ялпи ички маҳсулотининг ўсиши 90 фоизга янги билим ва технологиялар ҳисобидан шаклланаётганлигини алоҳида таъкидлашимиз лозим⁵⁰. Инновация – бу инсон жамиятининг қонуни, жамият ривожланишининг доимий кучи, унинг маҳсули ва умуман тараққиётнинг асосий омили⁵¹. “Инновация” атамаси янги иқтисодий категория сифатида XX асрнинг биринчи ўн йиллигида австриялик ва америкалик олим Й.Шумпетер томонидан илмий асослаб берилган ва у ишлаб чиққан бир қанча “янги комбинациялар” иқтисодиётнинг ўша даврда кўтарилишидан

⁴⁹ Xhiliola Agaraj & Merita Murati “Tourism an Important Sector of Economy Development”, Annals - Economy Series Constantin Brancusi University, Faculty of Economics, vol. 1, 2009. pages 83-90.

⁵⁰ <https://www.internetworldstats.com/dsl>

⁵¹ Фатхутдинов Р. А. Инновационный менеджмент: Учебник для вузов. 6-е изд. — СПб.: Питер, 2011. — С.15.

далолат беради⁵². Инновация тушунчаси остида у янги истеъмол маҳсулотларининг янги турларини, янги

ишлаб чиқаришни, янги бозорларни ташкил қилиш шакларини жорий этиш

ва улардан фойдаланиш учун ўзгартириш киритишни назарда тутган⁵³.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда инновацияларнинг роли сезиларли даражада ошиб бормокда. Бунинг сабаби шундаки, бозор иқтисодиётида инновация рақобат воситаси сифатида эътироф этила бошланди, чунки инновация таннархни туширишга, фойдани оширишга, янги эҳтиёжларни яратишга, пул оқимининг кўпайишига, янги маҳсулот ишлаб чиқарувчининг имиджини оширишга, янги ички ва ташқи бозорларни ташкил этишга ва уларни бевосита забт этишга ёрдам беради. Инновациялар корхона даромадларини оширишга сезиларли таъсир кўрсатадиган жараён ёки маҳсулот сифатида намоён бўлиши мумкин⁵⁴. Бундай жараён ёки маҳсулот (хизмат) бевосита туризм соҳаси корхоналари учун ҳам тааллуқлидир. Чунки, туризм хизмат кўрсатишнинг энг муҳим соҳаларидан бири бўлганлиги учун ҳам, ушбу соҳа томонидан миқдорларга кўрсатиладиган хизматларнинг инновацион шакли ва механизмларини талаб қилади.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтишимиз керакки, бугунги кунда рақобат кучли бўлган шароитда, иқтисодиётнинг барча соҳаларини, жумладан, туризм соҳасини ҳам, инновацияларсиз ривожлантириб бўлмайди. Бироқ, кўпгина корхоналар амалда инновацияларни қўллашга тайёр эмас. Чунки, инновациялар юқори даражада риск билан боғлиқ. Айниқса, агар инновацияни корхонанинг маълум хизмат тури ёки маълум бир ишлаб чиқарадиган маҳсулотига нисбатан эмас, балки корхонанинг бутун фаолиятига нисбатан қўллаш керак бўлса, шундай ҳолатларда корхона раҳбари инновацияларни қўллашни ва риск билан тўқнашишни хохламайди.

Аммо корхоналар ўз фаолиятини олиб бориш жараёнида рискни батамом йўқота олмайди, лекин яхши малакага эга бўлган, тажрибали раҳбар риск даражасини пасайтириш имконини топади. Шунинг учун ривожланиш истагида бўлган ҳар қандай корхона, жумладан, туристик корхоналар инновацияларни қабул қилиши ва

⁵² Шумпетер Й. Теория экономического развития. – М.: Прогресс, 1982. – С. 174.

⁵³ Оголева Л.Н. Инновационный менеджмент. – М.: ИНФРА, 2001. С.23.

⁵⁴ Квартальнов В.А. Стратегический менеджмент в туризме – М.: Финансы статистика, 2000. – С. 56.

Ўз фаолиятида жорий қилиши керак. Биз олиб бораётган тадқиқотимизда ҳам, айнан, туристик корхоналарни ривожлантиришда инновациялардан фойдаланиш орқали уларнинг самарадорлигини оширишни ёритиб беришни мақсад қилиб қўйдик.

Ўзбекистонда туризмга мужассамлашган улкан салоҳиятни руёбга чиқариш, уни миллий иқтисодиётни юксалтиришдаги ролини кескин ошириш, янги иш ўринларини яратишдаги мавқеини мустаҳкамлаш ушбу тармоқни тараққиётнинг анъанавий моделидан унинг инновацион моделига ўтишини тақозо этади. Бу борада мамлакатимизда жиддий чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Жиззах вилоятининг Бахмал ҳамда Зомин туманлари базасида АҚШ нинг Йеллоустон миллий боғи ва Гранд - Каньон полупасида йирик туристик кластерни барпо этиш инновацион лойиҳаси амалга оширилмоқда⁵⁵. Шу нуқтаи назардан Ўзбекистонда туризмни инновацион асосда ривожлантиришнинг аҳамияти ва зарурлигини мантиқий далиллар асосида асослаб бериш зарур.

Биринчидан, кишилиқ жамияти тараққиётининг ҳозирги босқичида инновациялар фан ва техниканинг замонавий ютуқларини янги технологиялар, янги маҳсулотлар, коммуникацияларнинг янги воситалари, хизматларнинг янги турлари, бошқаришнинг ва аҳоли истеъмолини қондиришнинг янги усулларини қўллаш асосида Ўзбекистон миллий иқтисодиётини тез ва барқарор юксалтиришга имконият туғдиради. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2018 йилнинг 21 сентябрида “Мамлакатни инновацион ривожлантиришнинг стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармонида бу хусусда шундай баён этилган: “Илм-фан ва техника ютуқларини кенг қўллаган ҳолда, иқтисодиёт тармоқларига, ижтимоий ва бошқа соҳаларга замонавий инновацион технологияларни тезкор жорий этиш Ўзбекистон Республикасини жадал ривожлантиришнинг муҳим шарти ҳисобланади”⁵⁶. Шу юзасидан давлат раҳбари 2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантиришнинг стратегияси ҳамда стратегиясини амалга

⁵⁵ В Узбекистане появится туристический кластер по образу Йеллоустона и Гранд - Каньона. // <http://kul.uz>

⁵⁶ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантиришнинг стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони. 2018 йил 21 сентябрь. // <https://lex.uz>

ошириш бўйича “Йўл харитаси” шунингдек, Ўзбекистон Республикасини 2030 йилгача кўрсатилган ривожлантиришнинг мақсадли кўрсаткичларини тасдиқлади⁵⁷. Инновацион тараққиётнинг натижавийлиги унинг инсон фаолиятини барча турларини ва миллий иқтисодиётнинг барча соҳа ва тармоқларини камраб олиш даражаси билан белгиланади. Бу борада туризм ҳам миллий иқтисодиётнинг муҳим таркибий қисми сифатида, истисно эмас. Туризм соҳасида рўй бераётган интенсив ўзгаришлар, бир томондан, туризм хизматларига талабнинг узлуксиз ўсиб бораётганлиги, иккинчи томондан, уни инновацион ривожлантиришни ўткир заруратга айлантиради, қолаверса, ушбу тармоқнинг интеграцион жараёнларда фаол иштирок этишини таъминлайди. Туризм соҳасига инновацияларнинг пайдо бўлиши ва амал қилиши ушбу тармоқда тизимли, бир-бирига узвий боғлиқ ва катта ижобий самара берадиган ўзгаришларни амалга ошириш учун замин яратади.

Иккинчидан, туризм соҳасига катта миқдордаги ресурслар жалб этилган ва улардан инновацион асосда самарали фойдаланиш, соҳани тез суръатлар ва барқарор ривожлантиришнинг асосий шарти ҳисобланади. 1992 йилда Рио-де-Жанейро Конференциясида қабул қилинган таклифга мувофиқ, ресурсларнинг батамом тугатилиб кетишига йўл қўймасдан, келгуси авлодлар учун ҳам имконият қолдирган ҳолда эришилган ривожланиш барқарор ривожланиш деб айтилади. Демак, барқарор ривожланишнинг асосий ғояси қимматбаҳо, нодир ва ноёб ресурслардан унумли, яъни ўта тежамкорлик билан фойдаланишга эришишдан иборат. Чунки иқтисодий ресурсларнинг айрим турлари қайта тикланмайди ва улардан асраб-аввайлаб фойдаланиш ўткир заруратга айланади. Бизнинг назаримизда, барқарор ривожланиш ғоясининг негизида иқтисодиётнинг бош муаммоси ётибди. Ер қурраси аҳолисининг тобора ўсиб бораётган эҳтиёжларини қондириш ресурслар танқислигига дуч келмоқда. Барқарор ривожланиш концепцияси иқтисодиёт барча соҳа ва тармоқларига, жумладан туризмга бирдай дахлдор бўлиб, уларнинг ҳар бирида иқтисодий ресурслардан самарали фойдаланишни, ҳар бир ресурс сарфидан эса кўпроқ иқтисодий самара олишни тақозо этади.

⁵⁷ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантиришнинг стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони. 2018 йил 21 сентябрь. // <https://lex.uz>

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, барқарор ривожланиш концепциясининг туризм соҳасига тадбиқ этиш лозимлигига эътибор қаратдик. Туризм хизматларига талабнинг тез суръатлар билан ўсиб бориши соҳага жалб этиладиган ресурсларнинг ҳам мос равишда ўсиб боришини тақозо этади. Бу эса тармоққа жалб этилган ресурслардан унумли фойдаланиш муаммосининг долзарблигини янада кучайтиради.

Учинчидан, глобаллашув жараёнлари жадаллашувининг бевосита таъсири остида туризм бозорида рақобат муҳитининг тобора кескинлашиб бораётганлиги ва инновацион тараққиёт туристик маҳсулотларнинг жаҳон бозорида рақобатбардошлигини оширишнинг асосий омилига айланганлиги. Туризм соҳасининг ўзига хос хусусиятларидан бири – унинг юқори даромадлигидир. Ўйлаймизки, айнан унинг юқори даромадлилиги ва юқори ижтимоий самара бериш қобилияти барча мамлакатларни уни жадал ривожлантиришга, соҳада мужассамлашган ижобий жиҳатларидан фойдаланишга қизиқишини кучайтирмоқда. Натижада янги туристик объектлар ишга туширилмоқда, янги туристик маҳсулотлар яратилмоқда, янги корхона ва ташкилотлар ташкил этилмоқда, малакали кадрлар жалб этилмоқда, рақобат курашида ўз мавқеини мустаҳкамлашнинг бошқа инновацион воситалари яратилмоқда. Инновациялар, уларнинг пайдо бўлиши, жорий қилиниши, амал қилиши туристик хизматлар бозорида туроператорлар ва турагентлар мавқеини мустаҳкамлашнинг ва рақобатбардошлигини оширишнинг биринчи даражали воситаси ҳисобланади.

Тўртинчидан, Ўзбекистонда туризمنى тараққиётнинг инновацион йўлига ўтказиш зарурати мамлакатнинг ушбу тармоғида ривожланиш суръатларининг сустлиги, туристик салоҳиятдан фойдаланиш кўрсаткичларининг пастлиги, жаҳон туристик бозоридаги мавқеининг заифлиги, ҳалқаро таққослама ва тенглаштиришларда бардош бера олмаётганлиги билан изоҳланади. Юртимизда туризм соҳасида бундай ҳолатнинг юзага келишининг сабаблари қуйидагиларда деб ҳисоблаймиз: солиқ ва бюджет сиёсатининг беқарорлиги, туризм соҳасини тартибга солишдаги ҳуқуқий-меъёрий базанинг номукамаллиги, туристик хизматлар сифатининг талабга жавоб бераётганлиги, нарх сиёсатининг самарасизлиги, туристик инфратузилманинг яхши

ривожланмаганлиги, инвестицион ресурсларнинг танқислиги, малакали кадрлар билан таъминланмаганлиги ва бошқалар.

Бешинчидан, дунё мамлакатлари аҳолиси реал даромадларнинг узлуксиз ўсиб бориши, унинг истеъмоли таркибида хизматлар улушининг ортиб бориши натижасида туристик хизматларга, айниқса уларнинг сифатига талабнинг динамик тарзда ўсиб бораётганлиги ҳам, тармоқда инновацион фаолиятни ривожлантиришни тақозо этади. Туризм хизматларига талабнинг ўсиш истиқболлари кенг ва бепоён. Туризм янги турларининг пайдо бўлиши, аҳоли сони ва даромадларининг ўсиши, сифатли туристик хизматларга талабнинг ортиб бориши эвазига соҳа хизматларига талаб ҳам узлуксиз ўсиб бораверади. Ушбу омиллар ер юзи аҳолиси ялпи даромадларининг динамик ўсиши билан биргаликда туризмнинг барқарор ва тез суръатлар билан ўсишини таъминлайди.

Олтинчидан, инновациялар ва уларни кенг қўллаш туристик корхона ва ташкилотлар учун юқори ижтимоий аҳамият касб этади. Алоҳида олинган туристик корхонада ташкилий инновациялар (масалан, меҳнатни илмий ташкил қилиш, инновацион менежмент) жисмоний меҳнатни енгиллаштиришга, ишчи-ходимлар меҳнат шароитини яхшилашга, қўл меҳнатининг жами меҳнат сарфларидаги улушини камайтиришга хизмат қилади. Туристик корхона ёки ташкилотда технологик инновацияларнинг жорий этилиши ишчи-ходимлар малакасини ошириш, меҳнат унумдорлигини ўстириш, иш ҳақи даромадларини кўпайтириш, ресурсларни тежаш асосида корхона ялпи даромадлари ва фойдасини кўпайтириш имконини беради.


Юқорида таъкидлаганимиздек, инновациялар жамият иқтисодий тараққиётини жадаллаштиришда катта аҳамият касб этади. Амалда улар фойдани кўпайтириш орқали иқтисодий самарани оширишнинг қуроли, воситаси ҳисобланади. Туристик фаолият серқирра ва мураккаб бўлиб, инновацион жараёнларни ривожлантириш учун кенг имкониятлар яратувчи қулай макон ҳисобланади. Кескин рақобат муҳитида фаолият олиб боровчи туристик корхона (туроператор ва турагентлик) нисбатан юқори сифатли инновацион туристик хизмат ёки инновацион туристик маҳсулот яратиш, янги туристик йўналиш ишлаб чиқиш, таннархни пасайтириш, вақт бирлигида турмаҳсулот ҳажмини кўпайтириш, истеъмолчиларга қўшимча қулайликлар яратиш ва бошқа

тадбирлар орқалигина бозордаги ўз мавқеини сақлаб қолишга ва уни мустаҳкамлашга эришади. Бу эса, пировард натижада тармоқда юқори даромадлиликни таъминлайди.

Шу сабабли, туризм фақат инновациялардан ўринли фойдаланиш эвазига инсон фаолияти барча турлари ўртасида энг юқори даромадли соҳа сифатида мавқеини сақлаб қолади.

Кейинги йилларда иқтисодиёти устун ривожланган Ғарб мамлакатларида инновацион жараёнлар илму-фан ва билимнинг кучли таъсири остида шиддат билан ривожланиб бормоқда. Иқтисодий тараққиётда янгиликларни яратиш ва уларни амалиётга жорий этишда ахборот ва коммуникация технологияларининг роли ва аҳамияти тобора ортиб бормоқда. Буларнинг барчаси инновацион жараёнларнинг янгича тармоқли тақсимланишини (Sectoral distribution of investments by stages of the innovation process) қўллашни тақозо этади (1.3.1-расм). Ушбу тармоқли тақсимланишда инвестициялар инновацион жараённинг барча босқичларида интеграциялашган иштирокчиларнинг эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилган.

Назарий изланишларимиз натижасида олган муҳим илмий натижалардан яна бири шуки, Ўзбекистонда туризмни инновацион ривожлантириш нафақат салмоқли иқтисодий, балки юқори ижтимоий самара ҳам беради. Туризмни инновацион ривожлантириш жамият учун ҳам, тармоқ учун ҳам, унинг таркибидаги алоҳида корхона, ташкилотлар учун



1.3.1-расм. Инвестицияларни инновацион жараён босқичлари бўйича тармоқли тақсимланиши⁵⁸

⁵⁸ Муаллиф тадқиқотлари асосида ишлаб чиқилган.

ҳам катта ижтимоӣ аҳамиятга эга. Бизнингча, жамият даражасида туризмни инновацион асосда ривожлантиришнинг ижтимоӣ аҳамияти, биринчи навбатда, аҳоли бандлигини ошириш билан белгиланади. Бундан ташқари, иқтисодий соҳасидаги адабиётларда туризмни инновацион тараққий ёшли ундаги мавжуд мавсумийликни бартараф этишнинг ва уни барқарор ривожлантиришдаги алоҳида аҳамияти эътироф этилган⁵⁹.

Туризмга жалб этилган улкан иқтисодий ресурслардан фойдаланиш самарадорлигига жиддий салбий кўрсатаётган омиллардан бири – унга хос мавсумийлик эканлигини ҳисобга олсак, тармоқни инновацион тараққий эттиришнинг мамлакат миқёсидаги ижтимоӣ, ҳам иқтисодий аҳамияти хусусидаги ҳулосаларимиз илмий асосланган бўлади. Бунга кўшимча равишда, туризмни инновацион тараққий эттиришнинг жамият миқёсидаги ижтимоӣ аҳамияти сифатида унинг туристик хўжалик субъекти ялпи даромадлари ва корхона ишчи-ходимлари иш ҳақининг кўпайиши орқали, бюджетга келиб тушадиган даромад солиқларининг кўпайиши орқали ҳамда сарф-харажатларининг тежалиши орқали аҳоли турмуш даражаси ва сифатига ижобий таъсирини кўрсатмоқчимиз.

Тармоқ миқёсида туризмни инновацион ривожлантиришнинг ижтимоӣ аҳамиятини унинг тармоқлараро рақобат курашидаги рақобатбардошлигини ошириш орқали ушбу тармоққа инвестициялар оқимини кенгайтириш ҳамда малакали кадрларни жалб этишда намоён бўлади. Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасида инновацион менежментни кенг қўллаш ва баҳолашни ташкиллаштириш воситасида туризм самарадорлигини ошириш, ички имкониятларни ишга солишга алоҳида эътибор қаратилган. Туристик корхона ва ташкилотлар учун айниқса инновацион менежментнинг ижтимоӣ аҳамияти бекиёсдир. Бу борада шуни алоҳида таъкидламоқчимизки, корхона инновацион фаолиятини сифатли бажариш унинг хўжалик фаолияти иқтисодий самарадорлигига кучли таъсир кўрсатади, бозордаги мавқеини

⁵⁹ Голубев А.А. Экономика и управление инновационной деятельностью. Учебное пособие. – СПб.: НИУ ИТМО, 2012. – С. 7.; Козлов К., Соколов Д.Г., Юдаева К.В. Инновационная активность российских фирм. // Экономический журнал. Высшей школы экономики. – 2004, №3. – С. 405.; Knyazev S. Application of dynamic capabilities of the economic system for the purposes of sustainable innovation development // Proceedings of the International Scientific Conference "Competitive, Sustainable and Secure Development of the Regional Economy: Response to Global Challenges" (CSSDRE 2018). P. 301-304.; Дудь А.П. Инновации в туризме / А.П.Дудь // Научный вестник МГИИТ. – 2011. – № 4. – С. 15.

мустаҳкамлашга катта ёрдам беради, самарасиз инновацион лойиҳаларни амалиётга жорий қилинишига йўл қўймайди. Бу ҳақда россиялик иқтисодчи В.А.Квартальнов “Инновацион менежмент – инновацион жараёнларни самарали ташкил қилиш асосида туристик фирма олдидаги мақсадларга эришиш учун маданий-иқтисодий ва тадбиркорлик фаолиятининг тури ҳисобланади”, деб таъкидлайди⁶⁰.

Тадқиқот натижалари ҳозирги кунда туризм соҳасида инновациялар самарадорлигига салбий таъсир кўрсатаётган бир қатор омиллар борлигини кўрсатди. Келажакда Ўзбекистонда туризм соҳасида инновацияларнинг унда кечаётган ижтимоий-иқтисодий тараққиётга таъсирини кучайтириш, ролини ошириш мақсадида қуйидагиларни таклиф қиламиз:

- тармоқда ва унинг таркибидаги корхоналарда амалда жорий қилинган инновацияларнинг ролини кескин ошириш;

- инновацион лойиҳаларни ишлаб чиқишда ва уни амалиётга жорий қилишда малакали мутахассисларни жалб этиш;

- туризм соҳасида инновацион фаолиятни бошқаришда ушбу фаолиятнинг принциплари (тизимлилиқ, хавфсизлилиқ, долзарблилиқ ва илмийлиқ)⁶¹;

- туризм соҳасида инновацион жараёнларни жадаллаштиришда инвестицион ресурсларнинг ролини кескин ошириш.

Жамият тараққиётининг ҳозирги босқичида туризм иқтисодиётнинг тез суръатлар билан ривожланиб бораётган истиқболли тармоғи сифатида ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг самарали воситасига айланди. Туризм индустрияси миллий иқтисодиётнинг бошқа тармоқларига (савдо, транспорт, умумий овқатланиш, алоқа, истеъмол товарлари, ишлаб чиқариш, қурилиш ва бошқалар) рағбатлантирувчи таъсир кўрсатиб, миллий иқтисодиётга мультипликатив самара беради. У аҳоли бандлиги муаммоларини ҳал этиш учун маблағларни йўналтириш орқали қўшимча иш ўринларини яратишга, халқаро муносабатларни кенгайтиришга ва инвестицияларни жалб қилиш орқали ташқи савдо балансини оптималлаштиришга имкон яратиб беради.

Ўзбекистонда туризмни жадал ривожлантириш концепциясини амалга ошириш учун зарур бўлган инвестицион ресурсларни жалб

⁶⁰ Квартальнов В.А. Туризм: Учебник для образовательных учреждений туристического профиля. – М.: Финансы и статистика, 2003. – С. 15 с.

⁶¹ Абулъян Ю. И. Особенности инноваций в туризме // Экономика. Право. Печать. Вестн. КСЭИ. – 2013. – № 3. – С. 241-250.

этиш муаммосини ҳал этишнинг икки омили мавжудлигини эътироф этамиз. Биринчи омил – бу экстенсив омил бўлиб, у соҳага жалб этиладиган инвестицион ресурслар ҳажмини кенгайтиришни назарда тутати. Иккинчи омил иқтисодий ўсишнинг интенсив омиллари билан боғлиқ бўлиб, сарфланган ҳар бир инвестицион ресурс бирлигига кўпроқ натижа олиш

(капитал самарадорлиги, капитал сиғими, фойда ва хоказолар)да⁶² намоён бўлади.

Ўзбекистонда туризмни тез суръатлар билан ривожлантириш концепциясининг ресурслар таъминоти биринчи усули бўйича хулосаларимиз қуйидагилар бўлиб ҳисобланади:

- биринчидан, Ўзбекистонни янада ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ, у келажакда мамлакат миллий иқтисодиётининг таркибидаги барча соҳа ва тармоқларни комплекс ривожлантиришни назарда тутати. Ўз-ўзидан аёнки, бундай вазиятда туризмга йўналтириладиган инвестицион ресурслар ҳажмини миллий иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари, айтайлик, саноат, транспорт ёки таълим ва бошқа соҳаларга йўналтирилган инвестицион ресурслар ҳажмини қисқартириш, уларга зиён етказиш ҳисобидан амалга ошириб бўлмайди. Масалан, Ҳаракатлар стратегиясида минерал-хом ашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш бўйича умумий қиймати қарийб 40 млрд. долларга тенг бўлган 849 та инвестиция лойиҳасини амалга ошириш кўзда тутилган⁶³ ёки саноат тармоқларидаги йирик корхоналарда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг таннархини ўртача 8 фоизга қисқартириш ва рақобатбардошлигини оширишни назарда тутувчи комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш белгиланган⁶⁴. Табиийки, бу ва бунга ўхшаш муҳим ва юқори аҳамиятли иқтисодий тадбирларга сарфланиши лозим бўлган инвестицияларни қисқартириш йўли билан туризмнинг ялпи инвестициялардаги улушини ошириш иқтисодиётни юксалтириш ғоясига салбий таъсир кўрсатади;

- иккинчидан, туризм соҳасини тез суръатлар билан ривожлантириш ва унинг туристик хизматлар бозоридаги

⁶² Ходиев Б.Ю., Шодмонов Ш.Ш. Иқтисодиёт назарияси. Дарслик. – Т.: Баркамол фойз медиа, 2017. Б. 489 - 491.

⁶³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони. 2017 йил 17 февраль. // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 йил 6-сон., 132-банд.

⁶⁴ Ўша манба, 136-банд.

рақобатбардошлигини ошириш муаммоларининг ечими хизматлар таннархи ва уларнинг сифатига узвий боғлиқ. Айни пайтда туризм соҳаси эҳтиёжлари учун зарур бўлган инвестицион ресурсларга талабни экстенсив омиллар ҳисобидан қондириш туристик хизматлар таннархини пасайтириш ва сифатини ошириш имкониятларини чеклайди. Дунёнинг барча мамлакатларида турмаҳсулотларнинг сифатини ошириш, туристик хизматлар таннархини пасайтириш мақсадида инвестицион ресурслардан самарали фойдаланишнинг инновацион механизмларини излаб топишга астойдил ҳаракат қилинмоқда. Халқаро туристик хизматлар бозорида рақобат муҳитининг кескинлашуви Ўзбекистонда ҳам инвестицион ресурслардан интенсив фойдаланиш йўллари излаб топишни ўткир заруратга айлантиради;

- учинчидан, Ўзбекистонда миллий иқтисодиётнинг бугунги ҳолати, ундаги ижтимоий-иқтисодий самарадорлик кўрсаткичларининг пастлиги кўп жиҳатдан ижтимоий ишлаб чиқаришда экстенсив омиллар ролининг юқорилиги билан изоҳланади. Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисга Мурожаатномасида мамлакатда айнан ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигининг пастлигини иқтисодий ресурслардан, жумладан инвестицион ресурслардан самарали фойдаланилмаётганлигига катта эътибор қаратди⁶⁵. Шу сабабли, Ўзбекистонда иқтисодиётни инновацион ривожлантириш стратегиясини изчиллик билан амалга оширишга қаратилган сиёсат амалга оширилмоқда, унинг институционал асосларини яратишга жиддий эътибор берилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармонида иқтисодиёт барча тармоқларига айнан замонавий инновацион технологияларни тезкор жорий этиш орқали 2030 йилга келиб Ўзбекистон Республикасининг Глобал Инновацион Индекс Рейтинги бўйича жаҳоннинг 50 та илғор мамлакати сафига киритиш вазифаси қўйилган⁶⁶. Туризм соҳаси

⁶⁵ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатаси аъзоларига 2017 йилда амалга оширилган асосий ишлар якуни ва Ўзбекистон Республикасини 2018 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг устувор йўналишларига бағишланган Мурожаатномаси. Зарафшон, 2017 йил 23 декабрь. // <http://lex.uz>

⁶⁶ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантиришнинг стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони. 2018 йил 21 сентябрь. // <http://lex.uz>

ҳам мамлакат миллий иқтисодиётининг ажралмас таркибий қисми сифатида макродаражада амалга оширилаётган иқтисодий сиёсат йўналишлари ва тамойилларига бўйсунishi ва унга мос сиёсат тутиши лозим.

Ўзбекистонда туризмни ривожланиш суръатларини концепциясида белгиланган кўрсаткичлар даражасига кўтариш соҳада инвестицион йўналтирилган фаол иқтисодий муҳитни шакллантиришни тақозо этади. Ана шундагина туризм соҳасида мавжуд улкан салоҳиятни рўёбга чиқариш ҳамда мамлакат ва унинг алоҳида минтақалари ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг мультипликаторига айланиши мумкин. Туризмнинг инвестицион концепциясини амалга ошириш мамлакатга ташриф буюрувчи туристлар оқимини кескин кўтаради, бунинг натижаси сифатида аҳоли даромадлари кўпайиб, қўшимча янги иш ўринлари яратилади. Туризм миллий иқтисодиёт ва унинг бир нечта тармоқларини бирлаштирувчи, улар билан узвий боғлиқликда фаолият кўрсатувчи, уларни қўллаб-қувватловчи ва ривожланишига сезиларли туртки берувчи тармоқлараро комплекс сифатида салмоқли инвестицион ресурсларни жалб этишни тақозо этади.

Ўзбекистонда мужассамлашган улкан иқтисодий ва туристик салоҳиятни рўёбга чиқариш ўз-ўзидан, автоматик тарзда содир бўлмайди. Ушбу долзарб муаммонинг ҳал этилиши ва туризмни миллий даромадни кўпайтиришнинг етакчи манбаларидан бирига айланиши учун, бизнингча, сайёҳларга юқори сифатли замонавий туристик маҳсулот турларини яратишга молик тамоман янги йирик туристик объектларни куриш ва ишга тушириш лозим. Айнан ана шу объектлар келажакда мамлакатда туризмни жонлантириш, унинг улкан салоҳиятини фаол ҳаракатга келтириш учун туртки берувчи омил вазифасини бажаради, деб ўйлаймиз. Ушбу йўналишда Ўзбекистонда илк қадамлар қўйилди, десак ҳақиқатдан йироқ бўлмайди. Мисол тариқасида Жиззахда Халқаро инвестицион форум доирасида тақдим этилган ва ушбу вилоятнинг Бахмал ва Зомин туманларида курилиши мўлжалланган туристик кластер лойиҳасини келтириш мумкин⁶⁷. Лойиҳа бўйича 2 минг гектар ер майдонида классик туризм турларини ривожлантириш кўзда тутилган: экологик сўқмоқларни ва махсус чодирли шаҳарча

⁶⁷ В Узбекистане появится туристический кластер по образцу Йеллоустона и Гранд - Каньона. // <http://kun.uz>

ташкил этиш, от ва эшак миниб, саёҳат қилиш, фуникулерлар, тоғ-чанғи комплекси қуриш, ахборот маркази, музей ва ҳунармандчилик буюмлари дўконларини ташкил этиш, 5 минг гектор ер майдонида эса дам олиш уйлари, спорт комплекси, камёб қуш ва ҳайвон турларини сақлаш ва ўргатишга мўлжалланган жой ташкил этиш кўзда тутилган.

П БОБ. ТУРИЗМ ХИЗМАТЛАРИ СОҲАСИДА ИНВЕСТИЦИОН РЕСУРСЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ САМАРАДОРЛИГИ ТАҲЛИЛИ

2.1. Туризм соҳасида инвестицион ресурслардан фойдаланиш ҳолати ва ривожланиш тенденциялари

Тобора глобаллашиб, мамлакатлараро иқтисодий интеграция кучайиб бораётган жаҳон ҳўжалигининг бугунги ўзига хос босқичини туризмни фаол ривожлантириш муаммоларидан ажралган ҳолда тасаввур қилиб бўлмайди. Чунки туризмни иқтисодиётнинг алоҳида, бошқа тармоқ ва соҳалардан ажралган ҳолда қараш мумкин эмас.

Монографияда биз туризмга йўналтирилган инвестицион ресурслар иқтисодий самарадорлигини ошириш билан боғлиқ муаммоларни тадқиқ этишда масаланинг 2 та муҳим жиҳатига эътибор қаратдик. Биринчидан, туризм мураккаб ижтимоий-иқтисодий воқелик сифатида иқтисодиётнинг деярли барча соҳа ва тармоқларига, уларнинг ҳолати ва ривожланиш суръатларига бевосита ва билвосита, у ёки бу даражада таъсир кўрсатади. У асосий макроиқтисодий кўрсаткичларни шакллантиришнинг муҳим омили бўлиб хизмат қилади, уларнинг динамикасини белгилашда фаол иштирок этади. Иккинчидан, туризмнинг ўзи миллий иқтисодиётнинг мустақил тармоғи ва унинг ажралмас таркибий қисми сифатида барча тармоқ ва соҳаларнинг кучли таъсири остида, уларнинг бевосита ёрдами воситасида амал қилади ва ривожланади, ўз олдида турган мақсад ва мураккаб вазифаларни бажаради.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, туризмда кечаётган инвестицион жараёнларни, соҳага йўналтирилган инвестицион ресурсларнинг ҳолати ва уларнинг ривожланиш тенденцияларини ҳам 2 жиҳатдан, яъни туризмнинг миллий иқтисодиётга, унинг асосий макроиқтисодий кўрсаткичларига таъсири, аҳамияти, роли нуқтан назаридан, иккинчидан эса туризмда инвестицион ресурсларнинг ҳолати, ривожланиш тенденциялари ва фойдаланиш самарадорлигига таъсир кўрсатувчи омилларни аниқлаш ва таҳлил қилиш орқали ёндашишга ҳаракат қилдик.

Туризм соҳасини ривожлантириш учун қанча инвестицион ресурслар йўналтирилиши керак, бозор иқтисодиёти шароитида

соҳанинг ушбу ресурсларга бўлган умумий эҳтиёжларини қондиришда экстенсив ва интенсив омилларнинг улуши қанча бўлиши керак, ресурслардан қандай оқилона фойдаланиш мумкинлиги тўғрисидаги долзарб муаммоларнинг ечимини топиш учун, авваламбор, амалиётдаги аҳволни атрофлича ўрганишимиз, чуқур ва ҳар томонлама таҳлил қилишимиз, вазиятни объектив баҳолашимиз лозим бўлади.

Амалга оширилган таҳлил натижалари Ўзбекистонда инвестицион фаолиятни ривожлантириш миллий иқтисодиётни юксалтиришнинг муҳим омили сифатида қаралади ва уни тез суръатлар билан ўстириб бориш сиёсатига амал қилинади (2.1.1-расм). Расмий статистик маълумотларга кўра, фақат 2019 йилда Ўзбекистонда асосий капиталга инвестицияларнинг ЯИМдаги улуши олдинги 2018 йилга нисбатан 7,1 фоизга кўтарилди ва 37,1 фоизни ташкил этди (ушбу кўрсаткич 2010 йилда 24,6 фоизга тенг бўлган)⁶⁸. Айни пайтда Қозоғистонда асосий капиталга инвестицияларнинг мамлакат ЯИМдаги улуши 14,0 фоизни⁶⁹, Россияда 23 фоизни⁷⁰ ташкил этган.

Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 февралдаги “Инвестицион ва инфратузилмавий лойиҳалари рўйхатини шакллантириш тўғрисида”ги 3507-сон Қарорига асосан, Давлат ривожланиш дастурига киритилган йирик лойиҳаларнинг амалга оширилиши натижасида йиллар давомида асосий капиталга инвестицияларнинг юқори ўсиш суръатларига эришилмоқда. Республикада ижтимоий соҳа ва иқтисодиётни ривожлантириш учун барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан 2019 йилда 195927,3 млрд. сўм асосий капиталга инвестициялар ўзлаштирилди, бу эса 2018 йилга нисбатан 177,0 фоизни ташкил этди. 2018 йилда эса ушбу кўрсаткич 107333,1 млрд. сўм ёки 2017 йилга нисбатан 157,0 фоиз асосий капиталга инвестициялар ўзлаштирилди⁷¹. 2.1.1-расм маълумотларига асосланиб, асосий капиталга инвестицияларни ўзлаштириш ҳамда инвестицияларнинг ўсиш суръати йилдан-йилга ошиб бораётганлигини кузатишимиз мумкин.


⁶⁸ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари. // <https://stat.uz>

⁶⁹ Инвестиции в основной капитал в Казахстане выросли на 14 %. // <https://ru.sputniknews.kz>

⁷⁰ Росстат опубликовал первую оценку роста экономики в 2019 году. // <https://www.vedomosti.ru>

⁷¹ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари. // <https://stat.uz>

Ўзбекистон Республикасида 2010-2019 йилларда асосий капиталга инвестициялар (млрд. сўм)



2.1.1-расм. Ўзбекистон Республикасида 2010-2019 йилларда асосий капиталга инвестициялар ⁷²

Лекин Ўзбекистонда асосий капиталга инвестицияларнинг ЯИМдаги улуши юқори бўлишига қарамасдан, унинг мутлақ миқдори ЯИМ ҳажмининг камлиги оқибатида катта салмоққа эга эмас. Хулосамизнинг далили сифатида, аҳоли жон бошига инвестициялар бўйича таққослама таҳлил натижаларини келтирмоқчимиз. 2019 йил маълумотларига асосан, асосий капиталга инвестицияларнинг аҳоли жон бошига нисбатан ўртача миқдори 565580,0 сўмни ёки 584,0 АҚШ долларини⁷³ ташкил этган бўлса, у Россияда

131645,0 рублни ёки 1843,0 АҚШ долларини⁷⁴, Қозоғистонда эса 661504,0 тенге ёки 1653,0 АҚШ долларини⁷⁵ ташкил этган.

Хулоса шундан иборатки, Ўзбекистонда асосий капиталга инвестицияларнинг ЯИМдаги улуши Россия, айниқса Қозоғистонга нисбатан сезиларли даражада юқори бўлишига ва у нисбатан тезроқ ўсиш тенденциясига эга бўлишига қарамасдан, ушбу муҳим кўрсаткични аҳоли жон бошига нисбатан миқдорини ҳисобга олсак, бизда миллий иқтисодиётга инвестициялар қониқарсиз даражада

⁷² Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2010-2019 йй. маълумотлари. // <https://stat.uz>

⁷³ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг маълумотлари. // <https://stat.uz>

⁷⁴ Инвестиции в РФ в 2019 году выросли на 1,7 процентов. // https://lprime.ru/state_regulation/20200304

⁷⁵ Инвестиции в основной капитал: обзор за 2019 год. // <http://finreview.info/tu/review/investicii>

эканлиги тўғрисида рақамлар билан исботланган хулосалар чиқаришимиз мумкин бўлади. Ўзбекистонда 2019 йилда аҳоли жон бошига асосий капиталга инвестициялар (584,0 АҚШ долл.) Россия кўрсаткичига нисбатан 3,2 марта, қўшни Қозоғистон Республикасига нисбатан 2,8 марта кам эканлигининг гувоҳи бўламиз. Агар миллий иқтисодиётнинг ўсиш имкониятлари асосий капиталга инвестицияларнинг ЯИМдаги улуши билан эмас, балки унинг мутлақ миқдори ва аҳоли жон бошига ўртача кўрсаткичлари билан белгиланишини ҳисобга олсак, Ўзбекистонда миллий иқтисодиётни инвестициялашда жиддий муаммолар мавжудлигини ва бу муаммолар туризм соҳасини инвестицион ресурслар билан таъминлашда ҳам ўз таъсирини кўрсатишини хулоса сифатида таъкидламоқчимиз.

Туризм соҳасига йўналтирилган ресурсларнинг ҳажми, унинг ўсиш суръатлари, биринчи навбатда, мамлакат миллий иқтисодиётига йўналтирилган ялпи инвестициялар ҳажми, иккинчи томондан, тармоқнинг ривожланишига йўналтирилган инвестицияларнинг миллий иқтисодиётнинг ялпи инвестициялардаги улуши билан белгиланади.

Таҳлиллар мамлакатимиз иқтисодиётига йўналтирилган инвестициялар ҳажмининг тез суръатларда ошаётганлиги билан бир қаторда, унинг таркиби сифат жиҳатидан ҳам яхшиланиб бораётганлигини кўрсатди (2.1.1-жадвал). Жадвал маълумотлари 2010-2019 йиллар мобайнида иқтисодиётга жалб этилган инвестицияларнинг ўсиш суръатлари ялпи ички маҳсулот ўсиш суръатларига нисбатан анча юқори эканлигини кўрсатиб турибди.

2.1.1-жадвал
Ўзбекистонда 2010-2019 йилларда асосий капиталга инвестициялар ўсиш суръатлари⁷⁶

Кўрсаткичлар	Йиллар						2019 йилнинг 2010 йилга нисбатан ўсиши, (марта)
	2010	2015	2016	2017	2018	2019	
Ялпи ички маҳсулот, млрд. сўм	62388,3	171808,3	199993,4	302536,8	406648,5	511838,1	8,2
Асосий капиталга инвестициялар: - ҳажми, млрд.сўм	15338,7	41670,5	48083,1	68423,9	107333,0	195927,3	12,7
-олдинги йилга нисбатан ўсиши, %	108,7	109,6	107,7	120,4	118,1	176,9	X
жумладан, асосий капиталга хорижий инвестициялар: -ҳажми млрд.сўм	4340,8	8309,5	10611,4	17146,5	31350,0	42703,1	9,8
-олдинги йилга нисбатан ўсиши, %	95,1	107,9	114,5	134,9	136,6	162,1	X
Асосий капиталга инвестицияларнинг ЯИМ даги улуши, %	24,6	24,3	24,0	22,6	26,4	38,2	X
Аҳоли жон бошига асосий капиталга инвестициялар, минг сўм	526,6	1431,7	1608,6	2227,8	3769,6	5655,8	10,7

⁷⁶ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2010-2019 йиллар маълумотлари // <https://stat.uz>

Асосий капиталга инвестициялар ҳажми 2010 йилда 15338,7 млрд. сўмни ташкил этган бўлса, 2019 йилга келиб 195927,3 млрд. сўмни ташкил этган, бу эса асосий капиталга йўналтирилган инвестициялар ҳажми йилдан-йилга тез суръатлар билан ўсиб бораётганлигидан, шу давр давомида эса 10,7 марта кўпайганидан далолат бермоқда. Агар 2010 йилда асосий капиталга инвестицияларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 24,6 фоизни ташкил этган бўлса, 2019 йилда у 38,2 фоизни ташкил этган. Ушбу кўрсаткич иқтисодий ривожланган мамлакатлар даражасида, ҳатто айрим давлатлардан эса бир неча фоизга зиёд. Масалан, Франция, Япония мамлакатларида асосий капиталга инвестицияларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 22 фоизни, Канадада эса 24 фоизни ташкил этган⁷⁷. Ваҳоланки, олимларнинг таъкидлашича ушбу кўрсаткич 27-31 фоиздан кам бўлмаслиги керак⁷⁸. Демак, мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида инвестицион ресурсларни фаол жалб этиш имкониятларидан самарали фойдаланишга кучли эътибор берилмоқда. Таҳлиллар иқтисодиётнинг соҳа ва тармоқларида инвестицияларни янада кўпроқ жалб қилиш лозимлигини кўрсатди.

Таҳлил натижалари Ўзбекистонда туризм соҳасига инвестициялар ҳажми 2010-2019 йилларда тез суръатлар билан ўсиб бораётганлигини кўрсатди (2.1.2-жадвал). Чунки аҳоли жон бошига инвестициялар пастлиги мамлакатда иқтисодий ўсиш суръатлари, миллий иқтисодиётнинг дунё бозоридаги рақобатбардошлиги, янгидан яратилаётган иш ўринларининг сифатига, аҳоли даромадларига, ишлаб чиқаришга янги замонавий техника ва технологияларни жорий қилишга ва ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг бошқа муҳим томонларига катта салбий таъсир кўрсатади.

⁷⁷ Жаҳон банки маълумотлари. // <http://data.worldbank.org/indicator/NE.GDI.FTOT.ZS>

⁷⁸ Булатов А.С. Воздействие экспорта и импорта капитала на валовое накопление в Российской Федерации // Деньги и кредит. – 2011. – № 9. – С. 3-8.

2.1.2-жадвал

Ўзбекистон Республикасида асосий капиталга инвестициялар ҳажми аҳоли жон бошига нисбатан

79

№	Худудлар номи	2010 йил				2019 йил				2019 йилда 2010 йилга нисбатан аҳоли жон бошига инвестиция- ларнинг ўсиши, (марга)
		инвести- циялар ҳажми, (млрд. сўм)	аҳоли жон бошига инвести- циялар ҳажми, (минг сўм)	аҳоли жон бошига инвестициялар ҳажми, (млрд. сўм)	инвести- циялар ҳажми, (млрд. сўм)	аҳоли жон бошига инвестиция- лар ҳажми, (минг сўм)	аҳоли жон бошига инвестициялар ҳажми, (млрд. сўм)	аҳоли жон бошига инвестициялар ҳажми, (млрд. сўм)	аҳоли жон бошига инвестициялар ҳажми, (млрд. сўм)	
1	Қорақалпоғистон Республикаси	458,8	272,8	51,8	8434,6	4476,7	79,1	16,4	16,4	
2	Андижон вилояти	552,5	206,7	39,3	8183,7	2642,3	46,7	12,8	12,8	
3	Бухоро вилояти	2069,1	1228,8	235,5	9867,0	5167,3	91,4	4,2	4,2	
4	Жиззах вилояти	359,7	308,3	58,5	7919,3	5792,3	102,4	18,8	18,8	
5	Қашқадарё вилояти	1690,4	620,8	117,9	23525,3	7246,1	128,1	11,7	11,7	
6	Навоний вилояти	1704,6	1952,7	370,7	17775,3	17985,7	318,0	9,2	9,2	
7	Наманган вилояти	540,2	227,1	43,1	12187,0	4380,8	77,5	19,3	19,3	
8	Самарқанд вилояти	934,2	285,6	54,2	9798,6	2552,7	45,1	8,9	8,9	
9	Сурхондарё вилояти	569,8	261,9	49,7	12232,4	4705,5	83,2	18,0	18,0	
10	Сирдарё вилояти	383,1	526,8	100,0	6129,2	7312,4	129,3	13,9	13,9	
11	Тошкент вилояти	1510,4	571,6	108,5	16935,1	5799,9	102,5	10,1	10,1	
12	Фарғона вилояти	849,1	262,9	49,9	9164,2	2465,1	43,6	9,4	9,4	
13	Хоразм вилояти	357,1	223,1	42,4	5566,8	3007,2	53,2	13,5	13,5	
14	Тошкент шаҳри	3309,0	1440,8	273,6	48308,8	16332,0	288,8	11,3	11,3	
15	Ўзбекистон Республикаси	15338,7	526,6	100,0	195927,3	5655,8	100,0	10,7	10,7	

Ўзбекистонда аҳоли жон бошига инвестицион ресурслар таҳлилини чуқурлаштириш ва ўзгариш тенденцияларини аниқлаш мақсадида республика вилоятлари кесимида маълумотларни таққослаб чиқдик (2.1.2-жадвал). Жадвал маълумотлари Ўзбекистон вилоятлари бўйича аҳоли жон бошига инвестицияларда кескин тафовутлар мавжудлигини кўрсатди. Ушбу кўрсаткич бўйича республикада Тошкент шаҳри, Навоий, Қашқадарё, Бухоро каби вилоятлар пешқадамлик қилмоқда.

Аҳоли жон бошига инвестицияларнинг вилоятлар кесимида таҳлилида биз асосий эътиборни туристик ресурсларга бой ва туризмни ривожлантириш истикболлари кенг бўлган, ЮНЕСКОнинг тарихий-маданий меросга бой объектлар рўйхатига киритилган вилоятлардаги аҳволга алоҳида эътибор қаратдик. Сабаби туризм соҳасига инвестицияларнинг вилоятлар кесимидаги маълумотларини топишнинг имкони бўлмади.

Юқорида таъкидлаганимиздек, туризмга йўналтирилган инвестицион ресурсларнинг ҳажми, унинг ҳолати ва ривожланиш тенденциялари нафақат миллий иқтисодиётда асосий капиталга сарфланган харажатлар миқдори, балки тармоқнинг ялпи инвестицион ресурслардаги улушига ҳам узвий боғлиқ. Миллий иқтисодиёт инвестицион ресурслари таркибида туризмнинг улуши қанча юқори бўлса, унинг барқарор ва тез суръатлар билан ривожланиш имкониятлари ҳам шунча юқори бўлади.

Таҳлил натижалари Ўзбекистонда иқтисодиётга йўналтирилган инвестицион ресурслар таркибида туризмнинг улуши жуда пастлигини кўрсатди (2.1.3-жадвал). Жадвал маълумотлари 2019 йилда мамлакат миллий иқтисодиёти асосий капиталига ялпи инвестициялар миқдорининг (195927,3 млрд. сўм) 1,0 фоизи ёки 1956,1 млрд. сўм туризмга йўналтирилганлигини кўрсатди.

Бизнингча, тармоққа йўналтирилган инвестицион ресурслар ҳажмининг бошқа тармоқларга нисбатан камлиги туризмнинг ривожланишига, туристик хизматлар сифатига, уни инновацион асосда тараққий эттириш муаммоларини ечишга салбий таъсир кўрсатади.

2.1.3-жадвал

Ўзбекистонда 2010-2019 йилларда инвестицияларнинг тармоқлар ва соҳалар бўйича таркибидagi ўзгаришлар, млрд. сўм⁸⁰

№	Тармоқлар ва соҳалар	Инвестициялар				2019 йилга нисбатан, (марта)
		2010		2019		
		ҳажми	улуши, (% да)	ҳажми	улуши, (% да)	
	Инвестициялар, жами	15338,7	100,0	195927,3	100,0	12,7
1	Саноат	4659,9	30,4	71059,8	36,3	15,2
2	Қишлоқ хўжалиги	530,6	3,5	12199,1	6,2	22,9
3	Қурилиш	219,6	1,4	27535,1	14,1	125,3
4	Ахборот ва алоқа	х	х	2679,0	1,4	х
5	Савдо ва умумий овқатланиш	743,3	4,8	7395,2	3,8	9,9
6	Табиш ва сақлаш	х	х	14047,7	7,2	х
7	Маиший хизмат кўрсатиш	2742,2	18,0	х	х	х
8	Соғлиқни сақлаш	343,7	2,2	8156,6	4,1	23,7
9	Таълим	408,3	2,7	5511,0	2,8	13,5
10	Молия ва суғурта фаолияти	х	х	1822,5	0,9	х
11	Бошқа фаолият турлари	5333,3	34,7	43565,2	22,2	8,2
12	Туризм	357,8	2,3	1956,1	1,0	5,5

⁸⁰ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2010-2019 йиллар маълумотлари. // <https://stat.uz>

Агар туризмнинг мамлакат ЯИМдаги улуши 3,4 фоизни, иқтисодиётда банд аҳоли сонига улушининг 2,5 фоиз эканлигини ҳисобга олсак, ялпи инвестициялардаги улушининг етарли эмаслиги, яъни тармоққа йўналтирилган инвестицион ресурсларнинг ҳажми унинг асосий макроиқтисодий кўрсаткичларини шакллантиришга қўшган ҳиссасига мос эмаслиги тўғрисида муҳим хулоса чиқариш мумкин.

Туризм соҳасига жалб этилган инвестицион ресурсларнинг миллий иқтисодиёт таркибидаги бошқа фаолият турлари билан қиёсий таҳлили жараёнида 2010-2019 йиллар мобайнида тармоққа йўналтирилган инвестицион ресурслар улушининг кўпайиб бориш тенденцияси мавжудлигини аниқладик. Агар ушбу кўрсаткич 2010 йилда Ўзбекистонда 2,3 фоизни ташкил этган бўлса, 2019 йилга келиб у 1,0 фоизгача тушиб кетган (2.1.4-жадвал).

2.1.4-жадвал

Ўзбекистонда 2010-2019 йилларда туризмга инвестицияларнинг асосий капиталга ялпи инвестициялар таркибидаги улушининг ўзгариши⁸¹

Йиллар	Асосий капиталга ялпи инвестициялар, (млрд. сўм)	2010 йилга нисбатан ўсиш суръати, (% да)	шу жумладан,		Туризмда инвестицияларнинг ялпи инвестициялардаги улуши, (% да)
			туризм соҳасида инвестициялар*, (млрд. сўм)	2010 йилга нисбатан ўсиш суръати, (% да)	
2010	15338,7	100,0	357,8	100,0	2,3
2011	17933,4	116,7	421,2	117,7	2,3
2012	22797,3	148,6	514,7	143,9	2,3
2013	28694,6	187,1	606,3	169,5	2,1
2014	35233,3	229,7	731,4	209,4	2,1
2015	41670,5	271,7	851,4	238,0	2,1
2016	48083,1	313,5	1052,1	294,1	2,2
2017	68423,9	446,1	1428,3	399,2	2,1
2018	107733,1	702,3	1741,6	486,7	1,6
2019	195927,3	1238,2	1956,1	546,7	1,0

*Манба: <https://wtcc.org/Research/Economic-Impact>

Бизнингча, тармоққа йўналтирилган инвестицион ресурслар ҳажмининг бошқа тармоқларга нисбатан камлиги туризмнинг ривожланишига, туристик хизматлар сифатига, уни инновацион

⁸¹ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2010-2019 йй. маълумотлари. // <https://stat.uz>

асосда тараққий эттириш муаммоларини ечишга салбий таъсир кўрсатади.

Туризм соҳасига йўналтирилган инвестицион ресурсларнинг миллий иқтисодиётга ялпи инвестициялар таркибидаги улушининг пасайиб бориш тенденцияси мамлакатда кейинги йилларда туризмни жадал ривожлантириш ва уни иқтисодиётнинг устун ривожланган етакчи тармоқларидан бирига айлантириш, унинг мамлакат ялпи ички маҳсулотини шакллантиришдаги, аҳолини ижтимоий фойдали меҳнат билан таъминлашдаги, ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг бошқа муҳим муаммоларини ечишдаги мавқеини мустаҳкамлаш сиёсатининг моҳиятига батамом зид.

Туризмга йўналтирилган инвестицион ресурсларнинг ялпи инвестициялар таркибида пасайиб бориш тенденцияларининг сабабларини аниклаш мақсадида шу йиллар давомида туризмга жалб этилган инвестицион ресурсларнинг ўзгариш динамикасини таҳлил қилдик (2.1.5-жадвал).

2.1.5-жадвал

Ўзбекистонда 2010-2019 йилларда туризм соҳасига инвестициялар ҳажмининг ўсиши⁸²

Йиллар	Туризмга инвестициялар			
	номинал нархларда		реал нархларда	
	ҳажми, (млрд.сўм)	2010 йилга нисбатан ўсиши, (% да)	ҳажми, (млрд.сўм)	2010 йилга нисбатан ўсиши, (% да)
2010	357,8	100,0	1544,8	100,0
2011	421,2	117,7	1559,8	100,9
2012	514,7	143,9	1658,6	107,3
2013	606,3	169,5	1709,9	110,6
2014	731,4	2,0 марта	1508,3	97,6
2015	851,4	2,4 марта	1590,3	102,9
2016	1052,1	2,9 марта	1807,1	116,9
2017	1428,3	4,0 марта	2054,1	132,9
2018	1741,6	4,9 марта	1741,6	112,7
2019	1956,1	5,5 марта	2195,6	142,1

Юқорида келтирилган жадвалдан Ўзбекистонда 2010-2019 йиллар мобайнида туризм соҳасига сарфланган инвестициялар 5,5 мартага, яъни 2010 йилдаги 357,8 млрд. сўмдан 2019 йилда 1956,1

⁸² Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитасининг 2010-2019 йиллар маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

млрд. сўмгача кўпайганлиги яққол кўриниб турибди. Айниқса, 2016-2019 йилларда инвестицияларнинг ўсиш суръатлари жуда юқори бўлган. У 2016 йилда олдинги йилга нисбатан 12,3 фоизга, 2017 йилда ўзидан олдинги йилга нисбатан 13,6 фоизга, 2018 йилда 2017 йилга нисбатан 12,2 фоизга ва 2019 йилда 11,2 фоизга ошганлигини аниқладик.

Туризмни миллий иқтисодиётнинг устун ривожланган етакчи тармоқларидан бирига айлантириш, унинг мавқеини мустаҳкамлаш, жаҳон туризм бозорида рақобатбардошлигини ошириш, туристик инфратузилмани ривожлантириш, соҳада хусусий бизнес иштирокини фаоллаштиришга оид диққатга сазовор ишлар амалга оширилмоқда, тармоқдаги корхона ва ташкилотлар моддий техника базасини кенгайтиришга катта эътибор қаратилмоқда. Аниқ тадбирларга йўналтирилган чора-тадбирлар ўзининг амалий натижасини берди. 2019 йилда мамлакатимизга ташриф буюрган хорижий туристларнинг ҳам маҳаллий саёҳатчиларнинг ҳам сони кескин ошди, шунга мос тарзда ундан олинадиган даромадлар ва тармоқда яратилган ялпи ички маҳсулот ҳажми ҳам кескин ошди. 2019 йилда мамлакатимизга 6748,5 млн. нафар хорижлик туристлар ташриф буюрганлиги маълум қилинди⁸³.

Умуман олганда, Ўзбекистонда туризм соҳасини инвестициялаш жараёнларидаги ҳолатни ижобий воқелик сифатида баҳолаш мумкин. Лекин тадқиқотлар туризм соҳасига жалб этилган инвестицион ресурслар ҳажмига ва унинг ўсиш суръатларига мамлакатда кечаётган инфляцион жараёнлар кучли таъсир кўрсатаётганлигини алоҳида таъкидламоқчимиз. 2.1.5-жадвалда келтирилган маълумотлар кейинги 10 йил давомида туризм соҳасига киритилган инвестициялар ҳажми реал нархларда 11,2 фоизга ёки 1544,8 млрд. сўмдан (2010 йил) 1956,1 млрд. сўмгача (2019 йил), яъни 196,8 млрд. сўмга кўпайган. Демак, таҳлил этилаётган давр мобайнида фақат инфляциянинг ўсиши ҳисобидан туризмга жалб этилган ресурсларнинг ҳажми 1187,0 млрд. сўмга кўпайган. Шу давр мобайнида юқори инфляция ва пулнинг кадрсизланиши оқибатида нархлар ошмаганда, туризмга инвестициялар ҳажми 2019 йилда 457,4 млрд. сўмни ташкил қилган бўлар эди.

⁸³ Ўзбекистон 2019 йилда туристик хизматлардан қанча даромад топгани маълум қилинди. // <http://interkomitet.uz/boshqa/zbekiston>

Юқорида келтирилган таҳлил натижаларимиздан хулосамиз шундан иборатки, ҳозирги даврда туризм соҳасига ажратилаётган инвестицион ресурсларнинг ҳажми соҳа эҳтиёжларини қондириш талабларига жавоб бермайди. Туризмни миллий иқтисодиётнинг устун ривожланган, мавқеи мустаҳкам ва етакчи тармоғига айлантириш стратегиясини амалга оширишнинг иқтисодий негизи, унинг асосий воситаси инвестицион ресурслар ҳисобланди. Керакли инвестицион ресурсларсиз ҳеч бир соҳа ёки тармоқни ривожлантириб бўлмайди ва туризм соҳаси ҳам бундан истисно эмас. Инвестицияларсиз белгиланган марраларга эришиш, соҳага замонавий техника ва технологияларни, малакали, билимли кадрларни жалб этиш имкони мавжуд эмас.

Ўзбекистонда туризмга жалб этилаётган инвестицион ресурсларнинг қониқарли даражада эмаслигини, ушбу ҳолат мамлакатимиз келажаги ва истиқболи учун ўта муҳим бўлган тармоқни устун ривожлантириш стратегиясини амалга оширишда катта тўсиқлар пайдо қилиши мумкинлиги тўғрисидаги фикр-мулоҳазаларимизнинг исботи сифатида Ўзбекистон туризмнинг соҳага йўналтирилган инвестицияларнинг ялпи инвестициялар таркибидаги улуши бўйича ўтказилган ҳалқаро рейтингда 185 мамлакат ўртасида 169 ўринни эгаллаб турганлиги ҳамда бу кўрсаткич бўйича пешқадамлик қилаётган 50 мамлакат сафидан муносиб ўрин олишига эришиш тўғрисидаги маълумотни келтирмоқчимиз⁸⁴.

Туризмни тараққий эттиришда мураккаб, замонавий ва шу сабабли арзон турмайдиган техника ва технологияларни, яратилиши бўйича қиймати юқори бўлган инсон капиталини жалб этиш муаммосини ҳал этиб бўлмайди. Модомики бу долзарб муаммолар ўз вақтида ва катта эътибор билан ҳал этилмас экан, демак миллий иқтисодиётнинг туристик хизматлар бозоридаги рақобатбардошлигини ҳал этиб бўлмайди. Чунки ҳозирги замонда туристик хизматлар сифатига жуда юқори талаб билдирмоқдалар. Истеъмолчилар талаблари даражасида сифатли туристик хизматлар кўрсатиш соҳага катта инвестицион ресурсларни жалб этишни тақозо этади.

Бир сайёҳ учун сарфланадиган инвестиция миқдори билан туристик хизматлар сифати ва мос тарзда ушбу хизматларнинг

⁸⁴ Ўзбекистон Республикасининг 2035 йилгача ривожланиш стратегиясининг Концепцияси. // <https://uzbekistan.2035.uz>

жаҳон бозоридаги рақобатбардошлиги, туристик дестинациянинг жозибадорлиги, истеъмолчи-ларнинг миллий туристик бозор турмахсулотларига талаби ўртасида бевосита ва узвий боғлиқлик мавжуд. Туризмдан даромад олиш учун туристларнинг талаб ва эҳтиёжларини қондириш, замонавий ва юқори сифатли хизматлар кўрсатиш, яъни инвестицион ресурслар ҳажмини кенгайтириш чораларини излаб топиш керак. Туризмда инвестицияларнинг ҳолати ва бу соҳада кечаётган ўзгаришларга баҳо бериш учун туризмда инвестицияларнинг ҳажми ва ўсиш суръатларини миллий иқтисодиётнинг бошқа тармоқларидаги мазкур кўрсаткичлар ва уларнинг динамикаси билан таққосладик.

Кейинги давр мобайнида туризм соҳасининг инвестицион фаолиятида рўй берган ушбу тенденция унинг моҳиятига, кенг кўламли ислохотлар доирасида уни устун ривожлантириш стратегиясига зид. Бизнинг назаримизда, туризмга инвестициялар ҳажмига ва миллий иқтисодиёт бўйича ялпи инвестициялар ҳажмига нисбатан юқорироқ суръатларда ўсиши ва охир-оқибатда унинг ялпи инвестициялар таркибидаги улуши юқорилашиб бориши лозим. Фақат шундагина туризм давлат ва жамият томонидан ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш, аҳоли даромадларини ва бандлигини ошириш, миллий иқтисодиётни юксалтиришда етакчилик ролини ўйнаш бўйича унинг олдида қуйилган муҳим вазифаларни тўла-тўқис бажаришга қодир бўлади.

2.2. Туризмда инвестицион ресурслар самарадорлиги кўрсаткичларига таъсир этувчи омиллар ва уларнинг таҳлили

Жаҳон хўжалигининг глобаллашуви натижасида ички ҳамда ташқи бозорларда рақобат кураши тобора кескинлашиб бормоқда. Бу эса миллий иқтисодиёт ва унинг таркибидаги барча тармоқ ва хўжалик субъектлари олдида самарадорликни ошириш, ҳар бир ресурс бирлигига имкон қадар юқори натижага эришиш муаммосини янада кучайтиради. Молиявий ресурслар танқислиги мавжуд бўлган Ўзбекистон учун инвестицион фаолият самарадорлигини таъминлаш алоҳида аҳамият касб этади. Туризм соҳасида инвестицион ресурслар самарадорлигини оширишнинг моҳияти шундаки, ушбу аҳамиятли ресурсларни тақсимлаш ва фойдаланиш жараёнида ҳар бир инвестицион ресурс сарфига юқори иқтисодий натижаларга эришишни таъминлаш зарур.

Юқорида қайд этилган долзарб муаммонинг амалиётда ҳал этилиши инвестицияларга йўналтирилган иқтисодий ресурслар самарадорлигини таҳлил қилиш ва баҳолаш билан боғлиқ мезон ва кўрсаткичлар тизимини қўллашни тақозо этади. Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, инвестицион ресурслар туристик корхона ва ташкилотлар фаолиятини ривожлантиришда ва уларнинг бозордаги мавқеини мустаҳкамлашда асосий омил ҳисобланади. Хўжалик субъекти фаолияти ҳажмини кенгайтириш ва ўз олдига қўйган мақсад ва вазифаларнинг бажарилиши инвестицияга сарфланган ресурслардан самарали фойдаланишни тақозо этади.

Туризм соҳасига жалб этилган инвестицион ресурсларнинг самарадорлигини ошириш уларни ҳар томонлама ва чуқур таҳлил қилишни, инвестицион фаолиятнинг ютуқли томонлари ва камчиликларини, уларнинг сабабларини аниқлашни, ресурсларни такомиллаштириш ва тасдиқлаш, улардан самарали фойдаланиш бўйича илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишни тақозо этади.

Бизнингча, инвестицион ресурслар таҳлилининг тўла қонли ва барча яширин заҳираларни аниқлаш имконини берадиган даражада бўлиши учун, иқтисодий таҳлил 2 даражада: макродаражада, яъни, бутун мамлакат миқёсида туризмда инвестицион ресурсларнинг самарадорлиги ва микродаражада яъни, алоҳида хўжалик юритувчи субъектлар кесимида амалга оширилиши лозим.

Инвестицион ресурслардан фойдаланиш самарадорлигининг асосий мезони кам сарф-харажатлар билан юқори натижага эришиш ҳисобланади. Ушбу нуқтаи-назардан макро ва микро даражада инвестицион ресурслар таҳлили қўлланиладиган усуллар, кўрсаткичлар, мақсад ва вазифалар кескин фарқ қилади.

Макродаражада туризм соҳасида инвестицион ресурслар мамлакат ялпи ички маҳсулотини оширишга, аҳоли бандлигини таъминлашга, бюджетга тушадиган даромадларни кўпайтиришга, унинг жаҳон бозоридаги мавқеини мустаҳкамлашга, туризм билан боғлиқ соҳа ва тармоқларнинг тараққиётига, давлатнинг халқаро нуфузини оширишга, аҳоли даромадлари ва турмуш фаровонлигини юксалтиришга ва бошқа бир қатор муҳим вазифаларни бажаришга хизмат қилади. Туризм “харажатлар-даромадлар” занжирида хорижлик ҳар бир туристга қилган харажатлари ва ҳар бир туристнинг мамлакат ҳудудидаги фарқ ҳисобидан юқори даромад олишга имкон яратади.

Микродаражада амалга оширилаётган инвестицион лойиҳаларнинг иқтисодий самарадорлиги таҳлил қилинади. Инвестицион ресурсларни шакллантириш ва уларни амалга ошириш туристик корхона ва ташкилотлар даражасида ҳал бўлганлиги сабабли, инвестицион ресурслардан фойдаланиш самарадорлиги ҳам кўп жиҳатдан корхона даражасида ҳал бўлади.

Миллий иқтисодиётда туризмнинг бевосита таъсири остида мультипликатив самара юзага келади. У туризм соҳасига дахлдор бўлган миллий иқтисодиёт барча тармоқларида ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтиришни ва яратилган янги иш ўринлари ҳисобидан бандлик даражасини оширишни рағбатлантиради. Чунки туризм мақсадида мамлакатга ташриф буюрувчи саёҳатчилар ўзларининг физиологик эҳтиёжларини қондириш билан бир қаторда, товар ва хизматларга иккиламчи талаб билдирадилар.

Илмий адабиётларда туризмда етти хил мультипликатор борлиги таъкидланади: 1) ишлаб чиқариш мультипликатори; 2) сотиш мультипликатори; 3) даромад мультипликатори; 4) бандлик мультипликатори; 5) иш ҳақи мультипликатори; 6) давлат даромадлари мультипликатори; 7) импорт мультипликатори⁸⁵. Мультипликатив самаранинг моҳияти шундаки, саёҳат чоғида ҳар бир туристдан унинг эҳтиёжларини қондиришдан олинadиган даромадлар, унга туристик хизматлар кўрсатишга қилинган харажатларга нисбатан ортиқ бўлади. Швейцария олимларининг фикрларига мувофиқ турмаҳсулот ишлаб чиқариш бўйича харажатлардан олинadиган даромад, мамлакат ёки минтақанинг хусусиятларига қараб, 1,2 дан 4,0 гача даражада бўлади. Бу дегани, масалан, Ўзбекистонда турмаҳсулотни ишлаб чиқариш учун кетган сарф-харажатларнинг ҳар бир сўмига 1,2 сўмдан 4 сўмгача устама даромад олиш мумкин.

Туризм соҳасида унинг ривожланиши натижасида кўламли миқдор ва сифат ўзгаришлар юз беради ва улар мураккаб соҳа сифатида жамият ҳаётининг турли соҳаларига кучли таъсир кўрсатади. Туризм серқирра ва мураккаб муҳитда фаолият кўрсатувчи соҳа сифатида, ўз тараққиёти жараёнида мамлакат миқёсида кўп соҳа ва тармоқларнинг, мамлакат ижтимоий тараққиётининг, аҳоли турмуш даражаси ва сифатини юксалтиришнинг жуда кўп муаммоларини ечишнинг воситаси ҳисобланади.

⁸⁵ Мультипликативный эффект в туризме. // <https://poznayka.org/s53081t1.html>

Бизнингча, унинг макродаражадаги ижтимоий-иқтисодий аҳамиятини қуйидагилар билан ифодалаш мақсадга мувофиқ:

-мамлакат аҳоли даромадлари, унинг ҳаёт фаровонлигини ошириш;

-янги иш ўринларини яратиш;

-инновацион турмаҳсулот ишлаб чиқариш ва туристларга хизмат

кўрсатиш билан шуғулланувчи тармоқларни ривожлантириш;

-хунармандчилик ва маданият марказлари фаолиятини ривожлантириш;

-валюта тушумларини кўпайтириш;

-давлат бюджети даромадларини кўпайтириш.

Юкорида келтирилган макроиқтисодий кўрсаткичларнинг барчаси катта даражада туризмда олдинги йиллар давомида шакллантирилган асосий фондлар ва жорий йилда жалб этилган инвестициялар ҳажмига чамбарчас боғлиқ. Масалан, хориждан келадиган туристларнинг ҳар бирига муайян миқдордаги турмаҳсулотларни таклиф қилиш ҳеч қачон муайян миқдордаги инвестицияларсиз амалга ошмайди.

Туризмнинг имкониятларидан ва унда мужассамлашган улкан салоҳиятдан ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг амалий муаммоларини ҳал этишнинг унумли воситаси сифатида фойдаланаётган чет эл давлатларида иқтисодчи олимлар туризм иқтисодиётига жудда катта эътибор берадилар. Иқтисодчи О.Бенержи бошқа муаллифлар билан биргаликда туризмда макродаражада инвестициялар таҳлилига оид иқтисодий модель яратган⁸⁶. Ушбу модель ёрдамида тадқиқотчилар ўта мураккаб, айти пайтда туризмда инвестицияларнинг макроиқтисодий таҳлилига оид жуда муҳим вазифани бажарганлар. Модель ёрдамида улар инвестицияларнинг миллий иқтисодиётнинг ўсишига, аҳоли бандлигига ва даромадлар ҳажмига қанчалик таъсир кўрсатишини рақамларда изоҳлаб беришга ҳаракат қилганлар.

Бизнингча, О.Бенержи томонидан таклиф этилган моделни Ўзбекистонда туризмга инвестицияларнинг мамлакатда иқтисодий ўсиш, аҳоли бандлиги даражасининг ошиши, даромадларининг кўпайишига таъсирини аниқлаш учун ишлатиш эътиборга лойиқ

⁸⁶ Banerjee O. et al. An integrated model for evaluating investments in cultural heritage tourism in the Dominican Republic //Tourism Economics. – 2017. – Т. 23. – №. 8. – С. 1568-1580.

натижалар бермайди. Сабаби, Ўзбекистонда туризм соҳасининг ушбу макроиқтисодий кўрсаткичларни шакллантиришдаги улуши ҳали сезиларли даражада эмас. Натижада, туризмга инвестицияларнинг самарадорлигини уларнинг ушбу тармоқ миқёсида яратилган ялпи ички маҳсулот, тармоқда банд аҳоли сони ва уларнинг даромадларига таъсирини таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ.

Туризм кўп тармоқлар билан узвий ҳамкорликда фаолият олиб боровчи

соҳа бўлганлиги ва мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётида муҳим аҳамиятга эга эканлиги сабабли, унинг макродаражадаги таҳлили долзарб ва муҳим ҳисобланади. Мамлакат миқёсида туризм ўзида турли ижтимоий ва иқтисодий жараёнларни, бир неча соҳа ва тармоқлар фаолиятини ўзида мужассамлаштирувчи яхлит комплекс сифатида амал қилади. Шу сабабли, бизнинг назаримизда, унинг кенг қамровли, серқирра фаолиятига йўналтирилган инвестицион сарф-харажатларни ва улардан олинадиган ижтимоий-иқтисодий самарани шакллантирувчи, белгиловчи тизим шаклида омиллар мажмуи сифатида ифодалаш мумкин бўлади. Бизнингча, макроиқтисодий таҳлил жараёнида туризмда инвестицион ресурслар самарадорлигига таъсир кўрсатувчи омиллар тизими таркибига қуйидагиларни киритиш лозим:

- хориждан мамлакатга ташриф буюрувчи ва мамлакатдан хорижга саёҳатга чиқувчи туристлар сони;
- ички туризм ҳажми;
- хорижлик туристларнинг сарф-харажатлари (туризм экспорти);
- туризмга инвестициялар;
- туризм билан боғлиқ ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасига давлат харажатлари;
- туризмнинг бандликка қўшган ҳиссаси;
- туризмнинг ялпи ички маҳсулотга қўшган ҳиссаси;
- туризмдан давлат бюджетига даромадлар;
- туризмдан аҳоли олган даромадлари.

Макроиқтисодий таҳлил жараёнида юқорида таклиф этилган омилларнинг ўзаро таъсирини аниқлашга, жумладан туризмга йўналтирилган

инвестицияларнинг биз таклиф қилган кўрсаткичлар миқдори ва сифатига таъсирини, ўз навбатида уларнинг тармоқдаги инвестицион ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини тадқиқ этишга асосий эътиборимизни қаратдик.

Масалан, Ўзбекистонга ташриф буюрувчи хорижлик ёки маҳаллий туристларнинг сони тармоққа йўналтирилган инвестицион ресурсларнинг миқдори ва сифатига бевосита боғлиқ. Ўз навбатида, туристик дестинацияга ташриф буюрган туристларнинг сони ва уларнинг туристик маконда бўлиш давомийлиги туризмга йўналтирилган инвестицион ресурслар самарадорлигига бевосита таъсир кўрсатади.

Туристик салоҳиятни шакллантиришда олдинги йиллар давомида шакллантирилган асосий фондлар, тарихий-маданий мерос объектлари, табиий шарт-шароитлар муҳим роль ўйнайди. Лекин жорий инвестициялар ҳам туристик салоҳиятни шакллантиришнинг ва ундан самарали фойдаланишнинг муҳим омили ҳисобланади. Масалан, хориждан келадиган туристларга турли хил турмаҳсулотларни таклиф қилишнинг ўзи кифоя қилмайди. Уларнинг ҳар бирига туристик саёҳат билан боғлиқ муайян миқдордаги инвестицион сарф-харажатларни амалга ошириш, таклиф этилаётган турмаҳсулотларни истеъмол қилиш учун зарур шароит яратиш лозим. Булар мамлакатга туристларни жалб этишнинг асосий шарти ҳисобланади.

Таҳлил натижалари шуни кўрсатдики, 2015-2019 йилларда Ўзбекистонда қирувчи туризм, айниқса, ички туризм тез суръатлар билан ривожланди (2.2.1-жадвал). Шу давр мобайнида мамлакатга бошқа давлатлардан ташриф буюрган хорижлик туристлар сони 3,5 мартага кўпайган бўлса, ички туризм 8,3 мартага ошди. Қирувчи туризм ва ички туризмнинг тез суръатлар билан ривожланишига ушбу соҳага йўналтирилган инвестициялар ҳажмининг тез суръатлар билан ўсиши катта ижобий таъсир кўрсатганлигини таъкидламоқчимиз.

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, туризмга йўналтирилган инвестициялар миқдори 851,4 млрд. сўмдан (2015 йил) 1956,1 млрд. сўмгача (2019 йил) ёки 2,3 мартага кўпайган.

Қирувчи туризмнинг тез суръатлар билан ривожланиши, мамлакатга ташриф буюрувчи туристлар сонининг кескин кўпайиши, туризм экспорти ҳажмига катта ижобий таъсир кўрсатганлиги диққатга сазовор.

Ўзбекистонда 2015-2019 йилларда туризмда инвестицион ресурслар самарадорлиги кўрсаткичлари⁸⁷

№	Кўрсаткичлар	Йиллар					2019 йил 2015 йилга нисбатан ўсиши, (марта)
		2015	2016	2017	2018	2019	
1	Ўзбекистонга хориждан ташриф буюрган туристлар сони, минг киши ⁸⁸	1918,0	2027,0	2690,0	5346,0	6748,0	3,5
2	Ички туризм, минг киши	1754,2	1871,7	2145,9	14000,0	14700,0	8,3
3	Инвестициялар, млрд. сўм	851,4	1052,1	1428,3	1741,6	1956,1	2,3
4	Туризм хизматлари экспорти, млрд. сўм	1341,5	1273,8	4300,6	10670,6	13688,5	10,2
5	Ҳар бир хорижлик туристга ўртача сарф-харажатлар (инвестиция), минг сўм	443,8	519,0	530,9	325,7	289,8	65,2%
6	Ҳар бир хорижлик туристнинг туризм хизматларига сарфлари (туризм экспорти), минг сўм	699,4	628,4	1598,7	1996,0	2028,5	2,9
7	Ҳар бир сўм инвестицияга туризм экспорти, сўм	1,58	1,21	3,01	5,45	7,86	5,0

⁸⁷ <https://wtic.org/Research/Economic-Impact> расмий статистик маълумотлари.⁸⁸ Ўтган йилда салкам 7 млн сайёҳ Ўзбекистонга келди. 2019 йилда туризм соҳасидаги амалга оширилган ишларнинг тўлиқ таҳлил (инфографикалар). // <http://xs.uz/uzkr/post/otgan-jilda-salkam-7-mln-sajyoh>

Шу йиллар мобайнида Ўзбекистонда хорижлик туристлар ҳисобидан келган тушумлар миқдори 2015 йилда 1341,5 млрд. сўмни ташкил этган бўлса, 2019 йилда у 13688,5 млрд. сўмни ташкил этди ёки 10,2 мартага кўпайди. Инвестицияларга йўналтирилган ресурсларнинг ўсиш суръатлари (2,3 марта), туризм экспортининг ўсиш суръатлари (10,2 марта) сезиларли даражада кўпайганлигини ижобий жараён сифатида баҳолади.

Рақамлар мамлакатимизда туризм экспортининг нафақат ташриф буюрувчи туристлар сонининг кўпайиши (3,5 марта), балки ҳар бир хорижлик туристга тўғри келадиган сарф-харажатлар ўртача миқдорининг ўсиши (2,9 марта) ҳисобидан амалга ошганлигини кўриш мумкин. Агар 2015 йилда Ўзбекистонга ташриф буюрган ҳар бир туристга ўртача 699,4 минг сўм миқдорида маблағ сарфланган бўлса, 2019 йилда унга 2028,5 минг сўм миқдорида инвестицион ресурслар сарфланган. Бошқача қилиб айтганда, 2015-2019 йиллар мобайнида ҳар бир хорижлик туристга сарфланадиган инвестицион ресурслар 2,9 мартага ошган.


Ушбу жараёни ижобий баҳолашимизнинг боиси шундаки, туристларга йўналтирилган сарф-харажатларнинг, яъни инвестицион ресурсларнинг кўпайиши мамлакатга туристларни жалб этишнинг муҳим воситаси ҳисобланади. Чунки туризмга йўналтирилган инвестицион сарф-харажатларнинг кўпайиши турагентликлар ва туроператорларнинг кўпайишини, туристик хизматлар сифатининг ошишини, янги хизмат турларининг пайдо бўлишини, янги замонавий меҳмонхоналарнинг қурилишини ёки амал қилаётган меҳмонхоналарни замонавий асосда реконструкция қилиш, кадрлар малакасини ошириш, янги инновацион техника ва технологияларни жорий этиш ва бошқа туристик хизматлар сифатининг яхшиланиши билан боғлиқ жараёнларнинг ривожланишини англатади. Жаҳон туризм бозорида истеъмолчи учун рақобатнинг тобора кучайиб бориши шароитида туристик хизматлар сифатининг ошиши туризмни ривожлантиришга катта ижобий таъсир кўрсатиши шубҳасиз.

Жадвалда келтирилган маълумотлар яна бир муҳим ҳулоса чиқариш учун асос бўлди. Ҳар бир хориждан мамлакатга ташриф буюрган туристга тўғри келадиган инвестицияларнинг миқдори ошиб борган сайин, тармоққа йўналтирилган инвестицияларнинг ҳар бир сўмига тўғри келадиган туризм экспорти ҳажми геометрик прогрессияда ошиб борган. Агар 2015 йилда ҳар бир мамлакатга

ташриф буюрган хорижлик туристга инвестицион сарф-харажатлар 699,4 минг сўмни ташкил этган бўлса, унинг ҳар бир сўмга тўғри келадиган экспорти 1,58 минг сўмни ташкил этган, 2019 йилда эса унинг ҳар бир сўмга хорижлик туристларнинг харид харажатлари 7,86 минг сўмни ташкил этган. Ҳар иккала кўрсаткич ўртасидаги ушбу боғлиқликни график орқали тасвирладик (2.2.1-расм).

Юқоридагилардан натижавий хулосамиз шундан иборатки, туризм соҳасига жалб этилган инвестицион ресурслар иқтисодий самарадорлигини оширишнинг асосий йўналишларидан бири – бу кирувчи туристларга инвестицион сарф-харажатлар миқдорини муттасил тарзда ошириб бориш. Демак, кирувчи туристларга инвестицион сарф-харажатларни қанча кўпайтирсак, ушбу харажатлардан оладиган иқтисодий самара ҳам шунча юқори бўлади.

2019-2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини ривожлантириш Концепциясини амалга оширишнинг мақсадли кўрсаткичларига мувофиқ, 2025 йилга бориб мамлакатга ташриф буюрувчи хорижий туристлар сони 11810,0 минг кишини, туризм хизматлари экспортининг ҳажми эса 2170,0 млн. АҚШ долларини ташкил этмоғи лозим⁸⁹. Лекин мақсадли кўрсаткичлар таркибида асосий капиталга



2.2.1-расм. Ҳар бир кирувчи туристга ўртача инвестицион сарф-харажатлар билан ҳар бир доллар инвестицион сарф-харажатларга тўғри келадиган туризм хизматлари экспорти ўртасидаги боғлиқлик⁹⁰

⁸⁹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 5611-сон 2019 йил 5 январдаги “Ўзбекистон Республикасида Туризмни жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони. 1-Илова. // <https://lex.uz>

⁹⁰ <https://wtic.org/Research/Economic-Impact> расмий статистик маълумотлар асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

инвестициялар бўйича прогноз параметрлари ўз аксини топмаган. Агар инвестициялар туризмни ривожлантириш ва ушбу соҳадан олинадиган даромадлар ҳажмига кучли таъсир кўрсатувчи асосий омил эканлигини ҳисобга олсак, ушбу кўрсаткич бўйича ҳам прогноз кўрсаткичлари концепцияда ўз аксини топтоғи лозим эди.

Макроиктисодий таҳлил жараёнида туризмга инвестициялар ва туризм хизматлари экспорти ўртасидаги узвий боғлиқлик тўғрисидаги фикр-мулоҳазаларимизни давом эттирсак, 2025 йилда туризмга инвестициялар ҳажми тўғрисида илмий асосланган прогностик маълумотлар олишимиз мумкин бўлади.

Ҳисоб-китоб натижалари шуни кўрсатдики, 2025 йилда Ўзбекистонга ташриф буюрувчи хорижлик туристлар сони 11810,0 минг кишини ташкил этадиган бўлса, уларнинг ҳар бир улушига тўғри келадиган туризм хизматлари экспорти эса 1837,0 АҚШ долларни (2170,0 млн. АҚШ dollari: 11810,0 минг киши) ташкил этган. Келажакда яъни, 2025 йилда Ўзбекистонга ташриф буюрувчи хорижлик туристнинг сонини 11810,0 минг кишига етказиш мўлжалланган. Агар уларнинг ҳар биридан 1837,0 АҚШ dollari миқдорида туризм хизматларини сотиш учун унга қанча миқдорда инвестицион ресурсларни сарфлашимиз лозим бўлишини аниқлашимиз учун эгилувчанлик (эластиклик) кўрсаткичларидан фойдаландик.

Эластиклик иқтисодиётда натижавий кўрсаткичнинг муайян бир омил таъсири остида ўзгариш миқдорини аниқлаш мақсадида ишлатилади. Масалан, истеъмолда талаб ёки тақлиф ҳажмига таъсир қилувчи омиллар (наrx, истеъмолчи даромадлари ва бошқалар)нинг таъсир кучини аниқлашда ишлатилади. Биз уни ҳар бир бирлик туризмга қилинган инвестицион сарф-харажатларнинг туризм хизматлари ҳажмига таъсирини ўлчаш мақсадида ишлатдик. Бунда биз қуйидаги формуладан фойдаландик:

$$\varepsilon_{\text{тх}} = \frac{\Delta X}{\Delta U} \quad (2.1)$$

Бунда:

$\varepsilon_{\text{тх}}$ - туризм хизматларига туристлар талабининг инвестиция бўйича эгилувчанлиги (сезгирлиги);

ΔX - туризм хизматларига талабнинг (туризм хизматлари экспортининг)

фоизли ўзгариши;

ΔU - туризмга инвестицияларнинг фоизли ўзгариши.

2.2.1-жадвалдаги 2019 йил маълумотларини юқоридаги (2.1) формулага қуйиб ҳисоблаш натижасида эластиклик коэффиценти 1,59 га тенглигини аниқладик:

$$\Delta X = \frac{13688,5 - 1341,5}{13688,5} \times 100 = 90,2\%$$

$$\Delta U = \frac{1956,1 - 851,4}{1956,1} \times 100 = 56,4\%$$

$$\Xi_{\text{тх}} = \frac{90,2}{56,4} = 1,59$$

Юқоридаги ҳисоб-китоблардан хулоса шундан иборатки, Ўзбекистонга хориждан ташриф буюрадиган туристларни инвестицион сарф-харажатларининг 1 фоизга ўсиши натижасида уларнинг мамлакат ҳудудида туризм хизматлари хариди учун сарф-харажатлари, яъни туризм экспорти 59 фоизга ошади. Мамлакатга ташриф буюрувчи туристларнинг туризм хизматлари харид қилишга мойиллиги уларнинг эҳтиёжларини қондириш йўлида сарфланадиган инвестицион ресурслар ҳажми кўпайиб борган сайин ортиб боради. Чунки мамлакатга саёҳатга келган хорижлик меҳмонлар мезбонлар томонидан кўрсатилган илтифотни, эътиборни, хизмат сифатини, яратилган қулайликларни, қўшимча хизматларни, яшаш ва овқатланишдаги шарт-шароитларни кадрлайдилар ва юқори баҳолайдилар. Бунга жавобан улар саёҳат давомида ҳиммат билан товар ва хизматлар харид қиладилар, мезбонларнинг иззат-ҳурматидан рағбатланган ҳолда, саёҳат муддатини узайтиришга, муайян вақт ўтгандан кейин бундай илтифоти баланд, меҳмондўст юртга ўз саёҳатларини қайта-қайта такрорлашга интиладилар. Натижада, ташриф буюрувчи меҳмонларга инвестицион сарф-харажатлари ва уларнинг натижасида олинадиган туризм хизматлари экспорти ўртасида юқори, 1 дан катта бўлган эластик боғлиқлик юзага келади.

Ушбу эластиклик коэффиценти ёрдамида 2025 йилда Ўзбекистонда туризмни ривожлантириш Концепциясига мувофиқ мўлжалланган 11810,0 минг хорижлик туристларни қабул қилиш, уларга малакали, юқори сифатли хизматлар кўрсатишни таъминлашга эришиш ва бунинг эвазига уларнинг мамлакат ҳудудига сарф-харажатлари (туризм хизматлари экспорти) ҳажмини 2170,0 млн. АҚШ долларига етказиш учун асосий капиталга қанча инвестицион ресурслар жалб этилиши кераклигини ҳисоблаб чиқдик. Ҳисоб-китоблар 2025 йилда Ўзбекистонда туризм

соҳасини ривожлантириш Концепциясида белгиланган мақсадли кўрсаткичларга етиш учун ушбу соҳага йўналтирилиши лозим бўлган инвестицион ресурслар ҳажми 2750,0 млрд. сўмни ёки 263,4 млн. АҚШ долларини ташкил этиши кераклигини кўрсатди.

2025 йил инвестициялар прогнози ҳисоб-китоблари қуйидаги кетма-кетликда амалга оширилди.

Биринчидан, 2025 йилда 2020 йилга нисбатан Ўзбекистонга ташриф буюрувчи туристлар сонининг қанчага ўсиши аниқланди. У 4,8 млн. кишини ёки 68,5 фоизни ташкил этиши аниқланди.

Иккинчидан, 2025 йилда 2020 йилга нисбатан Ўзбекистонда туризм экспорти қанчага ўсиши аниқланди. У 810,0 млн. АҚШ доллари ёки 59,6 фоизни ташкил этди.

Учинчидан, 2020-2025 йиллар давомида Ўзбекистонда туризм экспорти 59,6 фоизга ўсиши мўлжалланган бўлса ҳамда унинг ҳар бир фоизи туризмга инвестицияларни 0,88 фоизга оширишни тақозо этадиган бўлса, демак, туризм хизматлари экспорти ҳажмини 59,6 фоизга ошириш учун, 2025 йилда 2020 йилга нисбатан туризмга инвестицияларни 52,4 фоизга ошириш, унинг ҳажмини эса 2025 йилда $18045,0 \times 152,4 = 2750,0$ млрд. сўмга етказиш лозим.

2.3. Туристтик корхоналар инвестицион фаолияти самарадорлигини таҳлил қилиш ва баҳолаш

Туристтик корхоналарни ташкил этиш ва ривожлантириш эҳтиёжлари инвестицион лойиҳаларни яратишни тақозо этади. Бозор иқтисодиёти шароитида туристик корхона, бошқа барча соҳа ва тармоқлар хўжалик субъектлари сингари, хўжалик фаолияти самарадорлигини ошириш унинг стратегик мақсади ҳисобланади. Инвестицион лойиҳалар ана шу бош стратегик мақсадга эришишнинг муҳим воситаси бўлиб хизмат қилади.

Инвестицион лойиҳаларни таҳлил қилиш ва баҳолаш корхонада инвестицион сиёсатни тўғри шакллантириш ва корхона инвестицион ресурслари иқтисодий самарадорлигини оширишнинг асосий шартларидан бири ҳисобланади. Бир неча инвестицион лойиҳалардан энг истиқболли ва амалда юқори натижа берадиган лойиҳани танлаш муаммоси инвестицион ресурслар танқислиги шароитида долзарб масалага айланди.

Инвестицион лойиҳаларни баҳолашда туристик инвестицион лойиҳаларнинг кўлами, уларнинг корхона фаолият натижаларига таъсири, фойдаланишнинг давомийлиги ва бошқа муҳим жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда ёндашилади. Одатда кичик инвестицион лойиҳалар катта молиявий сармояларни тақозо этмайди. Улар туристик хизматлар ҳажмига сезиларли таъсир кўрсатмайди. Бунда туристик лойиҳаларнинг истиқболларини баҳолашда оддий ҳисоблаш усулларини қўллаш мақсадга мувофиқ.

Лекин туризм соҳасида катта инвестицион ресурсларни жалб этиш билан боғлиқ йирик инвестицион лойиҳалар (янги туристик объектни қуриш, туристик комплексни реконструкция қилиш, тамоман янги туристик хизмат турларини жорий этиш ва бошқалар)ни амалга оширишда муносабат бошқача бўлиши лозим. Айниқса, мамлакатда туризмни устун ривожлантириш ва уни миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоқларидан бирига айлантириш сиёсати доирасида амалга ошириладиган кенг кўламли бунёдкорлик ишлари йирик инвестицион лойиҳаларни амалга оширишни тақозо этади. Табиийки, бундай инвестицион лойиҳаларни таҳлил қилиш, баҳолаш жараёнида катта миқдордаги омиллар ҳисобга олинмоғи лозим. Демак, ушбу омилларнинг жалб этиладиган инвестицион ресурслар самарадорлигига таъсирини аниқлаш ҳам анча мураккаблашади. Шу сабабли инвестицион сарфлар самарадорлигини ҳисоблашда такомиллаштирилган, инвестицион лойиҳа ишончлилигини оширадиган замонавий усулларни қўллаш лозим бўлади, деб ўйлаймиз. Хулоса қилиб айтганда, туристик корхона фаолиятини ривожлантиришга жалб этиладиган инвестицион ресурсларнинг миқдори қанча кўп бўлса, ҳамда инвестицион лойиҳани амалга ошириш фаолият натижаларига кучли таъсир кўрсатадиган бўлса, инвестицион лойиҳа самарадорлигини таҳлил қилиш ва баҳолаш усуллари ҳам шунча мукаммал бўлиши лозим. Чунки инвестицион ресурсларни йўналтиришда ва самараси юқорироқ лойиҳани танлашда йўл қуйилган кичик хатолар ҳам катта салбий оқибатларга олиб келиши ва натижада потенциал инвесторни доимо сергак тортишга мажбур қилиши муқаррар. Ушбу салбий оқибатлар сезиларли молиявий йўқотишларда ўз аксини топади.

Ҳозирги кунда туризм соҳасида инвестицион ресурсларни шакллантириш ва улардан фойдаланиш самарадорлигини оширишда муҳим амалий аҳамиятга эга бўлган жуда кўп

муаммолар мавжуд. Ушбу муаммоларнинг узил-кесил ечилиши кундалик амалиёт учун катта ижобий самара бериши мумкин.

Алоҳида корхона ва ташкилотлар, яъни хўжалик субъектлари даражасида инвестицион ресурсларнинг самарадорлиги ушбу хўжалик субъектининг асосий капиталга жалб этилган моддий ва молиявий ресурслардан фойдаланишнинг натижавийлик даражасини англатади. Натижавийлик даражасини аниқлаш, туристик хўжалик субъектнинг инвестицион лойиҳани амалга оширишдан олган самара тўғрисида асосли ва тўғри хулоса чиқариш учун таҳлил жараёнида ушбу фаолият натижаларига таъсир этувчи омилларни ҳамда уларнинг таъсири оқибатларини чуқур ва атрофлича ўрганишни талаб қилади.

Туризмда инвестицион лойиҳанинг самарадорлигига таъсир кўрсатувчи асосий омиллар рўйхатига қуйидагиларни киритишни лозим топдик: инвестицион лойиҳанинг ишланганлик даражаси; инвестицияларга эҳтиёжларни прогноз баҳолаш; молиялаштиришнинг манбалар бўйича таъминланганлиги; риск индикатори; туристик хизматлар бозоридаги камчиликнинг ноаниқлиги; инфляциянинг ўзгариши; қарзга олинадиган маблағларнинг шартлари; лойиҳани амалга ошириш вақтини танлаш; тақдим этиладиган хизматларнинг кўлами; минтақавий инфратузилманинг ривожланиши. Шунинг ҳам алоҳида таъкидлаш лозимки, инвестицион лойиҳани ишлаб чиқиш жараёнида олдин туристик корхона ҳолатининг сифати таҳлил қилиниши ва баҳолалиши лозим. Юқорида зикр этилган барча омилларнинг инвестицион жараён динамикасига таъсир этишини чуқур ва ҳар томонлама таҳлил қилиш керак.

Биз таклиф қилмоқчи бўлган усуллар туризмда инвестицион ресурслар самарадорлигини соф келтирилган даромад, фойда ва ўзини оқлаш кўрсаткичларини тавсифловчи миқдорларини ҳисоблашга асосланган. Туризм соҳасида фаолият кўрсатаётган корхоналар олдида турган энг муҳим муаммолардан бири – бу инвестицияларнинг юқори самарадорлигини таъминлаш муаммосидир. Инвестицион самарадорлик тегишли инвестиция концепциясини ишлаб чиқишда устувор йўналиш бўлиши керак. Табиийки, инвестицияларнинг етишмаслиги корхоналарни инвестициялар ҳажмини оширишга даъват қилади, натижада маблағ билан таъминланадиган лойиҳалар рўйхатига киритиш мумкин бўлган лойиҳалар сонининг кўпайиши юз беради, шунинг

учун ушбу рўйхатда самараси юқори лойиҳалар биринчи ўринда туриши керак. Бунинг учун эса амалиёт инвестицион лойиҳалар самарадорлигини баҳолашнинг барча талабларга жавоб бера оладиган методикага эга бўлмоғи лозим.

Инвестицион лойиҳалар самарадорлигини таҳлил қилиш ҳам жуда муҳимдир, чунки активларни кенгайтириш, юқорида таъкидлаганимиздек, одатда катта харажатлар билан боғлиқ ва катта миқдордаги маблағларни талаб қилади, шу нуқтан-назардан, маблағларни сарфламасдан туриб, корхоналар ўз инвестицияларини бир неча йил ичида қанча самара беришини олдиндан билишлари керак. Бу эса, корхонани инвестициялашга рағбатлантиришда муҳим аҳамият касб этади. Инвестицияларнинг самарадорлигини корхоналар томонидан фойдаланадиган кредитларнинг муддати билан боғлаш жуда муҳим. Чунки туристик объектларга қилинган инвестициялар узоқ муддат давомида қайтарилиш имконияти билан характерлидир, шунинг учун туристик объектларни қуриш билан боғлиқ узоқ муддатли лойиҳаларни амалга оширишда корхоналар узоқ муддатли кредитлар олишдан манфаатдордирлар.

Режалаштирилган инвестицияларни амалга оширишда вақт омили инвестициялар самарадорлигига сезиларли даражада таъсир кўрсатади. Шу сабабли инвестициялар самарадорлигини баҳолашда, вақт омилининг лойиҳага киритилган маблағларнинг вақт ўтиши билан ҳар қандай қийматнинг ўзгаришини аниқ кўрсатиб бериш керак: киритилган маблағлар лойиҳанинг бошланғич босқичида қимматроқ, кейинги босқичларида эса арзонроқ қийматга эга бўлади. Шу муносабат билан, вақт омилини ҳисобга олиш мақсадида, олдин амалга оширилган харажатларни лойиҳа йилида ёки жорий йилдаги нархларда келтириш керак.

Режалаштирилган инвестициялар самарадорлиги тўғрисидаги қарор натижалари узоқ вақт давомида намоён бўлади. Масалан, 10 йиллик фойдаланиш муддатига эга бўлган (автобуслар ёки бошқа турдаги транспорт воситалари) активларини сотиб олиш ушбу тадбирнинг якуний натижалари маълум бўлгунга қадар узоқ кутишни талаб қилади. Бундан ташқари, активларнинг кенгайиши кутилаётган савдолар билан боғлиқ, шунинг учун 10 йил мобайнида фойдаланиш мумкин бўлган активга инвестиция киритиш қарори бу даврда туристик хизматларнинг прогноз савдосига асосланади.

Бундай узоқ муддатли даврда инфляция туристик корхоналарни ривожлантиришга йўналтирилган инвестицияларни

таҳлил қилиш натижаларига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Бунинг сабаби шундаки, амортизация ажратмалари қурилган туристик объектлар ёки сотиб олинган транспорт воситаларини алмаштириш вақтидаги баҳоси асосида эмас, балки уларни бошланғич баҳо асосида ҳисоблаб чиқарилишидир.

Туристтик корхоналар томонидан инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш муайян даражада риск билан боғлиқ. Хусусан, у потенциал сайёҳларнинг реал даромадларининг тушиши, инвестицион муҳитнинг ёмонлашуви, туристик корхоналар томонидан кўрсатиладиган хизматлар нархининг кўтарилиши ва бошқалар билан боғлиқ. Бу эса, қутилаётган пул оқимининг камайишига олиб келиши мумкин, гарчи маълумки, рискнинг ошиш эҳтимоли даромаднинг ортишига олиб келади. Шунинг учун режалаштирилган инвестициянинг самарадорлиги сезиларли даражада риск даражасига боғлиқ. Эксперт хулосалари асосида, қутилаётган пул оқимининг кўпайиш эҳтимолларини ёки қутилганидан ҳам камроқ натижага эришиш эҳтимолларини ҳисоблаб чиқиш мумкин. Йиллик пул оқимларини экспертларнинг эҳтимолий баҳолашига асосан, соф пул даромадининг қиймати ҳисоблаб чиқилади ва тузилади.

Шу билан бирга, инвестиция лойиҳаларини баҳолашнинг бундай усули асосида олинган натижалар ва инвестицион қарорлар қабул қилиш учун асос бўлиб хизмат қилган натижалар асосан субъектив бўлиб ҳисобланади. Эксперт баҳолаш сифати, пул оқими элементларини шакллантиришда инвестицияларнинг самарадорлик эҳтимоллигини аниқлайдиган мутахассисларнинг малакасига боғлиқдир.

Чекланган молиявий имкониятлар шароитида замонавий жаҳон андозалари даражасида техник-иқтисодий кўрсаткичлар билан таъминланган инвестиция лойиҳаларини тайёрлаш ва амалга оширишда катта заҳира белгиланади. Туристтик корхоналарини бир неча инвестицион лойиҳалардан энг муқобилини танлаб олишга мажбурлайдигин сабаблардан бири чекланган молиявий ресурслардир. Инвестицияларни амалга ошириш учун молиявий ресурслар чегараси корхонанинг молиявий имкониятларидан келиб чиқадиган капитал қўйилмаларнинг йиллик ҳажмини белгилаб беради. Инвестиция лойиҳаларининг самарадорлигини оширишнинг яна бир йўли доимий харажатларни камайтиришдир. Масалан, корхонада маъмурий-бошқарув тизимида ходимларнинг

малакасини ошириш ёки сифатли ходимларни танлаш, ўша юқорида айтиб ўтилган доимий харажатларни камайтириши мумкин.

Инвестицион лойиҳаларнинг самарадорлигига таъсир қилувчи навбатдаги омил ўзгарувчан харажатларни камайтиришдан иборат. Ушбу муаммони ҳал қилиш йўллари сифатида корхонанинг логистика тизимини оптималлаштириш масаласини кўриб чиқишимиз мумкин.

Консалтинг ва лойиҳа ташкилотларини жалб қилиш орқали амалга ошириладиган инвестицион лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва жорий қилиш амалиёти маҳаллий ва ғарбий ёндашувларнинг айрим усуллари, жумладан, лойиҳаларни таҳлил қилиш, тайёрлаш ва амалга ошириш усулларига асосланган. Мамлакатимиз амалиётида “инвестиция лойиҳаси” концепцияси икки усулда ишлатилади:

1) турли тармоқ ва соҳаларда муайян натижаларга эришишни таъминлайдиган ҳар қандай ҳаракатлар мажмуини амалга оширишни назарда тутадиган иш, фаолият, жараён;

2) ҳар қандай хатти-ҳаракатларни амалга ошириш ёки бундай ҳаракатларни тавсифлаш учун зарур бўлган ташкилий-ҳуқуқий ва ҳисоб- китоб ҳужжатлари тизими.

Чекланган инвестицион ресурслар шароитида инвестицияларнинг самарадорлиги ва инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда кутиладиган натижаларга эришиш, инвестицион жараёнларни тўғри ташкил этилишига боғлиқдир. Қоида тариқасида, лойиҳани ишлаб чиқишни ташкил этишнинг асосий раҳбарлик тамойили, лойиҳа ташкилотчиларининг масъулиятини ҳамда миждозларнинг, пудратчиларнинг, кредиторларнинг ва давлат органларининг бошқа мажбуриятларини тўғри тақсимлашдан иборат. Шунини алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, иштирокчилар ўртасида жавобгарлик ва рискларнинг тўғри тақсимланиши, одатда, лойиҳани амалга ошириш жараёнида корхонанинг иктисодий ва техник ҳаётийлигини таъминлайди. Лойиҳанинг ишлаб чиқилган бизнес-режаси мавжуд инвестициялар ва тўпланган қарзларни қоплаш учун етарли бўлган пул оқимларини (Cash flow) яратиш имконини берадиган молиялаштириш механизмларини белгилаб беради. Ушбу механизмлар, одатда, ҳар бир лойиҳанинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, кенг миқёсда молиявий усулларни, воситаларни ва ресурсларни диверсификациялашни ўз ичига олади. Молиялаштириш манбалари асосан тижорат банклари

кредитлари, ички заёимлар, яъни, ўзларининг қимматли қоғозларини сотиш, хусусий инвестициялар ва турли даражадаги бюджетлардан иборат бўлиб, улар асосан лойиҳани молиялаштириш тизимларида ишлатилади.

Бугунги кунда туризмни жадал ривожлантириш, уни миллий иқтисодиётининг етакчи тармоқларидан бирига айлантириш сиёсатининг амалга ошиши биринчи навбатда соҳада инвестицион жараёнларнинг ривожланиш суръатлари билан боғлиқ. Инвестицион жараёнларнинг жадаллашуви, тармоқ инвестицион салоҳиятининг юксалиб бориши, тармоқ ва унинг таркибидаги хўжалик субъектлари моддий-техника базасининг такомиллашувини, уларда ишлаб чиқарилаётган хизматлар ҳажмининг кўпайишини, янги хизмат турларининг пайдо бўлишини, хизматлар сифатининг ошишини таъминлайди. Туризмда инвестицион жараёнларнинг жадаллашуви тармоқда янги иш ўринларининг пайдо бўлиши, шунингдек, туризм хизматлари бозори кенгайишининг мультипликатив самараси сифатида унга дахлдор бўлган ҳамкор тармоқларда янги иш яратилиши истикболларини белгилайди.

Туризмда инвестицион жараёнларнинг жадаллашуви ушбу соҳанинг инвестициялар учун, яъни молиявий ва моддий қўйилмаларни амалга ошириш учун жозибадорлиги ошиб бораётганлигини англатади. Тармоққа йўналтирилган инвестицион ресурслардан олинадиган иқтисодий самара, бошқача иборалар билан айтганда, унга жалб этилган молиявий ва моддий қўйилмалардан олинадиган фойда нормаси бошқа тармоқ ва соҳаларга нисбатан юқори бўлган тақдирдагина туризм соҳасининг инвестицион жозибадорлиги юқори бўлади ва самарадорликни янада ошириш учун, инновацион-инвестицион лойиҳаларга эҳтиёж пайдо бўлади.

Инновацион-инвестицион лойиҳалар мавжуд ресурслар, ижрочилар ва белгиланган вақт доирасида стратегик мақсадга самарали эришиш имконини берувчи бир-бирига боғлиқ дастурлар мажмуи сифатида қаралиши мумкин. Инновацион-инвестицион лойиҳаларнинг амалга оширилиши ва уларни молиялаштириш миқдори ҳақида қарор қабул қилиш учун лойиҳалар экспертизадан ўтказилиши шарт.

Инновацион-инвестицион лойиҳалар самарадорлигини баҳолашнинг таклиф қилинаётган усули ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, у қуйидаги уч босқичда амалга оширилади:

1. Йиллар бўйича дастлабки кўрсаткичларни ҳисоблаш.
2. Самарадорлик кўрсаткичларини ҳисоблаш.
3. Инновацион-инвестицион лойиҳалар самарадорлик кўрсаткичларини таҳлил қилиш ва баҳолаш.

Инвестицион лойиҳалар самарадорлигини баҳолашнинг биринчи босқичида бўйича ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун зарур бўлган рақамлар ва молиявий маълумотларни туризм хўжалик субъектларининг статистик ҳисоботлари ҳамда бухгалтерия баланслари асосида тўлдириш мақсадга мувофиқ. Самарқанд вилоятида фаолият кўрсатаётган 3 та туристик корхоналар мисолида инновацион лойиҳалар самарадорлигини ҳисоблаш жараёнида фойдаланиш учун зарур бўлган молиявий маълумотлар жадвалини туздик (1-илова).

“Бахтар-V” туристик корхонасида лойиҳанинг дастлабки босқичида молиявий қўйилмаларни асослаб бериш учун самарадорлик кўрсаткичларини қуйидаги кетма-кетликда ҳисоблаб чиқдик:

1. Дисконтланган пул оқимлари ҳажми ва дисконтланган инвестицион қўйилмаларни ҳисоблаш (2.3.1, 2.3.2 ва 2.3.3-жадваллар).

2.3.1-жадвал

“Бахтар-V” туристик корхонасида дисконтланган пул оқимлари ҳажминини ва инвестицион қўйилмаларни ҳисоблаш (дисконтлаш ставкаси 17%)

Йиллар	Соф пул оқими, (млн. сўм)	Инвестицион қўйилмалар, (млн. сўм)	Дисконтлаш коэффициенти	Дисконтланган пул оқими, (млн. сўм)*	Дисконтланган инвестицион қўйилмалар, (млн. сўм)
2018	-	174,8	1,0	-	174,8
2019	24,5	48,0	0,855	20,94	41,04
2020	68,8	47,0	0,731	50,29	34,35
2021	140,0	45,0	0,624	87,36	28,08
2022	128,7	45,0	0,534	68,72	24,03
2023	155,7	-	0,456	70,99	-
2024	55,5	-	0,390	21,64	-
2025	100,4	-	0,333	33,43	-
Жами	673,6	359,8	-	353,37	302,3

*Дисконтлаш коэффициенти 2.3.1-жадвалнинг (4 устунида) 17 фоизли дисконтлаш ставкаси бўйича келтирилган.

Дисконтлаш жараёни – бу келажакдаги пул тушумларини жорий қийматга айлантиришни амалга ошириш. Дисконтлаш коэффициентини қуйидаги 2.2-формула ёрдамида ҳисоблаш тавсия этилади:

$$a = 1/(1+E)^t \quad (2.2)$$

бу ерда, a – дисконтлаш коэффициенти; E – дисконтлаш ставкаси; t – вақт

(йил).

Инновацион-инвестицион лойиҳалар самарадорлигини баҳолашнинг иккинчи босқичида маълумотлар асосида тадқиқ этилаётган туристик корхоналар бўйича инвестицион лойиҳалар иқтисодий самарадорлигини ҳисоблаб чиқдик.

2. Самарадорлик кўрсаткичларини қуйидагича ҳисоблаб чиқдик:

1) Соф келтирилган даромад (NPV) – бу ҳисобот даврида инвестиция харажатларининг натижалардаги фарқи, яъни, пул оқими (натижалари) ва инвестиция қўйилмалари (харажатлари)ни дисконтлашни ҳисобга олган ҳолда ҳисоблаш.

$$NPV = DCF - DI \quad (2.3)$$

бу ерда, DCF – дисконтланган пул оқими; DI – дисконтланган инвестиция қўйилмалари.

$$NPV = 353,37 \text{ млн. сўм} - 302,3 \text{ млн. сўм} = 51,07 \text{ (млн. сўм)}$$

2) Даромадлилиқ индекси (PI) – бу келтирилган даромадларнинг шу муддатга келтирилган инновацион харажатларга нисбатидаги муносабатидир. Даромадлилиқ индекси инвестор ушбу лойиҳани амалга ошириш натижасида инвестиция қилган ҳар бир сўмига қанча даромад олишини кўрсатади. Даромадлилиқ индексини ҳисоблаш қуйидаги формула ёрдамида амалга оширилиши керак:

$$PI = DCF/DI \quad (2.4)$$

$$PI = 353,37 \text{ млн. сўм} / 302,3 \text{ млн. сўм} = 1,16$$

3) Лойиҳани қоплаш муддати (PP) – лойиҳани амалга оширишдан бошлаб жами қилинган харажатлар қоплангунга қадар минимал вақт оралиғидаги давр тушунилади. Қоплаш муддати қуйидаги формула ёрдамида аниқлаш лозим:

$$PP = DI/DCF_{ay} \quad (2.5)$$

бу ерда, DCF_{ay} – дисконтланган пул оқими миқдори ўртача йил ҳисобида.

$$PP = 302,3 \text{ млн. сўм} / (353,37 \text{ млн. сўм} / 7) = 5,98 \text{ (йилда)}$$

Ҳисоб-китобларимиз натижасидан кўриниб турибдики ушбу лойиҳа 5 йил 9 ой 8 кунда ўзининг муддатини қоплайди.

4) Фойданинг ички меъёри (IRR) – бу инвестиция лойиҳаси даромадлилигининг ички даражаси. Ички даромад даражаси лойиҳанинг NPV қиймати нолга тенг бўлган чегирма коэффициентининг қийматини англатади.

Фойданинг ички меъёрини аниқлаш учун K1 ва K2 дисконтлаш ставкасининг қиймати танланади ва шу вақт оралиғида NPV ўз қийматини ижобийдан салбийга ўзгартиради ва у қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$IRR = K1 + (NPV1 / (NPV1 - NPV2)) \times (K2 - K1) \quad (2.6)$$

бу ерда, K – дисконтлаш ставкаси.

2.3.2-жадвал

“Baxtar-V” туристик корхонасида дисконтланган пул оқимлари ҳажмини ва инвестицион қўйилмаларни ҳисоблаш (дисконтлаш ставкаси 21%)⁹¹

Йиллар	Соф пул оқими, (млн. сўм)	Инвестицион қўйилмалар (млн. сўм)	Дисконтлаш коэффициенти	Дисконтланган пул оқими (млн. сўм)	Дисконтланган инвестицион қўйилмалар, (млн. сўм)
2018	-	174,8	1	-	174,8
2019	24,5	48,0	0,826	20,23	39,64
2020	68,8	47,0	0,683	46,99	32,10
2021	140,0	45,0	0,564	78,96	25,38
2022	128,7	45,0	0,467	60,10	21,01
2023	155,7	-	0,386	60,10	-
2024	55,5	-	0,319	17,60	-
2025	100,4	-	0,263	26,40	-
Жами	673,6	359,8	-	310,38	292,9

“Baxtar-V” туристик корхонаси маълумотлари асосида соф келтирилган даромад (NPV)ни 21 фоизли ставка асосида ҳисоблаб чиқдик ва қуйидаги натижага эришдик:

$$NPV(21\%) = 310,38 \text{ млн. сўм} - 292,9 \text{ млн. сўм} = 17,48 \text{ млн. сўм}$$

2.3.3-жадвал маълумотларига асосан “Baxtar-V” туристик корхонаси соф келтирилган даромад (NPV)ни 22 фоизли ставка асосида ҳисоблаб чиқдик ва қуйидаги натижага эришдик:

$$NPV(22\%) = 300,09 \text{ млн. сўм} - 290,8 \text{ млн. сўм} = 9,29 \text{ млн. сўм}$$

⁹¹ “Baxtar-V” туристик корхонаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланган.

Фойданинг ички меъёри усули қуйидаги формула билан ҳисобланади:

$$IRR = K1 + (NPV1 / (NPV1 - NPV2)) \times (K1 - K2);$$

$$K1 = 21\%; NPV1 = 17,48 \text{ млн. сўм};$$

$$K2 = 22\%; NPV2 = 9,29 \text{ млн. сўм};$$

$$IRR = 0,21 + (17,48 \text{ млн. сўм} / (17,48 - 9,29) \text{ млн. сўм} \times (0,22 - 0,21)) = 0,2313 = 23,13\%.$$

2.3.3-жадвал

“Бахтар-V” туристик корхонасида дисконтланган пул оқимлари ҳажмини ва инвестицион қўйилмаларни ҳисоблаш (дисконтлаш ставкаси 22%)⁹²

Йиллар	Соф пул оқими, (млн. сўм)	Инвестицион қўйилмалар, (млн. сўм)	Дисконтлаш коэффициентини	Дисконтланган пул оқими, (млн. сўм)	Дисконтланган инвестицион қўйилмалар, (млн. сўм)
2018	-	174,8	1	-	174,8
2019	24,5	48,0	0,820	20,09	39,36
2020	68,8	47,0	0,672	46,23	31,58
2021	140,0	45,0	0,551	77,14	24,79
2022	128,7	45,0	0,451	58,04	20,29
2023	155,7	-	0,370	57,60	-
2024	55,5	-	0,303	16,81	-
2025	100,4	-	0,249	24,99	-
Жами	673,6	359,8	-	300,09	290,8

Учинчи босқич, юқорида қайд этганимиздек, самарадорлик кўрсаткичларини таҳлил қилиш ва инвестицион лойиҳалар самарадорлигини баҳолашдан иборат. Самарадорликни баҳолашнинг ҳар бир усули бўйича алоҳида хулосалар келтирамиз.

1) Соф келтирилган даромад. Ушбу таҳлил натижалари лойиҳамизда NPV жами пул оқимлари жами харажатлардан юқорироқ эканлигидан далолат бермоқда. Таҳлилларимиз 17 фоизли дисконтлаш ставкасида NPV=51,07 млн. сўмни ташкил этганлигини кўрсатди. Ушбу лойиҳада NPV ижобий бўлганлиги учун лойиҳани қабул қилиш мумкин. Лекин шунга қарамай, унинг қиймати жуда ҳам паст ва шу сабабли корхонанинг ликвидлиги ва самарадорлиги тўғрисида гапириш қийин.

⁹² “Бахтар-V” туристик корхонаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланган.

2) Даромадлилиқ индексини ҳисоблашда тўлов окимининг икки қисми таққосланади: фойда ва инвестиция. PI инвестор ҳар бир қўйган сўмига қанча даромад олишини кўрсатиб беради. Таҳлил қилаётган лойиҳамизда $PI=1,16$, яъни у 1 дан катта. Бизга маълумки $PI>1$ бўлса, лойиҳа самарали ҳисобланади. Демак, лойиҳани иқтисодий самарали деб ҳисобласак бўлади.

3) Лойиҳани қоплаш муддати. Таҳлил қилаётган лойиҳамизнинг қоплаш муддати 5,98 йилни ташкил этди. Лойиҳа 8 йилга мўлжалланган бўлиб, иккинчи йилдан бошлаб ўз самарасини бера бошлайди. Бозор иқтисодиёти шароитида инвестицион қўйилмалар риск билан боғлиқ (бозор конъюктурасининг ўзгариши, нархларнинг ўзгариши). Лойиҳани қоплаш муддати қанча узок бўлса, риск даражаси ҳам шунчалик юқори бўлади. Ликвидлик даражаси ҳам худди шундай хусусиятга эга. Ушбу шартларни бажаришимиз учун белгиланган қоплаш муддати жуда узок. Инновацион лойиҳани оптималлаштириш учун қуйида келтирилган чора-тадбирлар орқали ушбу кўрсаткич муддатини 4,5-5 йилгача камайтиришимиз керак.

4) Фойданинг ички меъёри. Лойиҳанинг самарадорлигини баҳолаш учун фойданинг ички меъёрини дисконтлаш меъёри билан таққослаймиз. Таҳлилларимиз натижаси бўйича $IRR=23,13$ фоизни ташкил қилди, бу эса дисконтлаш ставкасининг 17 фоиздан юқори эканлигини англатади. Агар $IRR>0$ бўлса, лойиҳа самарали ҳисобланади. Демак, биз таҳлил қилган лойиҳа самарали деган хулоса чиқариш мумкин.

Юқорида келтирилган самарадорлик кўрсаткичларини таҳлил қилиш натижасига қараб, келтирилган (дастлабки) инновацион лойиҳани самарали деган хулосага келсак бўлади. Аммо, ҳисоб-китобларимиз натижасида $NPV=51,07$ млн. сўмни ташкил этган бўлиб, бу жуда паст кўрсаткич, мос равишда $PI=1,16$ ни ташкил этган бўлиб, бу қўйилган ҳар бир сўмга келадиган даромад 1,16 сўмга тенг эканлигини ифодалайди. Таҳлил натижасида аниқланган ушбу паст кўрсаткичлар, инвесторни қизиқтира олмайди. Ушбу лойиҳамизнинг қоплаш муддати 5 йил 9 ой 8 кунни ташкил этган.

Юқорида амалга оширган таҳлилларимизга таянган ҳолда, лойиҳанинг самарадорлигини ошириш учун инновацион лойиҳанинг дастлабки маълумотларини ўзгартиришга имкон берадиган бир қатор чора-тадбирларни амалга ошириш керак, натижада самарадорликнинг асосий кўрсаткичлари ўзгаради ва

иктисодий нуқтаи-назардан лойиҳа янада жозибадор бўлади деган хулосага келдик.

Туристик корхона инвестицион лойиҳасининг самарадорлигини баҳолашнинг ишончлилигини ошириш мақсадида тадқиқот объекти сифатида танланган яна 2 та хўжалик субъектлари, яъни “Lifetime Tours” ҳамда “Tillokori Registon” туристик корхоналари бўйича юқоридаги усуллари қўллаш асосида инвестицион лойиҳалар самарадорлигини аниқлаб чиқдик ва улар бўйича керакли натижаларни олдик.

“Lifetime Tours” туристик корхонасида лойиҳанинг дастлабки босқичида молиявий қўйилмаларни асослаб бериш учун самарадорлик кўрсаткичларини қуйидаги кетма-кетликда ҳисоблаб чиқдик:

1. Дисконтланган пул оқимлари ҳажми ва дисконтланган инвестицион қўйилмаларни ҳисоблаш (2.3.4, 2.3.5 ва 2.3.6-жадваллар).

2.3.4-жадвал

“Lifetime Tours” туристик корхонасида дисконтланган пул оқимлари ҳажмини ва инвестицион қўйилмаларни ҳисоблаш (дисконтлаш ставкаси 17 %)

Йиллар	Соф пул оқими, млн.сўм	Инвестицион қўйилмалар, млн.сўм	Дисконтлаш коэффициенти	Дисконтланган пул оқими* млн.сўм	Дисконтланган инвестицион қўйилмалар, млн.сўм
2018	-	191,456	1	-	191,456
2019	55,5	40,5	0,855	47,5	34,6
2020	55,8	42,2	0,731	40,8	30,2
2021	128,6	41,5	0,624	80,2	25,9
2022	131,7	40,5	0,534	70,3	34,6
2023	129,4	-	0,456	59,0	-
2024	135,5	-	0,390	52,8	-
Жами	586,5	356,2	-	350,6	316,8

*Дисконтлаш коэффициенти юқоридаги жадвалнинг (4 устунисида) 17 фоизли дисконтлаш ставкаси бўйича келтирилган.

Дисконтлаш коэффициенти қуйидаги формула ёрдамида ҳисобланди:

$$a = 1/(1+E)^t$$

Инновацион-инвестицион лойиҳалар самарадорлигини баҳолашнинг иккинчи босқичида маълумотлар асосида тадқиқ

этилатган туристик корхоналар бўйича инвестицион лойиҳалар иқтисодий самарадорлигини ҳисоблаб чиқдик.

2. Самарадорлик кўрсаткичларини ҳисоблаймиз.

1) Соф келтирилган даромад.

$$NPV = 350,6 \text{ млн. сўм} - 316,8 \text{ млн. сўм} = 33,8 \text{ (млн.сўм)}$$

2) Даромадлилиқ индекси.

$$PI = 350,6 \text{ млн. сўм} / 316,8 \text{ млн. сўм} = 1,11$$

3) Лойиҳани қоплаш муддати.

$$PP = 316,8 \text{ млн. сўм} / (350,6 \text{ млн. сўм} / 6) = 4,42 \text{ (йилда)}$$

2.3.5-жадвал

“Lifetime Tours” туристик корхонасида дисконтланган пул оқимлари ҳажмини ва инвестицион қўйилмаларни ҳисоблаш (дисконтлаш ставкаси 21%)

Йиллар	Соф пул оқими, млн.сўм	Инвестицион қўйилмалар, млн.сўм	Дисконтлаш коэффициенти	Дисконтланган пул оқими* млн.сўм	Дисконтланган инвестицион қўйилмалар, млн.сўм
2018	-	191,456	1	-	191,456
2019	55,5	40,5	0,826	46,7	33,5
2020	55,8	42,2	0,683	42,5	28,8
2021	128,6	41,5	0,564	72,5	23,4
2022	131,7	40,5	0,467	61,5	18,9
2023	129,4	-	0,386	49,94	-
2024	135,5	-	0,319	43,22	-
Жами	586,5	356,2	-	311,1	296,1

$$NPV(21\%) = 311,1 - 296,1 = 15,0 \text{ млн.сўм}$$

2.3.6-жадвал

“Lifetime Tours” туристик корхонасида дисконтланган пул оқимлари ҳажмини ва инвестицион қўйилмаларни ҳисоблаш (дисконтлаш ставкаси 22%)

Йиллар	Соф пул оқими, млн.сўм	Инвестицион қўйилмалар, млн.сўм	Дисконтлаш коэффициенти	Дисконтланган пул оқими* млн.сўм	Дисконтланган инвестицион қўйилмалар, млн.сўм
2018	-	191,456	1	-	191,456
2019	55,5	40,5	0,820	45,1	33,2
2020	55,8	42,2	0,672	37,5	28,3
2021	128,6	41,5	0,551	70,8	22,7
2022	131,7	40,5	0,451	59,4	33,2
2023	129,4	-	0,370	47,9	-
2024	135,5	-	0,303	41,1	-
Жами	636,5	356,2	-	301,8	308,9

$$NPV(22\%) = 301,8 - 308,9 = -7,1 \text{ млн.сўм}$$

4) Фойданингички меъёрини қуйидаги формула ёрдамида ҳисобланади:

$$IRR = K1 + (NPV1 / (NPV1 - NPV2)) \times (K1 - K2);$$

$$K1 = 21\%; NPV1 = 15,0 \text{ млн. сўм};$$

$$K2 = 22\%; NPV2 = -7,1 \text{ млн. сўм};$$

$$IRR = 0,21 + (15,0 \text{ млн. сўм} / (15,0 + 7,1) \text{ млн. сўм}) \times (0,22 - 0,21) = 0,2106 = 21,06\%.$$

3. Самарадорлик кўрсаткичларини таҳлил қилиш ва инновацион-инвестицион лойиҳалар самарадорлигини баҳолаш.

1) Соф келтирилган даромад. Ушбу таҳлил қилаётган лойиҳамизда NPV жами пул оқимлари жами харажатлардан юқорироқ эканлигидан далалат бермоқдаки. Таҳлилларимиз натижасида 17 фоизли дисконтлаш ставкасида $NPV = 33,8$ млн.сўмни ташкил этганлиги аниқланди. Ушбу лойиҳада NPV ижобий ҳисобланиб, лойиҳани қабул қилиш мумкин. Лекин NPV ижобий бўлишига қарамай, унинг қиймати жуда ҳам паст бўлганлиги сабабли, корхонанинг ликвидлиги ва самарадорлиги тўғрисида гапириш қийинд.

2) Даромадлилиқ индекси. PI ни ҳисоблашда тўлов оқимининг икки қисми таққосланади: фойда ва инвестиция. PI инвестор ҳар бир кўйган сўмига қанча даромад олишини кўрсатиб беради. Таҳлил қилаётган лойиҳамизда $PI = 1,11$, бизга маълумки $PI > 1$ бўлса, лойиҳа самарали ҳисобланади. Демак, лойиҳани иқтисодий самарали деб ҳисобласак бўлади.

3) Лойиҳани қоплаш муддати. Ушбу таҳлил қилаётган лойиҳамизнинг қоплаш муддати – 4,42 йилни ташкил этди. Лойиҳа 7 йилга мўлжалланган бўлиб, иккинчи йилдан бошлаб ўз самарасини бера бошлади. Меъёр бўйича қоплаш муддати 5 йил қилиб белгиланган. Биз таҳлил қилаётган лойиҳанинг қоплаш муддати меъёрга яқин. Лойиҳамиз самарали ҳисобланади.

4) Фойданинг ички меъёри. Лойиҳанинг самарадорлигини баҳолаш учун фойданинг ички меъёрини дисконтлаш меъёри билан таққослаймиз. Таҳлилларимиз натижасида $IRR = 21,06$ фоизни ташкил қилди, бу эса дисконтлаш ставкаси 17 фоиздан паст. Бизга маълумки, $IRR < 0$ бўлса, лойиҳа самарасиз ҳисобланади. Демак, биз таҳлил қилаётган лойиҳа самарасиз деган хулоса қилсак бўлади.

"Lifetime Tours" корхонасининг самарадорлик кўрсаткичларини таҳлил қилиш натижасида, дастлабки инновацион лойиҳамиз самарали деган хулосага келдик. Ҳисоб-китобларимиз натижасида $NPV > 0$, фойданинг ички меъёри, 21,06 фоизни ташкил этди. Шуни ҳам айтиб ўтишимиз керакки, $PI = 1,11$ ни ташкил этган бўлиб, бу

қуйилган ҳар бир сўмга келадиган даромад 11,1 сўмга тенг эканлигини ва лойиҳани қоплаш муддати 4,42 йилни ташкил этмоқда. Ушбу таҳлил қилинган лойиҳамиз самарали ҳисобланади.

“Tillokori Registon” туристик корхонасида лойиҳанинг дастлабки босқичида молиявий қўйилмаларни асослаб бериш учун самарадорлик кўрсаткичларини қуйидаги кетма-кетликда ҳисоблаб чиқдик:

1. Дисконтланган пул оқимлари ҳажми ва дисконтланган инвестицион қўйилмаларни ҳисоблаш (2.3.7, 2.3.8 ва 2.3.9-жадваллар).

2.3.7-жадвал

“Tillokori Registon” туристик корхонасида дисконтланган пул оқимлари ҳажмини ва инвестицион қўйилмаларни ҳисоблаш (дисконтлаш ставкаси 17%)

Йиллар	Соф пул оқими, млн.сўм	Инвестицион қўйилмалар, млн.сўм	Дисконтлаш коэффициенти	Дисконтланган пул оқими* млн.сўм	Дисконтланган инвестицион қўйилмалар, млн.сўм
2018	-	2026,551	1	-	2026,551
2019	640,5	250,0	0,855	547,6	213,7
2020	800,0	332,0	0,731	584,8	242,6
2021	950,0	235,0	0,624	592,8	146,6
2022	970,7	355,0	0,534	518,3	189,5
2023	955,7	-	0,456	435,7	-
2024	900,5	-	0,390	351,1	-
2025	900,4	-	0,333	299,8	-
Жами	6117,8	3198,551	-	3330,1	2818,951

*Дисконтлаш коэффициенти юқоридаги жадвалнинг (4 устунда) 17 фоизли дисконтлаш ставкаси бўйича ҳисоблаб келтирилган.

Дисконтлаш коэффициенти қуйидаги формула ёрдамида ҳисобланди:

$$a = 1/(1+E)^t$$

Инновацион-инвестицион лойиҳалар самарадорлигини баҳолашнинг иккинчи босқичида маълумотлар асосида тадқиқ этилаётган туристик корхоналар бўйича инвестицион лойиҳалар иқтисодий самарадорлигини ҳисоблаб чиқдик.

2. Самарадорлик кўрсаткичларини ҳисоблаш.

1) Соф келтирилган даромад.

NPV = 3330,137 млн. сўм - 2818,95137 млн. сўм = 511,14 (млн.сўм)

2) Даромадлилики индекси.

$PI = 3330,137 \text{ млн. сўм} / 2818,95137 \text{ млн. сўм} = 1,18$

3) Лойиҳани қоплаш муддати.

$PP = 2818,95137 \text{ млн. сўм} / (3330,137 \text{ млн. сўм} / 7) = 5,92$ (йилда)

2.3.8-жадвал

"Tillokori Registon" туристик корхонасида дисконтланган пул оқимлари ҳажмини ва инвестицион қўйилмаларни ҳисоблаш (дисконтлаш ставкаси 21%)

Йиллар	Соф пул оқими, млн.сўм	Инвестицион қўйилмалар, млн.сўм	Дисконтлаш коэффициенти	Дисконтланган пул оқими* млн.сўм	Дисконтланган инвестицион қўйилмалар, млн.сўм
2018	-	2026,551	1	-	2026,551
2019	640,5	250,0	0,826	529,0	206,5
2020	800,0	332,0	0,683	546,4	226,7
2021	950,0	235,0	0,564	535,8	132,5
2022	970,7	355,0	0,467	453,3	165,7
2023	955,7	-	0,386	368,9	-
2024	900,5	-	0,319	287,2	-
2025	900,4	-	0,263	236,8	-
Жами	6117,8	3198,551	-	2957,4	2757,951

$NPV(21\%) = 2957,4 - 2757,951 = 199,449 \text{ млн.сўм}$

2.3.9-жадвал

"Tillokori Registon" туристик корхонасида дисконтланган пул оқимлари ҳажмини ва инвестицион қўйилмаларни ҳисоблаш (дисконтлаш ставкаси 22%)

Йиллар	Соф пул оқими, млн.сўм	Инвестицион қўйилмалар, млн.сўм	Дисконтлаш коэффициент	Дисконтланган пул оқими* млн.сўм	Дисконтланган инвестицион қўйилмалар, млн.сўм
2018	-	2026,551	1	-	2026,551
2019	640,5	250,0	0,820	525,2	205,0
2020	800,0	332,0	0,672	537,6	223,1
2021	950,0	235,0	0,551	523,4	129,4
2022	970,7	355,0	0,451	437,7	160,1
2023	955,7	-	0,370	353,6	-
2024	900,5	-	0,303	272,8	-
2025	900,4	-	0,249	224,1	-
Жами	6117,8	3198,551	-	2874,4	2744,151

$NPV(22\%) = 2874,4 \text{ млн.сўм} - 2744,151 \text{ млн.сўм} = 130,249 \text{ млн.сўм}$

4) Фойданингички меъёри сули қуйидаги формула билан ҳисобланади:

$IRR = K1 + (NPV1 / (NPV1 - NPV2)) \times (K1 - K2);$

$K1 = 21\%; NPV1 = 199,449 \text{ млн.сўм};$

$K2 = 22\%; NPV2 = 130,249 \text{ млн.сўм};$

$IRR=0,21+(199,449 \text{ млн.сўм}/(199,449-130,249) \text{ млн.сўм} \times (0,22-0,21))=0,2388=23,88\%$.

3. Самарадорлик кўрсаткичларини таҳлил қилиш ва инновацион-инвестицион лойиҳалар самарадорлигини баҳолаш.

1) Соф келтирилган даромад. Ушбу таҳлил қилаётган лойиҳамизда NPV жами пул оқимлари жами харажатлардан юқорироқ эканлигидан далалат бермоқда. Таҳлилларимиз натижасида 17 фоизли дисконтлаш ставкасида $NPV=511,14$ млн.сўмни ташкил этганлиги аниқланди. Ушбу лойиҳада NPV ижобий ҳисобланиб, лойиҳани қабул қилиш мумкин деган хулосага келдик.

2) Даромадлилиқ индекси. PI ни ҳисоблашда тўлов оқимининг икки қисми таққосланади: фойда ва инвестиция. PI инвестор ҳар бир қўйган сўмига қанча даромад олишини кўрсатиб беради. Таҳлил қилаётган лойиҳамизда $PI=1.18$, бизга маълумки $PI>1$ бўлса, лойиҳа самарали ҳисобланади. Демак, лойиҳани иқтисодий самарали деб ҳисобласак бўлади.

3) Лойиҳани қоплаш муддати. Ушбу таҳлил қилаётган лойиҳамизнинг қоплаш муддати - 5,92 йилни ташкил этди. Лойиҳа 8 йилга мўлжалланган бўлиб, иккинчи йилдан бошлаб ўз самарасини бера бошлади. Меъёр бўйича қоплаш муддати 5 йил қилиб белгиланган. Бозор иқтисодиёти шароитида инвестицион қўйилмалар риск билан боғлиқ (бозор конъюктурасининг ўзгариши, нархларнинг ўзгариши). Лойиҳани қоплаш муддати қанча узок бўлса, риск даражаси шунчалик юқори бўлади. Ликвидлик даражаси ҳам худди шундай муносабатга эга. Ушбу лойиҳамизнинг қоплаш муддати меъёрга яқин бўлиб, ушбу ҳисоб-китобимиз натижасидан ҳам лойиҳамиз самарали десак бўлади.

4) Фойданинг ички меъёри. Лойиҳанинг самарадорлигини баҳолаш учун фойданинг ички меъёрини дисконтлаш меъёри билан таққослаймиз. Таҳлилларимиз натижасида $IRR=23,88$ фоизни ташкил қилди, бу эса дисконтлаш ставкаси 17 фоиздан юқори. Бизга маълумки, $IRR>0$ бўлса, лойиҳа самарали ҳисобланади. Демак, биз таҳлил қилган лойиҳа самарали деган хулоса қилсак бўлади.

Шу билан биргаликда, Самарқанд вилоятида фаолият олиб бораётган яна иккита туристик корхоналарнинг самарадорлик кўрсаткичларини таҳлил қилиш ва баҳолаш монографиянинг 2

ва 3-иловаларида келтирилган. 2.3.10-жадвалда эса, таҳлил қилинган учала туристик корхоналарнинг натижалари келтирилган.

2.3.10-жадвал

Самарқанд вилоятидаги туристик корхоналар самарадорлик кўрсаткичлари натижалари⁹³

№	Туристтик корхона лар	Соф келтирилган даромад, (млн. сўм)			Даромад -лилик индекси	Лойиҳани қоплаш муддати, (йилда)	Фойда- нинг ичк и меъёри, (% да)
		Дисконтлаш ставкаси					
		17%	21%	22%			
1.	“Бахтар-V”	51,07	17,48	9,29	1,16	5,98	23,13
2.	“Lifetime Tours ”	33,8	15,0	-7,1	1,11	4,42	21,06
3.	“Tillokori Registon”	511,14	199,449	130,249	1,18	5,92	23,88

Таҳлил натижасидан кўриниб турибдики, 3 та туристик корхоналар ўртасида “Tillokori Registon” корхонасининг соф келтирилган даромад кўрсаткичи ҳамда 17, 21, 22 фоизли ставкаларда ҳам юқори натижани кўрсатди. Олинган натижалар лойиҳани нафақат самарали, балки жозибador ва инвестор қарор қабул қилиши учун аниқ натижаларни кўрсатди.

Ушбу корхонада даромадлилик индекси ҳам, қолган 2 та корхонага нисбатан юқори. Бизга маълумки, $PI > 1$ бўлганда, лойиҳа самарали ҳисобланади, шу нуқтаи-назардан ушбу кўрсаткич бўйича ҳам “Tillokori Registon” корхонаси самаралироқ ҳисобланади. Лойиҳани қоплаш муддати кўрсаткичи бўйича эса “Lifetime Tours” корхонасининг натижаси яхши. “Lifetime Tours” корхонасининг ушбу кўрсаткич бўйича натижаси 4 йил 4 ой ва 2 кунни ташкил этмоқда. Ушбу кўрсаткич бўйича айнан шу лойиҳамиз самаралироқ ҳисобланади. Фойданинг ички меъёри кўрсаткичи бўйича ҳам “Lifetime Tours” корхонасининг натижаси юқори. Фойданинг ички меъёри кўрсаткичи қанча паст бўлса, лойиҳа шунча самаралироқ ҳисобланади. Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, тўртта кўрсаткич бўйича юқорироқ натижага эга бўлган корхона “Tillokori Registon” корхонаси ҳисобланади.

Туризм хизматлари соҳасида инвестицион жараёнлар умумий иқтисодий қонун ва қоидаларга бўйсунди, лекин ушбу тармоқни ўзига хос хусусиятларини намоён этган ҳолда амалга ошади.

⁹³ Самарқанд вилоятида фаолият олиб бораётган учта туристик корхоналар маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланган.

Туризм соҳасининг инвестицион ресурсларга бўлган эҳтиёжи бугунги кунда унинг зиммасига жамият, давлат томонидан юклатилган устувор вазифаларга мос равишда жуда юқори. Монографиянинг I ва II-бобларида тармоқни кутилаётган даражада тез суръатлар билан ривожлантириш, уни Ўзбекистон миллий иқтисодиётининг устун ривожланган етакчи тармоқларидан бирига айлантириш муаммосини ҳал этиш нуқтаи-назаридан мавжуд инвестицион ресурсларнинг етарли эмаслиги ва бу ҳолат туризмни юқори суръатлар билан тараққий эттириш талабларига жавоб бермаётганлиги аниқланди. Ушбу долзарб муаммони ҳал этишнинг асосий йўлларида бири — ресурслардан инновацион асосда фойдаланиш орқали уларнинг самарадорлигини ошириш эканлиги тўғрисида илмий асосланган хулосалар чиқарилди. Ана шу мақсадда монографиянинг навбатдаги бобини туризмда инвестицион-инновацион жараёнларни такомиллаштиришнинг долзарб муаммоларига бағишладик.

III БОБ. ТУРИЗМ СОҲАСИДА ИНВЕСТИЦИОН РЕСУРСЛАР ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА ИННОВАЦИОН ОМИЛЛАРДАН УНУМЛИ ФОЙДАЛАНИШ СТРАТЕГИЯСИ

3.1. Давлат томонидан туризмни тартибга солиш ва қўллаб- қувватлаш – инвестицион ресурслар самарадорлигини оширишнинг асосий йўналиши сифатида

Жаҳон амалиёти шундан далолат берадики, ҳозирги замонда меҳнат ресурсларининг сифати, “инсон капитали”нинг салоҳияти миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини таъминлашнинг асосий омили ҳисобланади. Мамалакат миллий иқтисодиётининг асосий қисми ишчи кучи ресурслари улушига тўғри келади. Демак, ишчи кучига инвестицияларни устун даражада йўналтириш миллий иқтисодиётни ўстириш, барқарор ривожланишнинг асосий шарти бўлиб хизмат қилади.

Паст сифатли билим, ходимлар касбий тайёргарлигининг замонавий юқори технология талаблари даражасида бўлмаслиги, барқарор тараққиёт йўлида асосий тўсиқ бўлиши муқаррар.

Ўзбекистоннинг меҳнат салоҳияти улкан. Аҳоли сони бўйича у дунё мамлакатлари ўртасида 43-чи ўринни⁹⁴, МДХ давлатлари ўртасида эса 3-чи ўринни⁹⁵ эгаллайди. Улкан меҳнат салоҳияти мавжуд бўлган Ўзбекистон учун айнан инсон капитали барқарор иқтисодий ўсиш алоҳида аҳоли ҳаёт фаровонлигини юксалтиришнинг бош омили ҳисобланади.

Ўзбекистонда давлат ташаббуси билан амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар доирасида туризм мамлакатнинг устун суръатлар билан ривожланиши лозим бўлган энг истиқболли стратегик тармоқ сифатида белгиланган. Давлатнинг туризмни тартибга солиши кенг қамровли тушунча бўлиб, унинг моҳияти турли манбаларда турлича талқин этилган⁹⁶. Тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, умумий ҳолда у мамлакатни ёки алоҳида минтақаларни ривожлантириш манфаатлари йўлида туризм бозорида туристик хизматларга талабнинг ҳажмига таъсир этувчи омиллар билан унинг таклифини таъминлаб берувчи омилларни

⁹⁴ <https://nonews.co/directory/lists/countries/population>

⁹⁵ <https://www.advantour.com/rus/uzbekistan/people.htm>

⁹⁶ https://donampa.ru/images/document/repablic_o/2/22.pdf

мувофиқлаштириш, талаб ва таклиф ҳажмини кенгайтириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалиётга тадбиқ этишдан иборат. Тадқиқотчилар туризм соҳасида давлатнинг алоҳида туристик фаолият турларини тартибга солишни лицензиялаш, стандартлаштириш орқали амалга оширилишига эътибор қаратганлар⁹⁷.

Миллий иқтисодиёт таркибида туристик фаолият – бу нафақат саёҳатчиларга хизмат кўрсатишни ташкил этиш, балки давлат даромадларини кўпайтириш манбаи ҳамда ялпи ички маҳсулот ҳажмини оширишнинг муҳим омилidir. Туристик салоҳиятдан унумли фойдаланаётган мамлакатларнинг илғор тажрибаси ушбу тармоқни аҳоли даромадларини кўпайтириш ва унинг ҳаёт фаровонлигини юксалтириш каби муҳим муаммоларини ҳал этишда самарали фойдаланиш мумкинлигидан далолат беради. Шу сабабли дунёнинг кўп мамлакатларида туризм соҳасида, туристик хизматларнинг ҳажмини ошириш ва сифатини яхшилаш масалалари давлат макроиқтисодий сиёсатининг устувор йўналишига айланган. Шуниси диққатга сазоворки, туризмни ривожлантириш, унинг салоҳиятини юксалтиришга давлат томонидан кучли эътибор қаратилаётган, ушбу соҳани давлат қаттиқ қўллаб-қувватлаётган мамлакатлардагина туризм соҳаси тез суръатлар билан ривожланиши, жаҳон бозорида рақобатбардош бўлиши мумкин. Бунинг асосий сабаби шундаки, туристик маконнинг жозибадорлиги кўп жиҳатдан мамлакатда давлат томонидан амалга оширилиши мумкин бўлган ишлар билан боғлиқ: туристларнинг хавфсизлиги, туристлар хизматларини расмийлаштириш, йўл-транспорт ва ахборот коммуникациялари ва бошқалар.

Давлат нафақат туризм бозорини тартибга солиш воситасида, балки турли йўللار билан инвестицион фаолиятнинг ўзини тартибга солиш воситасида ҳам соҳага жалб этилган инвестицион ресурслар иқтисодий самарадорлигига кучли таъсир кўрсатишини алоҳида таъкидламоқчимиз.

Шунингдек, туризмнинг ривожланишига ташқи таъсир кўрсатишда бюджет ҳисобидан давлат инвестициялари ҳам муҳим роль ўйнайди. Айниқса, бозорда вазият ёмонлашган, туристик хизматларга талаб сусайиб кетган пайтларда хусусий

⁹⁷ Туризм бозорини давлат томонидан тартибга солишда инновацияларнинг тутган ўрни. // <http://library.ziyouet.uz/tw/book/36701>

инвестициялар кескин қисқаради, инқироз юзага келади. Ана шундай вазиятда давлат инвестициялар орқали инқирозга ва унинг энг салбий оқибати – ишсизликка қарши курашади, туристик корхоналар инвестицион салоҳиятни юксалтиришга ёрдам беради.

Яқин ва узоқ келажакда туризм олдига қўйилган муҳим стратегик вазифаларнинг бажарилиши давлатнинг ва унинг туризмни ривожлантиришга масъул бўлган тузилмаларининг фаол иштирокисиз амалга ошмайди. Меҳнат тақсимооти чуқурлашиб бораётган мураккаб иқтисодий вазиятда ҳудудий ва миллий иқтисодиёт тармоқларининг пропорционал ривожланишини таъминлаш, уларнинг ўзаро ҳамкорлигини мувофиқлаштиришга эришиш, ижтимоий инфратузилмани жадал ривожлантириш зарурати, тўлов балансини бошқариш каби муҳим вазифаларнинг бажарилиши давлатнинг фаол иштирокини тақозо этади. Давлатнинг тартибга солиш ва назорат қилиш функциялари туризм олдига турган мураккаб вазифаларнинг муваффақиятли бажарилишининг асосий шартларидан бири ҳисобланади. Бундан ташқари, глобаллашган жаҳон бозорида рақобат кураши кескин тус олган ҳозирги оғир вазиятда давлатнинг тармоқни иқтисодий қўллаб-қувватлаш сиёсати ҳам ўта муҳим аҳамият касб этади.

Ана шулардан келиб чиққан ҳолда, туризм соҳасини тартибга солиш бўйича давлатнинг асосий вазифаларини белгилаб беришни лозим деб топдик. Булар:

- ички ва ташқи туризм учун мамлакатда қулай муҳит яратиш, мамлакат ҳамда туристик объектлар туристик салоҳиятини ва жозибадорлигини ошириш чора-тадбирларини амалга ошириш;
- туризм соҳасига оид қонуний-меъёрий ҳужжатларни такомиллаштириш;
- туризмга дахлдор корхоналар фаолиятини ўзаро мувофиқлаштириш, туризм инфратузилмасини ривожлантириш;
- туризм соҳасига оид давлат сиёсати тамойилларини ишлаб чиқиш ва уларни ҳаётга тадбиқ этиш;
- инновация ва инновацион фаолиятни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш орқали туристик хизматлар бозорини кенгайтиришга ва уларнинг жаҳон бозорида рақобатбардошлигини оширишга кўмаклашиш.

Давлатнинг туризмни қўллаб-қувватлаш ва уни ривожлантириш сиёсатини амалга оширишда ахборот технологиялари ва интернет муҳим роль ўйнаши мумкин. Мисол

тариқасида, Финляндия тажрибасини келтириш мумкин. Ушбу мамлакатда туризм бўйича махсус кенгаш FTB (Finish Tourist Board) ташкил этилган FTB давлат ташкилоти бўлиб, Финляндияда туризм йўналиши бўйича маркетинг билан шуғулланади. Ташкилотнинг 11 та мамлакатда ваколатхоналари мавжуд бўлиб, улар халқаро бозорда мамлакат турмаҳсулотларини реклама қилиш ва сотиш бўйича тегишли ташкилот ва компаниялар билан ўзаро ҳамкорлик қилиш билан шуғулланадилар. Финляндияда туризмни ривожлантиришга йўналтирилган ушбу туристик кенгаш олдида қўйилган муҳим вазифаларни бажаришда айна ахборот ва коммуникацион технологиялардан кенг ва самарали фойдаланилади. Кенгаш тузилмалари жойларда Финляндия миллий туризми имиджини ошириш, устун жиҳатларини фаол тарғибот қилиш орқали мамлакатга туристларни жалб этиш, самарали маркетинг тадбирларини амалга ошириш, туристик бозор сегментини кенгайтириш вазифаларини бажарадилар ва шу тариқа туризмни жадал ривожлантиришга катта ҳисса қўшадилар.

Финляндияда туризмни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш қуйидаги схема орқали амалга оширилди. Дастлаб 1942 йилда туристик бозорнинг MIS (Market Information Sistem) ахборот тизими яратилди. Биринчи босқичда у Финляндия туристик кенгаши эҳтиёжлари учун хизмат қилди. Кейинчалик ахборот тузилма хизматларидан бошқа истеъмолчилар ҳам фойдаланиш имкониятига эга бўлдилар. MIS таркибидаги 11 йўналишдаги ахборотлар бутун тармоқ фаолиятини қамраб олди. Ҳар бир йўналиш муайян мавзуга оид бой маълумотлар беришга мўлжалланган бўлиб, туризмни ривожлантиришга, турмаҳсулотлар истеъмолчиларини кўпайтиришга хизмат қилади. Масалан, “Маркетинг режалари” номли йўналиши барча маркетинг режалари, реклама компаниялари, фан, туристик кенгайиш тўғрисида қимматли ахборотларни тақдим қилади. “Харидорлар ва ОАВ” йўналишида туроператорлар, турагентлар, уларнинг манзили, ОАВ рўйхати ва бошқа турмаҳсулот тарғиботчилари тўғрисида қимматли ахборотларни ўзида мужассамлаштирган. MISнинг бошқа йўналишларида статистик маълумотлар, семинар ва учрашувлар тўғрисида, мижозлар ҳақида ва бошқа зарур ахборотларни топиш мумкин. 1945 йилда минтақавий туристик ташкилотлар биргаликда Финляндия ҳукумати ташаббуси билан туристик хизматлар ва турмаҳсулотлар бўйича ахборотларнинг

яхлит базаси ташкил этилди – PROMIS. 2001 йилда Финляндия дунёда биринчи бўлиб туризм соҳасида миллий маълумотлар базасини хизмат тариқасида симсиз узатиш – WAP (Wireless Application Protocol) муаммосини ҳал қилди.

Финляндия ва бошқа ривожланган Ғарб мамлакатлари тажрибасидан келиб чиққан ҳолда шунини таъкидламоқчимизки, туризм хизматлари соҳасини ривожлантиришда давлат томонидан кўрсатилган ёрдамнинг роли бениҳоя муҳим аҳамиятга эга.

Дунёнинг бошқа мамлакатларида ҳам компьютерларнинг ва интернет тармоғининг вужудга келиши натижасида давлат иштирокида туристик йўналишларда маркетинг билан шуғулланувчи ташкилотлар – ТЙМТ (Англияда – Visit Britain, Испанияда – Tourespaña, Польшада – Polska Organizacja Turystyczna ва бошқалар) вужудга келди ва ўз мамлакатада туризмни ривожлантиришга катта туртки берди.

Давлат томонидан таъсис этилган ушбу ташкилотлар (ТЙМТ) туристик хизмат сотувчиси билан унинг истеъмолчиси ўртасида воситачилик хизматларини давлат маблағлари ҳисобидан амалга оширадilar. Ушбу бепул хизматлар истеъмолчиларга турмаҳсулот, унинг сифатини реклама қилишга хизмат қиладилар.

Туристтик фаолиятни давлат томонидан тартибга солиш сиёсатининг асосий йўналишлари Ўзбекистон Республикасининг янги “Туризм тўғрисида”ги Қонунининг 2-бобида “Туризм соҳасини тартибга солиш”⁹⁸: 6-модда (4-Илова), 7-модда (5-Илова), 8-модда (6-Илова)ларда акс эттирилган.

Давлатнинг туризмни тартибга солиш сиёсати мақсади, тамойиллари ва асосий йўналишларини таҳлил қилиш асосида, уларда умумлашган ҳолда қуйидаги иккита бош йўналишларни ажратиб кўрсатишни лозим топдик:

- биринчиси, бозорнинг ўзини тартибга солиш стихияли механизмларига прогноз кўрсаткичлар ва давлат дастурларини ишлаб чиқиш асосида “талаб-таклиф” тизимида нисбатларни мувозанат ўрнатиш орқали таъсир кўрсатиш, туристик маҳсулот ва хизматларга талабни ҳамда уларнинг таклифини рағбатлантириш чора-тадбирларини қўллаш йўли билан туристик бозорни кенгайтириш, тармоқда ишлаб чиқариладиган ЯИМ ҳажминини кўпайтириш.

⁹⁸ Ўзбекистон Республикасининг ўРҚ-549-сон “Туризм тўғрисида”ги Қонуни. 2019 йил 18 июль. // <https://lex.uz>

- иккинчиси, давлатнинг ижтимоий сиёсатини амалга ошириш билан боғлиқ бўлиб, бозор иқтисодиётини аҳолининг кам таъминланган қатламларини ижтимоий ҳимоясига йўналтирилган. Болалар, ёшлар, кексалар, ногиронлар ва аҳолининг бошқа ночор қатламлари бозор иқтисодиёти шароитида давлат ҳимоясига эҳтиёж сезадилар. Давлатнинг фаол аралашувисиз бозорнинг ўз-ўзини тартибга солиш механизмларининг кучли таъсири остида аҳоли турли тоифалари ўртасида моддий табақаланиш янада чуқурлашади, иқтисодий ночор аҳоли қатламларининг турмуш даражаси эса янада ёмонлашади.

Юқорида баён этилганлардан бизнинг илмий хулосамиз шундан иборатки, ҳар иккала ҳолатда ҳам туризмга жалб этилган инвестицион ресурслардан фойдаланиш самарадорлигининг ўсишига эришилади. Биринчи йўналиш туризмни ривожлантиришни интенсивлаштириш, ресурсларни тежаш, фан ва таълимни рағбатлантириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш орқали соҳага жалб этилган инвестицияларнинг иқтисодий самарадорлигини оширади. Иккинчи ҳолатда эса туризмнинг социал функцияларини кучайтириш орқали инвестицион ресурслардан фойдаланиш ижтимоий самарадорлигини оширишга эришилади.

Бундан ташқари, Қонунда “Туризм соҳасига инвестицияларни жалб қилиш ва инвестициялар киритиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш” (2-боб, 6-моддаси) давлат тартибга солиш сиёсатининг алоҳида банди сифатида киритилган.⁹⁹ Ушбу банднинг соҳага инвестицияларни жалб этиш орқали нафақат туризм ривожланишига, унинг ихтиёридаги инвестицион ресурслар мутлақ миқдорининг ўсишига, тармоқнинг инвестицион салоҳиятини юксалтиришга, балки соҳа инвестицион ресурслари таркибида сифат ўзгаришларини таъминлашга, инновацион омиллар ҳисобига инвестицион ресурслар иқтисодий самарадорлигини кескин ошириш имконини беради.

Кейинги йилларда амалга оширилган тадқиқотлар натижасида бир қатор иқтисодчилар хорижий инвестицияларни инновацион жараёнларни жадаллаштиришнинг муҳим воситаси эканлигини илмий жиҳатдан асослаб бердилар¹⁰⁰. Олимларнинг хорижий

⁹⁹ Ўзбекистон Республикасининг ЎРҚ-549-сон “Туризм тўғрисида”ги Қонуни. 2019 йил 18 июль. // <http://lex.uz>

¹⁰⁰ Орай Т. Инностранные инвестиции в развитии туризма. Т.: 2013. // <https://knowledge.allbest.ru>; Асламова Д.Х, Сафаров Б.Ш, Хайруллаев А. Роль инноваций, и их значение в инвестициях на

инвестицияларнинг инновацион табиатини инкор қилишга бизда ҳеч қандай мантиқий ёки илмий асослар йўқ. Аксинча, бизнинг бу борадаги хулосамиз шундан иборатки, нафақат хорижий инвестициялар, маҳаллий инвестициялар ҳам тармоқда инновацион жараёнларни жадаллаштиришнинг ягона манбаи ҳисобланади. Ўз навбатида, инновацияларга инвестициялар соҳага жалб этилган инвестицион ресурслар иқтисодий самарадорлигини оширишнинг, уни интенсив омиллар асосида ривожлантиришнинг асосий йўли ҳисобланади. Туризмда инновацияларга инвестицияларни фаоллаштириш муаммолари ва уларнинг ечимлари хусусидаги фикр-мулоҳаза ва таклифлар мазкур бобнинг навбатдаги иккинчи параграфида батафсил ёритиб ўтамиз.

Ўзбекистонда мавжуд туристик салоҳиятни рўёбга чиқариш, мамлакатнинг туристик нуфузини ҳамда жозибадорлигини ошириш, ҳалқаро ҳамкорлик ўрнатиш ва хорижий инвестицияларни жалб этиш мақсадида кейинги йилларда Ўзбекистонда давлат томонидан кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда, бунга катта миқдорда маблағлар сарфланмоқда. Жумладан, Ўзбекистоннинг 40 та хорижий мамлакатларда дипломатик ваколатхоналар орқали 350 дан ортиқ босмахона электрон нашрларда Ўзбекистон ва унинг туристик ёдгорликлари ҳақида материаллар чоп қилинди. Бундан ташқари, 14 та давлатнинг 30 дан ортиқ шаҳарларда (Испания, Италия, Хитой, Япония, Исроил ва бошқалар) телевидение орқали Ўзбекистоннинг туристик салоҳияти тўғрисида реклама-тарғибот ишлари амалга оширилди. Дунёнинг 20 дан зиёд мамлакатлари, жумладан Россия Федерацияси, Буюк Британия, Индонезия, Турция, Хитой, Франция ва бошқаларнинг 50 га яқин ОАВ ларида (Nippon - TV, Loaded Films, "Орёл и Решка", Индийский женский пресс-корпус) Ўзбекистоннинг туристик имкониятлари тўғрисида инфотурлар ташкил қилинди. Хитойнинг CCTV - 7 телеканали орқали Ўзбекистонда гастронимик туризм тўғрисида намойиш этилган кинолавҳани қарийиб 150 млн. киши қараб, томоша қилган¹⁰¹. Табиийки, бунга катта аудитория таркибидан

рынке туристских услуг в Узбекистане. // <https://economyandbusiness.ru/>; Минаков А.В. Роль иностранного инвестирования в активизации инновационной деятельности в условиях неопределённости. // <https://naukarus.com/>; Дерюгин И.А., Звягинцев А.А. Привлечение иностранных инвестиций как фактор инновационного развития КНР. // <https://web.economica.cosnauka.ru>.

¹⁰¹ Абдуллаева Ф.С. Туризм соҳасига оид аббревиатураларни ўқитишда ностандарт тестлардан фойдаланиш. «Жаҳон иқтисодиёти глобализацияси шароитида туризм индустрияси

Ўзбекистонга ташриф буюриш хохиши пайдо бўлган потенциал туристлар сони ҳам анчани ташкил қилади.

Шу билан бирга, 2019 йилнинг 13-15 ноябрь кунларида Тошкентда “Ипак йўлида туризм” XXV Халқаро туристик ярмарка ташкил этилди. Унда дунёнинг 17 мамлакатидан 50 дан ортиқ ОАВ вакиллари иштирок этишди¹⁰². Тадбирда Ўзбекистонда UNWTOнинг дунёдаги ягона ваколатхонаси очилишига доир меморандум алмашинуви амалга оширилди¹⁰³.

Мавзу доирасида амалга оширилган тадқиқотлар давлатнинг туризм соҳасини тартибга солиш сиёсатида бир қатор камчиликлар мавжудлигини аниқлаш имконини берди. Ана шу камчиликлардан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистонда туризм соҳасини давлат томонидан тартибга солиш ва қўллаб-қувватлаш фаолиятини такомиллаштиришга оид ўз таклифларимиз ва тавсияларимизни ишлаб чиқдик.

Бизнинг фикримизга кўра, давлатнинг туризм соҳасини ривожлантириш ҳамда тармоқда инвестицион-инновацион жараёнларни жадаллаштиришга таъсирини кучайтириш учун бир неча йўналишларда уни қўллаб-қувватлаш фаолиятини фаоллаштириш лозим.

Биринчи навбатда, минтақаларда мақсадли дастурларни бажаришга йўналтирилган маблағларни кўпайтириш ва шу асосда туризм индустрияси инфратузилмасини тубдан яхшилаш зарур. Кейинги йилларда давлат бюджети ҳисобидан туристик йўналишлар бўйича транспортни ривожлантириш, йўл коммуникацияларини яхшилаш, дам олиш инфратузилмасини такомиллаштириш, малакали кадрлар тайёрлаш, уларни қайта тайёрлаш борасида кенг қўламли тадбирлар амалга оширилаётганлигига қарамасдан, улар замон талабларига жавоб берадиган даражада эмас. Кузатиш натижалари, мамлакатга ташриф буюрган хорижлик туристларнинг фикр-мулоҳазалари айнан шу соҳада жиддий муаммолар борлигидан далолат беради. “Ўзбекистонда 2019-2025 йилларда Туризмни ривожлантириш Концепцияси”га мувофиқ, мамлакатнинг саёҳат ва дам олиш учун хавфсиз макон сифатидаги имиджини мустаҳкамлаш, туризм тармоғи учун кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини

ривожланишининг устувор йўналишлари» мавзусидаги халқаро илмий-амалий анжуман материаллари. Т., 2019 йил, 10 октябрь. Б 320-325.

¹⁰² Ипак йўлида туризм. // <https://uza.uz>

¹⁰³ “Ипак йўлида туризм” ТХТЯ-2019 якунлари. // <https://uzbektourism.uz>

ошириш тизимини такомиллаштириш, туризм инфратузилмасини ривожлантириш, транспорт логистикасини ривожлантириш, транспорт хизматлари сифатини ошириш каби муҳим вазифаларнинг қўйилиши бежиз эмас¹⁰⁴.

Ўзбекистонда туризм соҳасининг инновацион ривожланишини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг истиқболли йўналишларидан бири сифатида саёҳатчиларга ҳамда маҳаллий аҳолига туризм соҳасига хос ахборотларни бепул етказиб беришни таъминловчи ахборот марказларини ташкил этиш масалалари қаралиши лозим деб ўйлаймиз. Туристик ахборот марказлари – ТАМлар алоҳида туманлар, шаҳарлар ва вилоят миқёсида ташкил этилиши мақсадга мувофиқ. Ушбу марказлар нотижорат ташкилотлар бўлиб, давлат бюджети ҳисобидан молиялаштирилиши керак.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 январдаги ПФ-5611-сон Фармонида мувофиқ¹⁰⁵, Республиканинг кўпгина вилоятларида бир қатор ТАМлар туристик ахборот марказлари (инфокиосклар) ташкил этилди. Тошкент шаҳрининг туризмни ривожлантириш департаменти томонидан 2 та ахборот марказлари (“Lotte City Hotel Tashkent Palace” ҳамда “Ramada Tashkent” меҳмонхоналарида) ташкил этилиб, улар туристларга тегишли маълумотларни олиш ва хизматлардан фойдаланиш учун қулай шароит яратиб беришга хизмат қилмоқда. Ушбу марказлар туристларга шаҳарнинг эътиборга лойиқ жойлари, тарихий обидалари, умумий овқатланиш шаҳобчалари тўғрисида маълумотлар олиш, буюртма бериш ва бошқа мақсадларни амалга ошириш учун фойдаланадилар. Марказлар орқали шаҳарнинг улкан туристик салоҳиятини тарғиб этувчи материалларни тарқатиш ҳам йўлга қуйилган. Келажакда ушбу марказлар сонини кўпайтириш ва уларнинг фаолиятини такомиллаштириш мақсадга мувофиқ. Ҳозирги кунда Самарқандда 11 та шундай марказлар фаолият кўрсатмоқда.

Давлатнинг туризм соҳасида инновацион жараёнларни қўллаб-қувватлашнинг асосий йўналишларидан бири – туризм ва у билан дахлдор бўлган иқтисодиётнинг бошқа тармоқларида инновацион лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишни грантлар,

¹⁰⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-5611-сон “Ўзбекистон Республикасида Туризмни жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони. 2019 йил 5 январь. 1-Илова. // <http://lex.uz>

¹⁰⁵ Ўша манба.

субсидиялар ва инвестициялар ёрдамида молиявий ёрдам кўрсатиш бўлмоғи керак.

Бизнинг назаримизда, давлатнинг туризм соҳасини тартибга солиш ва қўллаб-қувватлаш сиёсатида марказий ўринлардан бирини тармоқни ривожлантиришнинг ва унга жалб этилган инвестицион ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг муҳим йўналишларидан бири сифатида – мазкур соҳада, давлат-хусусий шериклигини ривожлантириш бўлмоғи лозим. Кенг маънода ушбу шерикликни давлат ва хусусий секторнинг манфаатларини мувофиқлаштиришнинг ва ўзаро боғлиқ ҳолда ҳаракат қилишини таъминлашнинг ҳукукий механизми сифатида талқин қилиш мумкин¹⁰⁶. У ижтимоий тараққиёт нуқтаи-назаридан муҳим бўлган вазифаларни бажаришда давлат органлари ҳамда бизнес ўртасида ўзаро ҳамкорлик ўрнатиш асосида уларнинг имкониятларини бирлаштиришнинг самарали воситаси бўлиб хизмат қилади.

Туризм соҳасида ҳамкорликнинг ушбу шакли XX асрнинг охирларида (90-йилларда) Англияда пайдо бўлган: мамлакатда инфратузилма объектларини давлат билан ҳамкорликда куриш имкониятини берувчи махсус қарор қабул қилинган. 1998 йилдан бошлаб хусусий инвестицияларни мамлакат туристик индустриясини ривожлантириш, табиат, тарихий ва давлат маданият ёдгорликларини, музей ва обидаларни томоша қилиш, лойиҳаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш амалиёти жорий этилди.

Бизнингча, хорижда анча илгари бошланган ва амалиётда ўзининг позитив натижаларини берган туризм соҳасидаги давлат-хусусий шериклигининг илғор тажрибасидан биз ҳам унумли фойдаланишимиз, Ўзбекистоннинг бой тарихий-маданий ва табиий туристик салоҳиятини мамлакатга туристларни жалб қилишнинг муҳим омилига айлантиришда хусусий секторнинг иштирокини фаоллаштириш имкониятларидан унумли фойдаланмоғимиз керак. Ўзбекистонда қабул қилинган “Туризм тўғрисида”ги Қонуннинг янги таҳририда ҳам соҳада давлат-хусусий шериклигини ривожлантириш давлатнинг туризмни тартибга солиш сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири сифатида белгиланган (2-

¹⁰⁶ Давлат-хусусий шериклик нима? // <https://zamin.uz>; Ўзбекистонда давлат-хусусий шерикчилик механизмининг жорий этишнинг жаҳон тажрибаси. // <https://biznes-deily.uz>; Государственно-частное партнерство и инвестиционная деятельность. // <https://sibac-info/conf/>; Сущность и исторический генезис государственно-частного партнерства в сфере туризма. // <https://yandex.ru>.

боб, 6-модда)¹⁰⁷. Айниқса тарихий-маданий объектларни таъмирлаш, уларни реконструкция қилиш, туристлар учун жозибадорлигини таъминлашда хусусий сектор фаол иштирирок этиши мумкин, деб ўйлаймиз.

Бизнинг мамлакатимизда давлат-хусусий шериклигининг ҳуқуқий асослари Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2019 йил 10 майда қабул қилинган “Давлат-хусусий шериклик тўғрисида”ги¹⁰⁸ Қонунга мувофиқ яратилди. Ушбу қонунга мувофиқ давлат-хусусий шериклик – бу давлат шериги ва хусусий шерикнинг муайян муддатга юридик жиҳатдан расмийлаштирилган, давлат-хусусий шериклик лойиҳасини амалга ошириш учун ўз ресурсларини бирлаштиришига асосланган ўзаро ҳамкорлиги ҳисобланади¹⁰⁹.

Ҳозирги босқичда туризм соҳасида фаолият олиб бораётган хўжалик субъектларининг асосий қисми кичик ва хусусий тадбиркорлик корхоналари бўлиб, Ўзбекистонда туризмни бошқа рақобатбардош мамлакатларга нисбатан жадал ривожантиришлари учун кўплаб меҳмонхоналар қурилиши керак, йўллар яхшилалиши, аэропортлар кенгайтирилиши лозим. Масалан, ҳозир аэропорт сифими 2,5 млн. йўловчига мўлжалланган бўлса, унга талаб 5 млн. ҳисобланади, бир икки йил ўтиб у 10 млн.га етиши ҳам мумкин¹¹⁰. Бундай жиддий муаммоларни ҳал этишда давлат-хусусий шериклиги асосида инвестицияларни жалб этиш муҳим роль ўйнайди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелда қабул қилинган ПҚ-4300-сон Қарорига мувофиқ умумий қиймати 2 млрд. АҚШ долларидан ортиқроқ бўлган 15 та лойиҳа қабул қилинди¹¹¹.

Лекин бундай йирик лойиҳаларни амалга оширишга йўналтирилган инвестицион ресурс имкониятлари чегараланган. Айни пайтда, туристик хизматлар бозорида мамлакатлар ўртасида тобора кескинлашиб бораётган рақобат муҳити шароитида бошқаришнинг истеъмолчи талабларига, унинг узлуксиз ўзгариб бораётган эҳтиёжларига мослаша оладиган усулларни қўллашни

¹⁰⁷ Ўзбекистон Республикасининг ЎРҚ-537-сон “Давлат-хусусий шериклик тўғрисида”ги Қонуни. 2019 йил 10 май. // <http://lex.uz>

¹⁰⁸ Ўша манба.

¹⁰⁹ Ўша манба.

¹¹⁰ Давлат-хусусий шерикчилиги ўзи нима? // <https://zamin.uz>

¹¹¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-4300-сон “Республика иқтисодиётига тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш механизмларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” Қарори. 2019 йил 29 апрель. // <http://lex.uz>


тақозо этади. Ҳозирги даврда рақобат курашида катта муваффақиятга эришиш учун сифатни ошириш, харажатларни пасайтириш, маҳсулот сотиш ҳажмини кўпайтиришнинг ўзи кифоя қилмайди. Таҳлил натижалари шундан далолат берадики, Ўзбекистонда туристик хизматлар йўналтирувчи бозорларининг, минтақавий туристик маҳсулотларни хорижий истеъмолчиларга таклиф этувчи, маркетинг тадқиқотлари натижаларига таянган самарали механизмлари яратилмаган.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, маркетинг тадқиқотларини амалга оширишда давлат сектори билан хусусий сектор имкониятларини бирлаштириш мақсадга мувофиқ, деган хулосага келдик. Бундай хулосага келишимизга Ўзбекистон Республикасининг “Давлат-хусусий шериклик тўғрисида”ги давлат ва хусусий бизнес соҳасидаги муносабатларни тартибга солишга қаратилган Қонун асос бўлди”¹¹². Таҳлил натижаларидан келиб чиққан ҳолда, туризм соҳасида маркетинг тадқиқотларини амалга оширишнинг давлат-хусусий шериклиги модели ишлаб чиқилди (3.1.1-расм).

Бизнинг фикримизга кўра, давлат-хусусий шериклигининг таклиф этилган моделини амалиётга жорий қилиш туризм соҳаси ташкилотларининг ривожланишига, улар фаолияти самарадорлигининг ошишига, янги ташкилотларни вужудга келтиришни рағбатлантиришга, рақобатбардош янги тур маҳсулотларни жорий қилишга, соҳа корхоналари инвестицион фаолиятини жадаллаштиришга, уларнинг инвестицион салоҳиятини юксалтиришга, туризм инфратузилмасини ривожлантиришга ёрдам беради.

Туризм соҳасида инвестицион фаолиятни инновацион асосда ривожлантиришда давлат-хусусий шериклигини йўлга қўйиш ва такомиллаштиришнинг истикболли йўналишларидан бири таълим соҳаси ҳисобланади. Чунки бундай ҳамкорлик туризмни юқори малакали кадрлар билан таъминлашнинг муҳим шарти ҳисобланади.

¹¹² Ўзбекистон Республикасининг “Давлат-хусусий шериклик тўғрисида”ги Қонуни. – Т.: 2019 йил 10 май. // <http://lex.uz>



3.1.1-расм. Туризмда маркетинг стратегиясини амалга ошириш мақсадида давлат ва хусусий бизнеснинг ўзаро шерикчилиги модели¹¹³

¹¹³ Муаллиф тадқиқотлари асосида ишлаб чиқилган.

Маркетинг фаолияти республика давлат органлари ўрнатган меъёрлар асосида фаолият юритувчи туризмни бошқаришнинг минтакавий ҳамда республика даражаларида, ижтимоий ташкилотларда ва турбизнесда амалга оширилади. Давлат-хусусий шерикчилиги тузилмаси барча иштирокчиларининг фаолияти Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси томонидан мувофиқлаштирилади.

Бизнинг назаримизда, Ўзбекистонда туризм соҳасида инвестицион фаолиятда инновацион омиллар ролини оширишда давлат-хусусий бизнес шериклигини кенг йўлга қўйиш ва ривожлантиришдан катта амалий самара олиш имкониятлари мавжуд бўлган истиқболли йўналишлардан яна бири – бу таълим соҳасидир. Шу сабабли бу хусусда ўзимизнинг айрим фикр-мулоҳазаларимизни ва илмий-амалий тавсияларимизни ишнинг навбатдаги қисмида батафсилроқ баён қилмоқчимиз.

3.2. Туризм соҳасида инновацион фаолиятни жадаллаштиришга оид тавсиялар

Ўзбекистонда туризмни ривожлантириш истиқболлари, Президент Ш.М.Мирзиёевнинг 2019 йил 5 январдаги “Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонида¹¹⁴ ҳамда “Ўзбекистонда 2019-2025 йилларда Туризмни ривожлантириш Концепцияси”да¹¹⁵ белгиланган вазифаларнинг муваффақиятли бажарилиши кўп жиҳатдан соҳага жалб этилган кадрлар салоҳияти билан белгиланади. Туризмни ривожлантириш Концепциясида Ўзбекистонда “Туризм соҳасида халқаро талабларга жавоб берадиган узлуксиз, кўп босқичли таълим тизимини яратиш” вазифаси бежиз қўйилган эмас. 2018 йилнинг май ойида Ўзбекистонга ташриф буюрган австриялик мутахассислар мамлакатда туризмнинг имкониятларини юқори баҳолаб, келажакда мазкур соҳани ривожлантириш учун кадрлар ва билимлар етарли эмаслигини алоҳида таъкидладилар. Улар мамлакатда туризм соҳаси истиқболларини айнан туризм инфратузилмасини ривожлантиришга қодир ва мойил

¹¹⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-5611-сон “Ўзбекистон Республикасида Туризмни жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони. 2019 йил 5 январь. 1-Илова. // <http://lex.uz>

¹¹⁵ Ўша жойда, 1-Илова.

мутахассисларни тайёрлаш зарурати билан боғладилар¹¹⁶. Туризмни ривожлантиришда айнан кадрларнинг роли жуда катта эканлиги ғарб мамлакатлари олимлари, россиялик олимлар¹¹⁷ томонидан ҳам эътироф этилган.

“Туризм тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш Ўзбекистонда туризм соҳасини давлат томонидан тартибга солиш ва қўллаб-қувватлаш сиёсатининг асосий йўналишларидан бири сифатида белгиланган¹¹⁸. Тадқиқот мавзусидан келиб чиқиб, биз кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштиришни туризм соҳасини жадал ривожлантириш ва соҳага жалб этилган инвестицион ресурслардан оқилона фойдаланиш асосида уларнинг иқтисодий самарадорлигини оширишнинг энг асосий ва муҳим омили сифатида қарадик.

Ўзбекистон туризмнинг мамлакат ЯИМ даги улуши бўйича рейтингда 185 та дунё мамлакатлари ўртасида 169 ўринни¹¹⁹ эгаллаб турган бўлсада, лекин у ўзининг туристик салоҳияти бўйича дунёнинг ушбу соҳанинг мамлакат ЯИМни шакллантиришда етакчи роль ўйнаётган мамлакатлар сафидан ўрин олиши учун етарли салоҳият, бой-тарихий маданий ресурсларга эга. Ўзбекистонни 2035 йилгача ривожлантириш Концепциясига мувофиқ, туризмнинг ЯИМ даги улушини кескин ошириш йўли билан мамлакатни ҳозирги 169 ўридан бу кўрсаткич бўйича пешқадамлик қилаётган 50 та мамлакат сафидан муносиб ўрин олишига эришиш, туризм соҳасида мавжуд имкониятларни рўёбга чиқариш муаммосининг ечими кўп жиҳатдан соҳани юқори малакали ишчи кучи ресурслари, сифатли кадрлар билан таъминлаб беришга боғлиқ.

Туризм соҳасининг жаҳон бозоридаги рақобатбардошлигини таъминлаш, туризм хизматлари сифатини тубдан яхшилаш ва уни жаҳон андозалари даражасига кўтариш, соҳада инновацион жараёнларни жадаллаштириш, туристик корхоналар фаолиятини ривожлантириш ва самарадорлигини оширишнинг замонавий

¹¹⁶ Австриялик мутахассислар Ўзбекистонда туризмни янада ривожлантириш учун кадрлар ва билимлар етиштиришнинг қайд этди. // <https://daryo.uz>.

¹¹⁷ Подготовка кадров как фактор развития туризма в регионе. // <https://yandex.ru>; Актуальные проблемы кадрового обеспечения в сфере туризма. // <https://yandex.ru>; В Ростуризме отмечают нехватку квалифицированных кадров. // <https://yandex.ru>

¹¹⁸ Ўзбекистон Республикасининг ЎРҚ-549-сон “Туризм тўғрисида”ги Қонуни. 2019 йил 18 июль. // <http://lex.uz>

¹¹⁹ <https://wtcc.org/Research/Economic-Impact> расмий статистик маълумотлари.

механизмларини яратиш ва амалиётга жорий этиш ва шунга ўхшаш бошқа мураккаб муаммоларнинг бартараф этилиши, авваламбор, кадрлар салоҳиятини юксалтириш билан боғлиқ. Ҳозирги шароитда айнан кадрлар салоҳияти Ўзбекистонда туризмни устун ривожлантириш стратегиясини амалга оширишнинг, тармоқ таркибидаги хўжалик субъектлари фаолиятини тубдан ислоҳ қилиш асосида иқтисодий самарадорлигини таъминлашнинг асосий омили, деб ҳулоса қилиш учун етарли асосларимиз бор.

Лекин тармоқ ва унинг таркибидаги корхоналарнинг малакали кадрларга бўлган эҳтиёжларини қондириш, тармоққа жалб этилган кадрлар салоҳиятининг юқори сифатини таъминлаш муаммолари давлатнинг фаол иштироки воситасида бу муҳим ишга хусусий бизнесни жалб этган ҳолда муваффақиятли ҳал этилиши мумкин. Жаҳон амалиёти шундан далолат берадики, кадрлар салоҳиятини юксалтириш, инсон капитали ролининг ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг етакчи омилига айлантиришда давлатнинг фан ва таълим соҳасидаги сиёсати билан хусусий бизнес иштирокини уйғунлаштириш муҳим ўрин тутadi.

Туризмда банд бўлган кадрлар салоҳиятининг миқдор ва сифат кўрсаткичлари соҳага жалб этилган инвестицион ресурслар самарадорлигини оширишга кучли таъсир кўрсатади. Амалий тажриба корхонада банд бўлганларнинг касбий маҳорати ва юқори малакаси унинг мураккаб иқтисодий шароитларда барқарор ва муваффақиятли фаолият юритишининг асосий шарти эканлигидан далолат беради.

Бугунги кунда фан ва таълимнинг хўжалик амалиётига кучли таъсирини инкор этиб бўлмайди. Айниқса туризм хизматлари соҳасида уларнинг аҳамияти янада юқори. Жамият тараққиётининг ҳозирги босқичида туристик корхоналар истеъмолчиларга фақатгина истеъмол қийматига эга бўлган туристик маҳсулотни таклиф қилиш билан чекланиб қолишлари ўз иқтисодий фаолиятларини муваффақиятсизликка маҳкум этиш билан баробар. Бу борада туристик хизматларнинг замон талаби билан тақозо этилган ўзига хос хусусиятини таъкидламоқчимиз: бугунги кунда диди баланд истеъмолчиларнинг талабига мос келадиган юқори сифатли сервислаштирилган туристик маҳсулот таклиф этилиши керак. Хизмат кўрсатишнинг бундай даражасига эришиш унга мос келадиган, касбий малакаси ва билим савияси юқори кадрлар жамоасини шакллантириш лозим, деб ҳисоблаймиз.

Тадқиқотлар жараёнида туризм хизматлари соҳасида кадрлар салоҳияти ролининг муҳимлигини белгиловчи яна бир муҳим жиҳатига эътибор қаратдик. Хизмат кўрсатиш соҳаси, жумладан туризм хизматлари соҳаси кишилиқ жамияти хўжалиқ фаолиятининг энг сермеҳнат соҳаси ҳисобланади. Бунинг натижасида соҳа хўжалиқ субъектлари фаолиятига жалб этилган барча ресурслар таркибида меҳнат ресурсларининг салмоғи катта. Демак, туризм хизматлари соҳасидаги хўжалиқ субъектлари рақобатбардошлиғи юқори даражада инсон ресурслари омилига боғлиқ. Ушбу соҳада айнан инсонлар, уларнинг салоҳияти, меҳнат қилиш қобилияти, ўзининг касбий маҳоратини юксалтиришга бўлган интилишлари замонавий корхонани ривожлантиришнинг асосий шарти ҳисобланади. Ўз-ўзидан аёнки, тараққиётда инсон омили ролининг юксалиши таълим соҳаси билан, кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш, малакасини ошириш масалалари билан чамбарчас боғлиқ.

Бугун касбий таълим мамлакатда изчиллик билан амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар доирасида модернизация босқичини бошидан кечирмоқда ва таълим сифатини тубдан ошириш муаммолари изчиллик билан ҳал этилмоқда. Таълим сифатини яхшилаш давлат ижтимоий-иқтисодий сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланган. Шунинг эътибордан чиқармаслик керакки, таълимни модернизациялаш иқтисодиётни, қолаверса бутун жамиятни модернизациялашнинг, уни мазмунан ва таркибий янгилашнинг таянчи ҳисобланади.

Туризм хизматлари соҳасининг ўзига хос хусусиятларидан ҳамда истеъмолчиларнинг ушбу хизматлар сифатига тобора ошиб бораётган талабларидан келиб чиққан ҳолда, тармоқ эҳтиёжлари учун кадрлар тайёрлаш тизимини қўшимча таълим секторини жорий қилиш асосида такомиллаштиришни тақлиф қиламиз. Ҳозирги кунда таълим муассасалари академик фан ва таълим билан шуғулланадилар, туристик корхоналар ўз амалиётида сервис хизматларига кўпроқ эҳтиёж сезадилар. Туризм соҳаси ходимлари касбий тайёргарлигида корпоратив таълимнинг заифлиги, етарли даражада эмаслигини қайд этмоқчимиз. Бизнингча, туризм соҳасида таълим муассасаларидаги юқори сифатли академик таълим соҳа мутахассисларининг туристик корхоналардаги касбий маҳоратини ошириш ҳамда янги касбий билимларни фаол эгаллаш амалиётини йўлга қуйиш билан тўлдирилиши лозим.

Ушбу мақсадга эришиш учун йирик туристик корхоналар қошида ходимлар касбий маҳоратини юксалтириш учун хизмат қилувчи махсус бўлим ёки марказ ташкил этилиши лозим. Бундай бўлимнинг ёки марказнинг асосий вазифаси истеъмолчиларга бевосита хизмат кўрсатувчи ходимларнинг касбий маҳоратини ошириш ва уларни узлуксиз ўқитиш комплекс тизимини ташкил этишдан иборат. Бундай бўлимлар нафақат туристик корхоналар, балки туристларга хизмат кўрсатувчи барча бошқа йўналишларда (транспорт, савдо, умумий овқатланиш ва бошқаларда) ҳам ташкил этилиши мақсадга мувофиқ.

Мутахассиснинг касбий таълим муассасаларида, жумладан олий таълим муассасаларида олган назарий билимлари ишлаб чиқаришдаги корпоратив таълим дастурлари билан узлуксиз тўлдирилиб, янгилиб бориши керак. Касбий билимларнинг, маҳорат ва кўникмаларнинг доимий тарзда янгиланиб бориши – кадрлар салоҳиятини юксалтиришнинг, уларнинг тараққиётдаги ролини оширишнинг асосий шarti ҳисобланади. Тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, ҳозирги кунда академик таълим ва корпоратив таълим ўртасида касбий таълим сифатини тубдан ошириш, унинг бутун умр давомида узлуксизлигини таъминлаш талабларига жавоб берадиган даражада узвий боғлиқлик йўқ.

Ўзбекистонда туризм соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимидаги муаммоларни аниқлаш ва келажақда уни давлат-хусусий ҳамкорлигини ривожлантириш асосида такомиллаштириш бўйича амалий аҳамиятга эга бўлган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш мақсадида махсус сўровнома анкетасини ишлаб чиқдик ва унга асосланиб, туризм ходимлари ўртасида социологик сўров ўтказдик. Сўровнома анкетаси 13 банддан иборат бўлиб, унинг таркибига ходимнинг касбий тайёргарлигини аниқлаш билан боғлиқ бўлган “Олий таълимда олган мутахассислигингиз бўйича ишляапсизми?”, “Институт ёки ўрта махсус таълим муассасаси битиргандан кейин неча марта малакангизни оширгансиз?”, “Охирги марта малака оширганингизга қанча йил бўлди?”, “Махсус курсларда ўқиш, ўз малакасини оширишга муносабатингиз?” каби муҳим саволлар киритилди (7-илова). Самарқанд вилоятининг 3 та туристик корхоналарида амалга оширилган социологик сўровда 85 нафар ишчи-ходим иштирок этди. Анкета сўровлари натижалари корпоратив таълимда жиддий муаммолар мавжудлигини кўрсатди. Социологик сўровда иштирок этган 85 нафар мутахассислардан

36,4 фоизи олий маълумотга, 47,2 фоизи ўрта махсус маълумотга эга. Шулардан 14 киши ёки 16,4 фоиз ходимлар кейинги уч йил давомида корпоратив таълим хизматларидан фойдаланган. Бизнингча, туризм соҳасида, туристларга хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бошқа соҳаларда, айниқса транспорт, алоқа, савдо ходимларининг хизматларининг юқори сифати, сервис тўғрисидаги билим ва тасаввурларини бойитишга йўналтирилган таълимни ривожлантириш керак. Бизнинг назаримизда, туристларга турли хизматлар кўрсатишда банд бўлган ходимлар, мутахассислар, оддий ишчилар учун мижознинг хизмат сифати ва сервисга бўлган юқори талабини қондириш меҳнат фаолиятининг асосий мазмунига айланмоғи лозим. Туристларга турли хизматлар кўрсатишга алоқадор бўлган барча ходимлар нигоҳида ҳар бир мижоз “Шарафли меҳмон” сифатида қабул қилиниши ва унинг ўз ташрифидан тўла қониқиш ҳосил қилиши, мезбонларнинг меҳмондўстлигидан чексиз миннатдор бўлишлари учун барча тегишли чоралар амалга оширилиши шарт. Шундагина Ўзбекистонда давлатнинг туризмни жадал ривожлантириш ва келажакда уни миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоғига айлантиришга қаратилган макроиқтисодий сиёсати реал ҳаётда амалга ошади.

Туризм соҳасида банд бўлган ходимларнинг касбий тайёргарлиги мижозларга хизмат кўрсатишнинг нозик жиҳатларини ўргатиш асосида такомиллаштириш борасида биз тақлиф этаётган ғояларни амалга ошириш учун касбий таълим муассасаларининг, айниқса олий таълим масканларининг имкониятларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Академик фан ва таълимга ихтисослашган олий таълим муассасалари ҳамда корпоратив таълим зиммасига юклатилган туристик корхона ва ташкилотлар ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни кучайтириш керак. Ушбу мақсадда олий таълим муассасалари ишлаб чиқариш соҳа субъектларини, ходимларини ўқитиш учун зарур бўлган услубий ишланмалар, ўқув дастурлари ва педагогик технологиялар билан қуроллантиришлари лозим. Бизнингча, ушбу дастурлар мазмунан туристик хизмат кўрсатиш соҳасида фаолият олиб боровчи ходимларни қуйидаги йўналишларда билимларини такомиллаштиришга қаратилган бўлиши керак:

- хизмат кўрсатишнинг ҳозирги замонга хос муаммолари ва нозик жиҳатлари;

- туристларга хизмат кўрсатишда хориж амалиётининг илғор тажрибаси;

- корхона фаолиятини ривожлантиришда меҳмондорчилик санъатининг моҳияти ва аҳамияти;

- туризмни тартибга солишда ва қўллаб-қувватлашда давлат сиёсатида юз бераётган ўзгаришлар.

Туризм соҳасида қўшимча таълимни ривожлантириш орқали соҳа ходимлари касбий маҳоратини юксалтириш бўйича биз таклиф этаётган гоёани амалга ошириш кейинги пайтларда тез-тез учраб турган форс-мажор ҳолатларнинг олдини олиш, туристлар томонидан хизматлар сифатига билдираётган эътирозларнинг камайиши учун хизмат қилади. Уни амалга ошириш натижасида соҳа ходимларида касбий маҳорат юксалади, уларнинг туристларга сифатли хизмат кўрсатишга бўлган масъулияти кучаяди, туристларнинг эҳтиёж ва талабларини олдиндан кўра билиш, чуқурроқ ҳис қилиш қобилиятини ривожлантиради. Бизнинг қўшимча таълим борасидаги таклифларимиз Европа мамлакатларида кенг қўлланилаётган Experience Economy (тажрибага асосланган иқтисодиёт) концепциясига мос келади ва мамлакатимизда туризмни устун ривожлантиришга хизмат қилади, деб ўйлаймиз.

Туризм соҳасида инновацион фаолиятни инвестициялаш стратегиясини амалга оширишнинг муҳим йўналишларидан яна бири сифатида минтақаларда инновацион марказларни – МИМларни ташкил қилишни таклиф қиламиз. Ушбу марказлар туристик минтақада инновацион фаолиятни рағбатлантириш асосида уни жадаллаштириш билан шуғулланади.

Маълум сабабларга кўра, туризм соҳасида технопарклар ташкил этиш имкони мавжуд эмас. Бундан фарқли равишда, МИМлар ишлаб чиқариш қувватига эга бўлмаган ҳолда, илмий-техник ва инновацион соҳада ахборот-воситачилик хизматларини кўрсатишга ихтисослашади.

Ҳозирги кунда вилоятларда туристик ахборот марказлари ТАМлар ташкил этилган. Лекин ТАМлар катта ҳажмдаги ахборот захираларини тўплаган бўлишларига қарамасдан, улар бозор тўғрисида оператив маълумотларга эга эмаслар, уларнинг фаолияти инновацион жараёнларга таъсир кўрсатиш ва рағбатлантиришга мослашмаган.

Биз таклиф қилаётган МИМлар туризм соҳасидаги хўжалик субъектлари ва инновацион жараёнларни рағбатлантириш билан шуғулланадилар. Ушбу марказлар фаолияти самарадорлигининг ягона меъзони сифатида инновацион маҳсулотларни ишлаб чиқарувчилар билан уларнинг истеъмолчилари ўртасида тузилган воситачилик шартномаларининг ҳажми хизмат қилиши керак.

Бизнинг назаримизда, МИМ ўз олдида турган мақсад ва вазифаларнинг моҳиятидан келиб чиққан ҳолда, у бир неча бўлимлардан ташкил топиши керак (3.2.1-расм).

МИМ таркибидаги тузилмалар зиммасига қуйидаги вазифалар юклатилиши лозим:

1) Экспертиза бўлими қуйидаги муҳим вазифаларни бажаришга ихтисослашади:

- инновацион лойиҳаларнинг инвестицион жозибадорлигини баҳолаш;

- тақдим этилган инвестицион лойиҳаларнинг самарадорлиги ва уни амалга оширишнинг минтақа ижтимоий-иқтисодий тараққиёти йўналишларига мослиги ҳақида хулоса бериш;

- инвестицион лойиҳани амалга ошириш мавжудлиги тўғрисида хулоса беради, зарурат туғилганда уни чуқурроқ таҳлил қилиш ва баҳолашни ташкил қилади;


- маркетинг бўлимига инновацион лойиҳани амалиётга тадбиқ қилиш хусусида тавсиялар беради;

- МИМ ўз фаолияти жараёнида шакллантирилган инновацион лойиҳалар билан бир қаторда, маркетинг бўлими томонидан тақдим этилган инновацион лойиҳаларнинг ҳам инновацион жозибадорлигини таҳлил қилади ва баҳолайди.

2). Маркетинг бўлими қуйидаги вазифаларни бажариши лозим бўлади:

- экспертиза бўлими томонидан амалиётга жорий этишга тавсия

қилинган инновацион лойиҳа ишлаб чиқарувчилари (таклиф қилувчилар) ва буюртмачилар (лойиҳа истеъмолчилари) ўртасида воситачилик ролини бажарадилар. Буюртмачи сифатида инновацион жараённинг ҳар қандай субъекти иштирок этиши мумкин. Маркетинг бўлими томонлар ўртасидаги воситачи сифатида ҳар иккала томон манфаатларини максимал даражада ҳимоя қилиши, мажбуриятларнинг ўз вақтида бажарилишини таъминлашга ҳаракат қилиши лозим.



- Бошқариш
 - - - - - Ахборот таъминоти

3.2.1-расм. Минтақада туризмининг инновацион ривожлантиришни инвестициялаш механизми¹²⁰

МИМ таркибидаги хизмат кўрсатиш бўлинмалари: бухгалтерия, ахборот-ҳисоб маркази, хўжалик хизматлари ва бошқаларнинг фаолияти марказ асосий вазифаларини бажаришга

¹²⁰ Муаллиф тадқиқотлар асосида ишлаб чиқилган.

қаратилган бўлиб, улар техник ва ташкилий вазифаларни бажарадилар. Функционал жиҳатдан улар МИМ директорининг хўжалик ишлари бўйича муовини зиммасига юклатилиши мақсадга мувофиқ.

Ҳар бир бўлим олдида қўйилган вазифалардан келиб чиққан ҳолда, уни тегишли мутахассисларни жалб этиш ҳисобидан кадрлар таркибини шакллантириш лозим. Экспертиза бўлими кадрлари қуйидаги йўналишларда фаолият олиб боришга мўлжалланган бўлишлари лозим:

- иктисодий соҳа мутахассислари. Улар инновацион лойиҳанинг самарадорлигини молиявий таҳлил қилиш, унинг инвестицион жозибадорлигини баҳолаш, истиқболли лойиҳаларни саралаш, ресурслардан фойдаланиш даражасини аниқлаш, сараланган лойиҳани амалга оширишнинг ташкилий масалаларини ишлаб чиқиш билан шуғулланадилар;

- ҳуқуқий соҳа мутахассислари. Ушбу йўналишдаги кадрлар лойиҳанинг қонунийлигини ҳуқуқий жиҳатдан баҳолайдилар, интеллектуал мулкни ҳимоя қилиш ҳамда фаолиятни тартибга солиш билан боғлиқ (лицензиялаш, квоталаш ва ҳоказолар) қонун талабларига риоя қилинаётганлигини таҳлил қиладилар. Улар лойиҳанинг янгилик даражасига патентлаш ишларининг шаффофлигига, қонунийлигига баҳо берадилар;

- технологик соҳа мутахассислари лойиҳанинг технологик жиҳатдан амалга ошириш мумкинлиги ва мақсадга мувофиқлиги, унинг экологик жиҳатдан муаммосиз эканлиги, стандартларга мослиги тўғрисида хулоса берадилар.

Маркетинг бўлими ҳам МИМ фаолиятини ташкил этиш ҳамда самарали амалга оширишда муҳим роль ўйнайди. Шу сабабли ушбу бўлим шу соҳанинг ишини яхши биладиган, тармоқлар бўйича маркетинг хизматларини амалга оширишга лаёқати бўлган малакали мутахассислар ҳисобидан шакллантирилиши лозим.

Бизнинг назаримизда, таклиф этилаётган МИМларни ташкил қилишнинг энг оғир томони – уларнинг молиявий таъминоти. Аслида МИМлар ўз-ўзини молиялаштирадиган, барча харажатларини тўла қоплаб фаолият юритадиган хўжалик субъектидир. Лекин ўз фаолиятининг дастлабки босқичларида унинг харажатларини қоплашда ўз имкониятлари етарли бўлмаслиги мумкин ва шу сабабли ташқи молиявий ёрдамга муҳтож бўлади. Бундай ёрдам МИМ фаолиятини қисман давлат

бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштириш, яъни уни молиявий қўллаб-қувватлаш эвазига амалга оширилади. МИМ фаолиятини дастлабки босқичларида давлат бюджети ҳисобидан молиялаштириш зарурати корхоналар инновацион фаоллигининг пастлиги ҳамда МИМ хизматларининг инновацион жараёнларни жадаллаштиришдаги амалий аҳамияти етарли даражада қадрламасликлари оқибати сифатида эътироф этилади.

Аста-секин инновацион хизмат буюртмачилари ва истеъмолчиларнинг МИМлар томонидан тақдим этиладиган воситачилик хизматлардан қўлга киритиладиган ижобий натижага ишонч ортиб боради ва шунга мос тарзда ушбу хизматларга эҳтиёж ва талаб ҳам кўпайиб боради. Натижада МИМ томонидан таклиф этиладиган томонлар ўрасидаги воситачилик хизматларига реал нархлар ўрнатиш ва марказ барча харажатларини даромад ҳисобидан қоплаш, яъни ўз-ўзини молиялаштириш даражасигача кўтариш имкони вужудга келади. Лекин шу даражага етгунга қадар муайян вақт давомида марказнинг фаолияти давлат бюджети ҳисобидан қўллаб-қувватланиши керак, деб ўйлаймиз.

МИМ фаолиятининг дастлабки босқичларида уни вақтинча қўллаб-қувватлаш учун давлат бюджети ҳисобидан молиявий ёрдам сифатида ажратиладиган маблағларнинг миқдори муайян механизм воситасида тартибга солиноғи лозим. Назаримизда, МИМ ихтиёрига бюджетдан ажратиладиган маблағлар миқдори унинг воситачилигида тузилган воситачилик шартномаларининг сони ва уларнинг қийматига боғлиқликда бўлиши мақсадга мувофиқ. Ушбу ёндашув бир томондан марказни имкон қадар кўпроқ ҳамда юқори қийматга эга бўлган воситачилик шартномаларини тузиш ва уларни амалга оширишга рағбатлантирса, иккинчи томондан унинг ўз фаолияти натижаларига, иш ҳажмини кенгайтиришга масъулиятини оширади.

Шундай қилиб, МИМ фаолияти дастлабки босқичларда 2 манба ҳисобидан: биринчиси - давлат бюджети, иккинчиси – воситачилик хизматлари учун буюртмачилар ва истеъмолчилар тўлайдиган ҳақ ташкил этилади. Лекин давлат бюджети ҳисобидан МИМ фойдасига ажратиладиган маблағларнинг мутлақ миқдори, унинг воситачилик эвазига оладиган даромадларидан юқори бўлмаслиги мақсадга мувофиқ. Бундай тартиб бюджет маблағларининг мақсадсиз ишлатилиши, уни суистеъмол қилинишининг олдини олади, МИМнинг ўз-ўзини молиялаштиришга ўтиш жараёнларини

тезлаштиради. Ўз-ўзини молиялаштиришга ўтиш босқичма-босқич амалга оширилади.

МИМ ўз ихтиёридаги молиявий ресурслардан, уларни шакллантириш манбаларининг қандайлиги ва қандай нисбатдалигидан қатъий назар, улардан мустақил равишда фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлади. Фақат ушбу маблағни истеъмол ва жамғармага тақсимлашда, истеъмол фондига ажратиладиган маблағлар улушини чекловчи қатъий белгиланган юқори чегара назоратга олинмоғи лозим.

МИМнинг молиявий мавқеини мустаҳкамлаш ва тўла ўз-ўзини молиялаштиришга ўтиш шароитини тезлаштириш мақсадида уни асосий фаолият туридан бошқа хизматлар, масалан алоқа хизматларини кўрсатиш, виртуал офис ташкил этиш ва бошқа шунга ўхшаш хизматларни кўрсатишни ривожлантириш мумкин.

Марказнинг фаолияти минтақани ахборотлаштириш ва ундаги инновацион фаолиятни инвестициялаш жараёнининг фаол иштирокчисига айланмоғи лозим. Ушбу марказнинг бевосита иштирокида шаклланадиган ахборот майдони минтақани ва унинг таркибида туризм соҳасини инновацион ривожлантириш сиёсатини амалга оширишнинг муҳим воситасига айланади. Шу тариқа келажакда МИМ минтақавий турмахсулотларни инновацион асосда ошириш ва уларнинг жаҳон бозоридаги рақобатбардошлигини таъминлашнинг асосий омилларидан бири сифатида майдонга чиқиши назарда тутилади. Туризм соҳасида МИМларнинг шаклланиши — минтақада инновацион жараёнларни инвестициялашни жадаллаштириш эҳтиёжларига мос келади, шунингдек, у дунёда кечаётган интеграцион тенденцияларни ўзида акс эттиради.

Туризм соҳасида ташкил этилиши таклиф этилаётган инвестицион-инновацион тузилма фаолиятини йўлга қўйишда инновацион лойиҳаларнинг инвестицион жозибадорлигини баҳолаш жараёни деб ҳисоблаймиз. Шу сабабли монографияда инновацион лойиҳанинг инвестицион жозибадорлигини баҳолашга оид ўзимизнинг таклиф ва тавсияларимизни асослаб беришга ҳаракат қилдик.

Ҳозирги замонда туристик хизматлар бозорида тобора кескинлашиб бораётган рақобат курашида хўжалик субъектларининг инвестицион жозибадорлигини ошириш асосида уларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш муҳим амалий аҳамият

касб этади. Чунки туризм соҳасида фаолият олиб бораётган хўжалик субъектларининг, яъни турагентликлар, туристларни жойлаштириш маконлари ва бошқаларнинг инвестицияларга тобора ўсиб бораётган эҳтиёжларини қондиришнинг, соҳага етарли миқдорда инвестицияларни жалб этишнинг асосий шарти — уларнинг инвестицион жозибадорлигини таъминлаш ҳисобланади.

Одатда инвесторлар корхонани инвестициялаш борасида қарор қабул қилишда молиявий рискни минималлаштиришга ҳаракат қиладилар ва шу сабабли жалб этиладиган маблағларнинг самарали ишлатилиши мумкинлиги тўғрисида тўла асосланган тасаввурга эга бўлишни истайдилар. Улар мулкдор сифатида ўз мулкларидан фойдаланишда хато ва камчиликка йўл қўймасликка ва юқори фойда олишга интиладилар.

Лекин биз амалга оширган тадқиқотлар амалда туризм соҳасидаги хўжалик субъектларининг инвестицион жозибадорлиги кўп ҳолларда умуман таҳлил қилинмайдиган ёки жуда чекланган даражада унинг айрим жиҳатлари (асосан корхонанинг молиявий ҳолати) таҳлил қилинади. Туризм соҳасига инвестицияларни фаол жалб этиш муаммосини ҳал этиш ва уларнинг самарадорлигини ошириш учун, бизнинг назаримизда, келажакда бу аҳволга барҳам берилиши лозим. Демак, туризм соҳасида хўжалик субъектларининг инвестицион жозибадорлигини ошириш муаммоси катта амалий аҳамиятга эга.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, туристик корхоналар инвестицион жозибадорлигини таҳлил қилиш ва баҳолашга оид ўз тақлифларимизни ишлаб чиқишга ҳаракат қилдик. Бу борада амалиётда қўллаш учун зарур бўлган тақлиф ва тавсияларни ишлаб чиқишда туристик корхона инвестицион жозибадорлигини таҳлил қилиш ва баҳолаш муаммосига комплекс асосда ёндашилди.

Туристтик корхонанинг инвестицион жозибадорлигини таҳлил қилиш ва баҳолашни қуйидаги йўналишларда амалга оширишни тақлиф қиламиз:

- корхонанинг молиявий жозибадорлигини таҳлил қилиш ва баҳолаш;
- корхонанинг ресурс салоҳиятини таҳлил қилиш ва баҳолаш;
- туристик оқимларни таҳлил қилиш ва баҳолаш;
- мавсумийликнинг туристик корхона молиявий хўжалик фаолиятига таъсирини таҳлил қилиш ва баҳолаш.

Туризм соҳаси хўжалик субъектларининг инвестицион жозибадорлигини таҳлил қилиш ва баҳолашда тадқиқот объектини биз тақлиф этган комплекс ёндашувга асосланган усулни қўллаш, корхонани инвестициялашнинг турли жиҳатларини ҳамда унинг фаолият тури билан боғлиқ ўзиги хос хусусиятларни ҳисобга олиш имкониятларини беради. Натижада туристик корхонанинг инвестицион жозибадорлиги хусусида анча аниқ ва ишончли маълумотлар олишга эришилади. Демак, инвесторлар туристик корхонани инвестициялашнинг истиқболлари тўғрисида тегишли ҳисоб-китоблар билан асосланган ва келажақда молиявий рискни минималлаштирадиган ахборотга эга бўладилар.

Бизнинг назаримизда, туристик корхона инвестицион жозибадорлигини таҳлил қилиш ва баҳолаш йўналишларининг таркибида хўжалик субъекти ресурс салоҳиятини таҳлил қилиш ва баҳолаш асосий ўрин тутди. Чунки туристик корхона молиявий-хўжалик фаолиятининг самарадорлиги ва пировард натижалари биринчи навбатда унинг ресурслар билан таъминланганлиги ҳамда улардан унумли фойдаланиш даражаси билан белгиланади.

Шу сабабли туристик корхона инвестицион жозибадорлигини баҳолаш жараёнида унинг ривожланиш суръатлари кўрсаткичларини аниқлаш ҳамда ушбу кўрсаткичлар ресурслардан фойдаланиш ва самарали фаолият юритишнинг юқори даражаларига қанчалик мос келаётганлигини аниқлаш лозим бўлади. Агар туристик корхонанинг ривожланиши, унинг фаолияти миқдор ва сифат кўрсаткичларининг яхшиланиши корхонага жалб этилган ресурслардан унумли, интенсив фойдаланиш ҳисобидан амалга ошаётган бўлса, демак, унинг инвестицион жозибадорлиги ҳам юқори баҳоланиши мақсадга мувофиқ. Аксинча, корхона молиявий-хўжалик фаолияти кўрсаткичларининг динамикаси экстенсив омиллар эвазига эришилаётган бўлса, унда мос равишда, корхона инвестицион жозибадорлиги ҳам паст баҳоланиши лозим.

Таҳлил ва баҳолаш жараёнида туристик корхонага жалб этилган барча табиий, ишчи кучи ва молиявий ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини баҳолаш зарур. Туристик корхона молиявий-иқтисодий фаолиятини тавсифловчи кўрсаткичлар анча кенг бўлиб, уларнинг аксарияти корхона фаолиятига жалб этилган ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ифодалайди. Улар таркибига қуйидагиларни кириш мумкин: туристик маҳсулотни сотишдан келган тушум миқдори; ишчи кучи ресурсларидан

фойдаланиш кўрсаткичлари (меҳнат унумдорлиги, меҳнат интенсивлиги); асосий фондлардан ва айланма маблағлардан фойдаланиш кўрсаткичлари (фонд қайtimi, фонд сигимкорлиги, айланма маблағларнинг айланиш тезлиги ва бошқалар); иш ҳақи фондларидан фойдаланиш кўрсаткичлари; сотилган турмаҳсулотларнинг таннарни ва ҳоказолар¹²¹.

3.3. Туризм соҳасида инновацион жараёнларни жадаллаштириш механизмларини такомиллаштириш

Жаҳон амалиёти инновацион жараёнларни жадаллаштириш мақсадида бошқаришнинг турли хил воситалари ва механизмларини яратган. Биз амалга оширган тадқиқот доирасида туризм соҳасида инновацион жараёнларни жадаллаштиришни инвестициялаш масалалари муҳим аҳамият касб этади. Кейинги пайтларда туризм соҳасини ривожлантиришга оид илмий тадқиқот ишларининг тобора кўпайиб бораётганлиги, унинг турли йўналишдаги муаммоларига бағишланганлигига қарамай, инновацион фаолиятни ривожлантириш, унга инвестицион ресурсларни фаол жалб этиш, тизимли ёндашув асосида уларнинг самарадорлигини ошириш масалаларига етарлича эътибор берилмаяпти.

Бизнинг назаримизда, туризм соҳасида инвестицион фаолиятни инновацион асосда ривожлантириш бир неча ўзаро узвий боғлиқ бўлган механизмлар таъсири остида амалга ошади. Ушбу механизмлар тизим шаклида бўлиб, тизимнинг таркибига қуйидаги унсурларни киритишни таклиф қиламиз:

- инновацияларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш механизмлари;
- инновацион фаолиятни ташкил этиш механизмлари;
- инновацион фаолиятни режалаштириш ва назорат қилиш механизмлари;
- инновацион фаолиятни инвестициялаш механизмлари;
- инновацион фаолиятни мотивлаштириш ва рағбатлантириш механизмлари.

Тадқиқот мавзусидан келиб чиққан ҳолда инновацион механизмлар тизими таркибида алоҳида эътиборни инвестицион

¹²¹ Кириченко А.В. Инвестиционная привлекательность туристических стартапов на современном этапе / А.В. Кириченко, Е.А. Балашова // Наука и человек: гуманитарные исследования. – 2016. – №2 – С. 190.


механизмларнинг моҳиятини очишга қаратдик. Самарқанд вилояти учун таклиф этилган ушбу гуруҳ механизмлари таркибига кредитлаш, ўз капиталини шакллантириш, ИТТКИга сарф-харажатларни шакллантириш ва уларни таннархда акс эттириш, солиққа тортишни инновацион фаолият интенсивлигидан боғлиқлигини таъминлаш механизмларини киритдик (3.3.1-расм).

Тадбиркорликда инновацион механизмнинг унсури сифатида кредит муҳим ўрин тутати. Лекин бу ерда у товарлар ва хизматлар ишлаб чиқариш жараёнини таъминлаб беришдагига нисбатан ўзгача аҳамият касб этади. Бошқача сўзлар билан ифодалаганда, туристик хизматлар ишлаб чиқариш жараёнларини кредитлаш билан туризмда инновацион жараёнларни кредитлаш ўртасида жиддий фарқлар мавжуд ва бу фарқлар тадбиркорлик субъектлари томонидан эътиборга олинмоғи лозим.

Туристик хизматлар ишлаб чиқариш билан боғлиқ эҳтиёжларни қондириш мақсадида жалб этилган кредит ресурслари қисқа муддатда истеъмолчиларга кўрсатилган хизматлар эвазига корхонанинг пул даромадига айланади ва улар ҳисобидан кредит бўйича барча сарф-харажатлар қопланади. Яъни туристик корхона хўжалик фаолиятига жалб этилган кредит пуллар ишлаб чиқарилган хизматлар ҳисобидан тўла қопланиш хусусиятига эга.

Бундан фарқли ўлароқ, туризмда инновацион жараёнларга жалб этилган кредит ресурсларининг қопланиши узоқ муддатга чўзилади.

Тадбиркор инновация учун кредит ресурсларни қисқа муддат ичида тайёр туристик маҳсулотга айлантириш ва сарфланган ресурсларни қоплаш имкониятига эга эмас. Айниқса, стратегик ва радикал инновациялардан ижобий натижа олиш объектив, яъни туристик корхонага унга боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра, узоқ муддатларга чўзилиб кетиш эҳтимоли жуда катта. Шу сабабли инновацияларни молиялаштириш билан боғлиқ кредитлар ўрта муддатли ёки узоқ муддатли бўлиши керак. Лекин банклар одатда қисқа муддатли кредитлашни афзал кўрадилар. Тадқиқот натижалари шундан далолат берадики, банкларнинг ўрта ва айниқса, узоқ муддатли кредитларни имкон қадар чеклашга бўлган табиий интилишлари ҳамда инновацияларни инвестициялашнинг ўзига хос хусусиятлари, айниқса, кредит ресурсларини қоплаш муддатларининг давомийлиги ўртасидаги зиддият туризм соҳасига четдан маблағларни жалб этишда жиддий муаммолар туғдиради.



3.3.1-расм. Таклиф этилган минтақавий инновацион марказнинг таркибий тузилиши, бошқариш тартиби ва ахборот таъминоти¹²²

¹²² Муаллиф тадқиқотлари асосида ишлаб чиқилган.

Туристик корхона масъул ходимлари ўртасида ўтказилган кузатиш ва суҳбатлар натижалари ҳам мазкур хулосанинг тўғрилигини кўрсатди.

Туризм соҳасида инновацион жараёнларни молиялаштиришнинг муҳим механизмларидан бири сифатида хўжалик субъектларининг ўз маблағлари хизмат қилиши мумкин. Одатда, хўжалик субъектларининг ўз маблағлари хизматлар ишлаб чиқариш жараёнига тўла жалб этилган бўлади. Шу сабабли инновацион жараёнларни молиялаштиришга ушбу маблағларни жалб этиш учун олдин уларни ишлатилаётган соҳадан озод этиш лозим бўлади. Бу жараён корхона фаолиятида жиддий муаммолар тугдириши мумкин.

Бизнингча, ҳозир Ўзбекистонда туризм соҳасида юзага келган вазиятда, хўжалик субъектлари ўз маблағларининг етишмаслиги муаммосини ҳал этишнинг самарали механизмларидан бири сифатида ўз маблағларини ташқи манбалар ҳисобидан микдор жиҳатидан ўстириш механизмидан фойдаланишлари мақсадга мувофиқ. Лекин айрим сабабларга кўра, инновацияларни инвестициялашнинг ушбу механизмидан амалиётда унумли фойдаланилмапти. Акциялар эмиссия қилиш ҳисобидан туризм соҳасидаги хўжалик субъектлари инвестицион салоҳиятини юксалтиришга тўсқинлик қилаётган асосий муаммоларни аниқлашга уриниб кўрдик ва қуйидаги натижаларга келдик. Биринчидан, бизнинг мамлакатимизда акциялар эмиссия қилиш ҳисобидан ўз капиталини кенгайтириш амалиёти тадбиркорларимиз онгида тўлиқ шаклланмаган. Улар одатда, акцияларни сотиш орқали мулкдорлар сонини кўпайтиришни унчалик хуш кўрмайдилар, корхона инвестицион салоҳиятини юксалтиришнинг бошқа имкониятларини излаб топишни афзал кўрадилар. Иккинчидан, акция чиқариш ва унга нисбатан талабни шакллантириш учун туристик корхона элу-юртга танилган, мустаҳкам мавқега эга бўлган, кўпчиликнинг ишончини қозонган, обрў-эътиборли ва қўп йиллик тажрибага эга бўлиши керак. Янги ташкил этилган, хали оёққа турмаган корхонанинг акциясига талабни шакллантириш, уни биржа орқали сотиш имкони мавжуд эмас.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, туризм соҳасида инновацион жараёнларни венчурли молиялаштиришни ривожлантиришни таклиф қиламиз.

Бозор иқтисодиётининг барча соҳаларида, жумладан, туризм соҳасида фаолият кўрсатаётган корхоналардан даромадларини кўпайтириш ва бозордаги улушларини сақлаб қолиш учун, улардан доимо инновацион лойиҳалар, технологиялар ва маҳсулотларни ўз фаолиятларига жорий этишни талаб этади. Ҳозирги кунда жамият ҳаётининг барча соҳаларини тубдан янгилашга қаратилган, мамлакатимиз рақобатбардошлигини ошириш мақсадида, инновацион ривожланиш йўлига ўтмоқдамиз. Шунинг учун ҳам, давлатимиз раҳбари томонидан илмий тадқиқот ва инновацион фаолиятни ривожлантириш, венчур бизнесини мамлакатимизга жорий қилиш, бунинг учун зарур молиявий ресурслар билан таъминлаш, инновацион ғояларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва уларни молиялаштириш билан боғлиқ барча вазифалар қўйилган.

Инновацион маҳсулотни яратиш учун юқори даражада капитал харажати керак, яқуний натижа эса, юқори даражадаги хатарлар ва ноаниқликка эга эканлигини эътиборга олишимиз керак. Шумуносабат билан ушбу корхоналар доимий равишда инновацион ғояларни амалга ошириш учун ички ва ташқи инвестицияларга эҳтиёж сезмоқдалар. Инновацион маҳсулотларни яратиш билан боғлиқ инвестиция лойиҳаларини амалга оширишнинг барча босқичларида молиявий қўллаб-қувватлаш омили энг муҳим таркибий қисм ҳисобланади¹²³.

Венчур бизнесини молиялаштиришда мамлакатимизда ҳали етарли даражада тажриба шаклланиши йўқ ва бунинг учун албатта иқтисодиёти ривожланган мамлакатлар тажрибасини ўрганиш мақсадга мувофиқдир. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 майдаги “Иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларига инновацияларни жорий этиш механизмларини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3698-сон Қарорининг қабул қилинганлиги мазкур йўналишдаги муҳим босқичлардан бири бўлиб ҳисобланади¹²⁴. Ушбу қарорда инновацион фаолиятни давлат томонидан тартибга солиш механизмларини тубдан такомиллаштириш, иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларига инновацияларни янада самарали жорий этиш учун шарт-шароитларни яратиш бўйича чора-тадбирлар белгилаб

¹²³ Предпосылки внедрения механизма венчурного финансирования в практику инвестиционного обеспечения предприятий Узбекистана. // <https://moluch.ru>

¹²⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-3698-сон “Иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларига инновацияларни жорий этиш механизмларини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори. 2018 йил 7 май. // <http://lex.uz>

берилган. Шу билан бирга, илмий тадқиқотлар билан ишлаб чиқариш тармоқлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорликнинг самарали механизмларини йўлга қўйишга, алоқаларни мустаҳкамлашга тўсиқ бўлаётган бир қатор муаммолар сақланиб қолаётганлиги таъкидланмоқда.

Президентимизнинг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармонида ҳам мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш жараёнларини тартибга солишда давлат иштирокини камайтириш, давлат бошқаруви тизимини марказлаштиришдан чиқариш ва демократлаштириш, давлат-хусусий шерикликни кенгайтириш, нодавлат, жамоат ташкилотлари ва жойлардаги ўз-ўзини бошқариш органларининг ролини ошириш борасида алоҳида тўхталиб, бу йўналишда бир қанча вазифалар белгилаб берилган¹²⁵. Бу мақсад ва вазифаларни амалга оширилишида, яъни инновацион соҳадаги кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини, шунингдек янги ғоялар, ишланмалар ва стартапларни хусусий ва бошқа нодавлат секторлари ҳисобидан молиялаштиришда венчурли инновацион молиялаштириш самарали ҳисобланади.

Мамлакатимиз иқтисодиёти учун янгилик бўлган “Венчурли инновацион молиялаштириш” – бу янги маҳсулот ёки хизматни бозорга чиқариш ва юқори фойда олиш мақсадида инновацион технологияга эга бўлган, янги яратилаётган корхонага юқори таваккалчилик остида инвестиция киритишдир. Инвестициялаш венчур механизми ёрдамида амалга оширилиб, инвестицияларнинг молиявий таъминланиши эса лойиҳанинг бўлажак манбалари ҳисобидан қопланади¹²⁶.

Йирик корхоналар ўзларининг илмий-тадқиқот натижаларини ёки инновацион ғояларини жорий қилишда турли хил молиявий манбаларига эга бўлса, кичик корхоналар ёки янги ташкил этилган корхоналар инновацион ғояларни амалга ошириш учун етарли даромад даражасига эга бўлмаганлиги, ижобий кредит тарихига эга бўлмаганлиги, гаровга қўйиладиган активларнинг етарли даражада бўлмаганлиги, бундай корхоналарнинг инновацион ғояларини

¹²⁵ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони. <https://lex.uz>

¹²⁶ Атамурадов Ш.А. Хорижий мамлакатларда венчурли инновацион лойиҳалаштириш моделлари. // Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар- илмий электрон журнали. – 2019. – № 2. март-апрель. – С.1-8.

молиялаштиришнинг ягона йўли венчурли молиялаштириш механизмидир.

Жаҳон амалиётида инновацион лойиҳаларни ва туристик корхоналарни молиялаштириш усули, ўз хусусиятларига ва инфратузилмасига эга бўлган венчур капитали бозори яратилган. Айнан венчур капитали ривожланган мамлакатларда инновацион лойиҳаларни молиялаш жараёнидаги, ички манбалар чегараланган вазиятда ва бошқа ташқи манбаларни қўллаш имконияти йўқлигида, илмий янгиликларни молиявий негизи бўлиб хизмат қилади. Венчурли инновацион лойиҳалаштириш инвестицияни юқори даромад келтирадиган соҳага киритиш ва инновацияларни жорий қилишнинг самарали механизми учун маблағ манбаи сифатида етарлича эътиборни ўзига тортади.

Венчур капиталининг келиб чиқиши ва илк ривожланиши 1950 йилда АҚШда бошланган бўлиб, бошқа давлатлардан 30 йилча аввал пайдо бўлган ва кейинчалик Европага тарқалиб кетган. Ушбу давлатлар венчурли молиялаштиришнинг афзалликларини кўриб, капиталларнинг асосий қисмини шу бизнесга йўналтира бошлайдилар¹²⁷. АҚШ ҳозиргача венчур капитали саноатида асосий етакчи ҳисобланиб келинмоқда.

Венчур капиталининг пайдо бўлишига асосий сабаб, иккинчи жаҳон урушидан кейин АҚШда юқори сармоя ва илмий салоҳият мавжуд бўлган. Уруш оқибатида жуда кўп кичик инновацион корхоналар ташкил топган, натижада, юқори тавакалчиликка эга бўлган ушбу инновацион корхоналарни тўғридан-тўғри инвестициялаш мақсадида, 1946 йилда венчур капитали ёрдамида молиялаштириш учун Америка Тадқиқот ва Ривожланиш (ингл. American Research and Development, ARD) фонди ташкил этилган. 1950 йилнинг ўрталарига келиб венчур капитали, ушбу, кичик инновацион корхоналарни молиялаштиришнинг асосий манбаига айланиб қолган.

Венчур капиталининг шиддат билан ривожланиши Силикон водийсида кузатилган бўлиб, 1957 йилда Инвестиция банки ходими Артур Рок Клейнер лойиҳасини, хусусан, янги хилдаги кремний транзисторини ишлаб чиқаришни молиялаш мақсадида, Уолл Стрит 1,5 млн. АҚШ долларини йиғиб берган ва инновацион гоя молиялаштирилиб амалиётга жорий қилинган. Шу тариқа Силикон

¹²⁷ Тимонина М. Венчурное предпринимательство как форма интенсификации инновационной деятельности // Общество и экономика. – 2009. – №. 7. – С. 127-135.

водийсида барча ярим ўтказгич компанияларининг етакчиси ҳисобланган “Fairchild Semiconductors”га асос солинган, сўнгра Intel ва Apple Computer компаниялари ташкил этилган¹²⁸. 1984 йилга келиб Артур Рокнинг номи муваффақият синонимига айланган ва у «венчур капитали» атамасини ишлатган биринчи шахс бўлиб ҳисобланган¹²⁹.

Компьютер бизнесининг ҳозирги гигантлари DEC, Apple Computers, Compaq, Solectron, Brookstone, Sun Microsystems, Microsoft, Lotus, Intel, GenenTech, Sports Authority, Au Bon Pain, Federal Express кўп жиҳатдан венчур капитали туфайли ҳозирги мавқеига эришган. Бунинг устига, шахсий компьютерлар ва биотехнология каби янги тармоқларнинг жадал ўсиши асосан венчур инвестициялари иштирокида рўй берган.

1958 йилда Конгресс, янги корхоналар учун активларнинг етишмовчилигини кўрсатган Федерал заҳира банкнинг 1957 йилдаги тадқиқотига жавобан, янги корхоналарни венчур капитали билан таъминлаш мақсадида Кичик бизнес бошқармаси (ингл. Small Business Administration, SBA) томонидан лицензияланган хусусий корпорациялар кичик бизнесни инвестициялаш Компанияси (ингл. Small Business Investment Company, SBIC)ни яратиш тўғрисида Фармон чиқарган. SBIC SBA кафолати остида ўзининг хусусий капиталини таъсир ўтказувчи восита сифатида фойдаланиши мумкин эди. Шу тарзда, SBA кафолати орқали фойдаланиш мумкин бўлган қўшимча фондлар хусусий инвестицияларнинг ҳажмларидан 2-3 барабар ошиб кетган.

1970 йилларда АКШ венчур капитали билан боғлиқ бир қатор ўзгаришларни амалга оширган. Янги қонунлар қабул қилинган ва солиқ тизимида ўзгаришлар жорий қилинган. Фойда солиғи камайтирилган ва пенсия ажратмаларининг хавфсизлиги таъминланган, натижада, пенсия жамғармалари маблағларининг бир қисмини (5 фоизи) венчурли капиталига йўналтирилган. Венчур капитали бозорида пенсия жамғармаси ҳисобидан инвестициянинг кўпайиши натижасида, лойиҳалар кўпайиб борган, лекин кейинчалик тажрибасиз инвесторларнинг кўпайиши

¹²⁸ Силикон водийси Америка Қўшма Штатларининг Массачусетс штатида жойлашган. Ахборот технологиялари ва шу соҳага оид фан ва технологияларнинг жадал ривожлантирилиши ва қисқа муддатда жуда катта ютуқларга эришганлиги билан машҳур (ред.). // <https://ziyouz.uz/>

¹²⁹ Гулькин П. «Международный опыт оформления венчурной деятельности», в сб. «Венчурное инвестирование в России. (Юридические аспекты)», РАВИ. – 2001.

оқибатида венчур капитали бозорида катта йўқотишлар вужудга келган. Агар пенсия жамғармалари тўғрисида конун қабул кинишидан олдин, АҚШда венчур капитали қўйилмалари бўйича ўртача даромадлилик даражаси 50 фоиздан ошган бўлса (1980 йилда), унда кўпгина тажрибасиз инвесторлар фаолияти оқибатида ушбу кўрсаткич 0 фоизга тушиб кетган (1984 йилда) ва 1990 йилгача ушбу кўрсаткич 15 фоиздан ошмаган¹³⁰. Буларнинг барчаси инвестиция сиёсатида ўзгартиришлар қилинишига олиб келди ва корхоналар аралаш молиялаштириш тизимига ўта бошлади. 1994-1998 йиллар оралиғида бошланғич капитали 1,8 млрд. АҚШ долларни ташкил қилган 138 та янги SBICлар лицензия олишган¹³¹. АҚШ кўп жиҳатдан менеджерларга акцияларнинг бир қисмини шахсий мулк сифатида ўтказиш ҳисобига компанияларда жавобгарлик масъулиятини ўз зиммасига олишга имкон берувчи кучли тадбиркорлик маданияти туфайли венчур капиталининг энг муваффақиятли саноатига айланган.

Европада венчур капитали 1980 йиллар охирида пайдо бўлган. Европа венчур капитали АҚШ венчур капитали каби инновацияларни жорий қилишда муҳим манба ҳисобланган. Европа венчур бизнеси кичик ва ўрта корхоналарни, айниқса уларни кенгайтиш босқичида ривожлантириш ва ҳақиқий қўллаб-қувватлашга йўналтирилган. Европа венчур бизнесининг инфраструктура ривожланиши асосий босқичлари кўп жиҳатдан АҚШ тажрибасини такрорлаган. 1983 йилда тўғридан-тўғри инвестициялаш ва Европа венчур капитали уюшмаси (EVCA)га асос солиниши венчур саноати вакиллари ва Европа комиссиясининг ўзаро биргаликдаги ташаббуси натижасида амалга ошган. Уюшма фаолияти Европада венчур бизнесини ривожлантириш учун қулай шароитларни яратишга қаратилган. Уюшманинг асосий стратегик вазифалари бўлиб, венчурли молиялаштирилишга институционал инвесторларни жалб қилиш, Европа тузилмаларидаги ўз аъзолари ва венчур саноатининг бошқа иштирокчилари манфаатларини ҳимоя қилиш, венчур капиталининг чиқиш механизмларини ишлаб чиқиш ҳисобланган.

¹³⁰ Шатин И.А. Эволюция рынка венчурного инвестирования в развитых экономиках (на примере Соединённых Штатов Америки). Вестник Челябинского государственного университета. – 2010. – № 27 (208). Экономика. Вып. 29. – С. 42–46.

¹³¹ Малкина М.Ю. Анализ особенностей взаимодействия государства и бизнеса в инновационном процессе. Экономический анализ: теория и практика. – М. – 2011. – № 14.

Осиёлик венчурли инвесторлар ўзларининг АҚШлик ҳамкасбларига нисбатан капитални етук компанияларга киритишга кўпроқ мойилдилар¹³².

Япония дунёда фан ва технологияларнинг ривожланиши бўйича АҚШдан кейинги иккинчи ўринда туради. 1980 йилларнинг ўрталаридан бошлаб Японияда венчур капитали ҳисобидан молиялаштирилган кичик инновацион фирмалар иқтисодий ривожланиш моделининг манбаига айланиб қолди. Уларнинг сони ушбу турдаги корхоналар умумий сонининг 99 фоизини ва мамлакат ялпи ички маҳсулотнинг 52 фоизини ташкил этди¹³³. Японияда венчур капиталининг энг йирик манбалари тўпланган: корпорациялар (46%), банклар (30%) ва суғурта компаниялари (10%). Кўпгина Япон венчур фондлари – катта корпорацияларнинг филиаллари ҳисобланади¹³⁴.

Тайванда 1970 йиллар ўрталарида, ушбу давлатнинг эътиборини асосий технология бозорларига қаратиш учун миллий лаборатория – Саноат технологияларини ўрганиш институти (ITRI)га асос солинган. Тайвань ҳукумати кўплаб ёш компаниялар учун менежерларга маблағлар ажратиб, уларни ишга ёллаган. Тайвань ҳукуматининг ёрдамига қўшимча ҳолда энг йирик Тайванлик компаниялар кўп йиллар мобайнида Тайвань корхоналарининг бошланғич молиялаштирилишини таъминлаган.

Жанубий Корея ҳукумати хорижий венчур капиталининг юқори технологияли янги компанияларни яратишдаги ролини тан олган. Шунга амал қилиб, Корея ҳукумати, давлат томонидан молиялаштирилган илмий-тадқиқот институтларининг ёрдамида ривожлантирилган технологияларни тижоратлаштиришга уриниб кўриш мақсадида 1974 йилдан 1984 йилгача бўлганда венчур капитали иштирокида илк тўртта фирмани ишга туширган.

Турли минтақа ва давлатларда инновацион венчурли молиялаштиришнинг ривожланиши, ушбу мамлакатларнинг ўсиш суръатининг ортишига олиб келади. Охирги йилларда дунё мамлакатларида инновацион венчур капитали бозори ривожланиши кузатилмоқда. Фикримизни янада аниқроқ ифодалаш учун қуйида дунёнинг етакчи давлатларнинг венчурли молиялаштириш ҳажмини таҳлил қилмоқчимиз.

¹³² Атамурадов Ш.А. Хорижий мамлакатларда венчурли инновацион лойиҳалаштириш моделлари. "Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар" илмий электрон журнали. – 2019. – № 2, март-апрель.

¹³³ Спицын А. Ориентиры экономического роста // Экономист. – 2004. – 10. – С. 35-41.

¹³⁴ Горенбургов М. А., Колесникова Ю. Ю., Крутик А. Б. Организация венчурного предпринимательства в туризме. // Проблемы современной экономики. – 2013. – №. 2 (46).

Глобал венчур капитал саноатида 2018 йил кўп жихатдан муҳим йил бўлди. Жаҳон венчур капитали бозори ривожланишининг асосий тенденциялари қуйидагилар:

- “супер-турлар” ва турларнинг 100 млн. АҚШ доллари ёки ундан кўпроқ миқдорга молиялаштирилиши (биринчи ўринда Шимолий Америка -188 супер-турда, иккинчи ўринда Осиё - 162 турда, учинчи ўринда Европа – 26 турда);¹³⁵

- “супер-турлар” ни жалб қилишда маблағлар ҳажмининг ошиши;

- венчур капитали бозорида рақобатнинг кучайиши;

- технологик IPO (Initial Public Offering-қимматли қоғозларнинг бирламчи жойлашуви)ларнинг кўпайиши (2016 йилда АҚШ бозорида венчур инвесторлари иштирокидаги IPO технологик компаниялар сони 13 та бўлган, 2018 йилда эса уларнинг сони 30 дан ошди);¹³⁶

- ривожланишнинг охириги босқичларида венчур лойиҳаларини молиялаштириш ҳажмини ошириш.

Венчури молиялаштириш ҳажми ривожланган давлатлар кесимида 3.3.1-жадвалда келтирилган.

3.3.1-жадвал

2017-2018 йилларда жаҳон етакчи давлатларида венчури молиялаштириш ҳажми, млрд. АҚШ доллари¹³⁷

Давлатлар	Инвестициялар ҳажми, млрд. АҚШ доллари			Битимлар сони, дон		
	2017 йил	2018 йил	Ўсиш суръати (+,-)	2017 йил	2018 йил	Ўсиш суръати (+,-)
АҚШ, жумладан:	76,4	99,5	+ 30,2 %	5824	5536	- 5,2%
Силикон водийси	13	18	+ 27,78%	682	645	- 5,4%
Сан-Франциско	18	28	+ 55,56%	1120	1088	+ 2,8%
Нью-Йорк	12	13	+ 8,3%	841	735	- 12,6%
Англия	8	11	+ 3,75%	526	536	+ 1,9%
Европа	18	21	+ 16,6 %	2871	2745	- 4,3 %
Осиё	73	81	+ 10,96%	3569	5066	+41,94%

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, АҚШ венчури молиялаштириш ҳажми бўйича етакчилик қилиб келмоқда. Агар


¹³⁵ По данным отчета PWC и CB Insights Money Tree за 4 квартал 2018 года. // <https://www.cbinsights.com>

¹³⁶ <https://news.crunchbase.com/news/q4-2018-closes-out-a-record-year-for-the-global-vc-market/>

¹³⁷ Муаллиф тадқиқотлари асосида ишлаб чиқилган.

2017 йилда АҚШда венчурли капитал бўйича 76,4 млрд. АҚШ долларини ташкил этган бўлса, 2018 йилда ушбу кўрсаткич 99,5 млрд. АҚШ долларини ташкил этган, бу эса, 2017 йилга нисбатан 30,2 фоизга юқори молиялаштирганини кўрсатиб бермоқда. Осиёда ҳам венчурли молиялаштириш ҳажми юқори кўрсаткичларга эга бўлиб, 2017 йилда 73 млрд. АҚШ долларини, 2018 йилда эса 81 млрд. АҚШ долларини ташкил этган. Ушбу кўрсаткич 2017 йилга нисбатан 10,96 фоизга ошганини кўрсатиб бермоқда¹³⁸.

Венчурли молиялаштириш инновацион лойиҳаларни узоқ муддатга 5-7 йилга молиялаштирадиган, таваккалчилиги юқори бўлган янги ташкил этилган ёки фаолият кўрсатаётган кичик корхоналарини кенгайтириш ёки модернизациялаш манбаидир¹³⁹. Венчурли фондларни ташкил этишда молиялаштириш манбалари турли хил бўлиб, уларга пенсия жамғармасини, суғурта компанияларини, халқаро ташкилотларини ва хусусий инвесторларни келтириш мумкин (3.3.2-расм).



3.3.2-расм. Венчур фонди маблағларини ташкил этиш ва тақсимлаш¹⁴⁰

¹³⁸ Устойчивое развитие экономики: международные и национальные аспекты: электронный сборник статей III Международной научно-практической online-конференции, Новополюцк, 18–19 апреля 2019 г. / Полоцкий государственный университет. – Новополюцк, 2019.

¹³⁹ Ягудин С.Ю. Венчурное предпринимательство. Франчайзинг. – СПб.: Питер, 2011. – С. 19.

¹⁴⁰ Муаллиф тадқиқотлари асосида ишлаб чиқилган.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, венчурли фондлар ўз инвестицияларини компанияга ривожланишнинг турли босқичларида йўналтиради. Анъанавий равишда компания ривожланишнинг куйидаги турлари мавжуд: Seed (уруғни экиш), Start up (янги пайдо бўлган корхона), Early stage (янги ривожланиш босқич), Expansion (кенгайтиш босқичи), Bridge financing (кўприкни куриш), Management Buy-Out (менежерлар томонида қайтариб олиш), Management Buy-In (ташқи менежерлар томонидан сотиб олиш), Turnaround (тўнтариш), Replacement Capital (аралаш капитал).

Венчурли фондларни молиялаштириш жараёнининг асосий босқичлари 3.3.3-расмда келтирилган. Фонд фаолиятининг биринчи босқичи инвесторларнинг маблағларини тўплашдир. Кейин венчурли инвесторнинг молиявий муваффақиятининг энг муҳим шарти бўлган, лойиҳаларни танлаш, саралаш ва баҳолаш босқичи бошланади. “III-III-III-I” қондаси венчур молиялаштиришга хос бўлганлиги сабабли (инвестиция қилинган ўнта компаниянинг учтаси муваффақиятсиз, учтаси ўртача даромад келтиради, учтаси юкори даромадли, биттаси жуда фойдали), барча компанияларни танлашда пухта ёндашиш зарур. Чунки, улардан қайси бири технология бозорининг потенциал “юлдузи” эканлиги ва етакчига айланиш истикболлари борлиги олдиндан аниқ эмас¹⁴¹.


Ҳозирги кунда мамлакатимизда венчурли молиялаштириш тартибини белгилаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 17 майда 414-сон Қарори қабул қилинди. Бугунги кунда 2 та Инвестиция компанияси: Венчур Капитал Инвест ва Ўзбек-Амирлик инвестиция компанияси ташкил этилди. Инновацион лойиҳаларни амалга оширишга йўналтирилган умумий қиймати 113,42 млрд. Сўм микдорида инвестиция лойиҳалари ўзлаштиришга эришилди. Шундан 77,0 млрд. сўм ички инвестициялар, 1,8 млрд. сўм тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва 34,62 млрд. сўм техник кўмак ҳисобига амалга оширилган. Ушбу инвестицияларнинг салмоқли қисми соғлиқни сақлашга 42 фоиз (47,1 млрд. сўм), таълим соҳасига 30 фоиз

¹⁴¹ Каширин А.И., Семенов А.С. Венчурное инвестирование в России. – М.: Вершина, 2007. – С. 55.

(33,7 млрд. сўм) ва саноатга 26 фоиз (29,2 млрд. сўм) йўналтирилган¹⁴².

Халқаро тажрибада венчурли бизнесда дастлабки босқичларданоқ юқори таваккалчилик хатари мавжуд бўлиб, инвестициялаштирилган жараёнларнинг якуний натижалари амалга оширилгандан кейин ижобий самарага эришилмаса молиялаштирилган маблағдан ажралиб қолиш мумкин. Бизнеснинг бу турига илм-фан соҳасидаги илмий-тадқиқот натижаларини молиялаштириш кўпроқ мос келади.

Венчур фондини янги ишланмаларга маблағ киритишга тайёр турган ягона инвестор деб айтиш мумкин. Бундай кўринишдаги кредит маблағларига эҳтиёж асосан энди иш бошлаётган тадбиркор, олим, тадқиқотчи, инженер ва кашфиётчиларда юзага келиб, улар ўзига хос, инновацион ғояларни ва истикболли ишланмаларни мустақил равишда амалга оширишни мақсад қилиб қўйишади.



3.3.3-расм. Венчурли молиялаштириш босқичининг кетма-кетлиги¹⁴³

Яқуни ноаниқ бўлган, лойиҳа учун тижорат банкларининг кредит ва қарз маблағларини олиш албатта, қийин. Мана шундай бир ҳолатда тадбиркорга ёрдамчи ва ҳомий сифатида венчурли

¹⁴² Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигининг 2019 йилнинг биринчи ярим йиллигида амалга оширган ишлар юзасидан ҳисоботи.

¹⁴³ Муаллиф тадқиқотлари асосида ишлаб чиқилган.

бизнес инвесторлари кириб келишади. Иқтисодий нуқтаи назардан, инвесторларнинг асосий мақсади тадбиркорга ёрдам бериш эмас, балки юқори фойда олиш бўлиб ҳисобланади. Аммо, ихтиро ўзини оқламаган ҳолатлар ҳам кузатилади. Шу сабабли яқуний натижасида мавҳумийлик даражаси жуда юқори бўлган, лекин даромад олиш мақсадида ташкил этиладиган венчур бизнесининг туризмга кириб келишини тармоққа инвестицион асосда ривожлантиришнинг муҳим стратегик йўналишларидан бири деб ҳисоблаймиз.

Ўзбекистонда 2017-2021 йилларга мўлжалланган мамлакатни янада ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари ва ундан келиб чиқадиган вазифалар доирасида туризмни жадал ривожлантириш, уни миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоғига айлантириш устун стратегик вазифа сифатида белгиланган. Бу борада бир қатор муҳим тадбирлар амалга оширилган. Ушбу стратегик вазифани бажаришда инвестицион ресурслар танқислиги ва бу ўта долзарб муаммони ҳал этишнинг асосий йўли инвестицион ресурслардан интенсив фойдаланиш эканлиги аниқланди. Тармоқнинг инвестицион ресурсларга бўлган эҳтиёжларини қондиришда ушбу нодир ресурслардан инновацион фойдаланиш муаммоси тобора актуаллашиб бормоқда.

Туризм қисқа тарихий давр мобайнида жаҳон ҳўжалигининг етакчи тармоқларидан бирига айланди ва у ялпи ички маҳсулотни шакллантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, даромадларини ошириш ва турмуш фаровонлигини юксалтиришда муносиб ҳисса қўшишни бошлади. Ўзбекистон ҳам улкан туристик салоҳиятга эга бўлиб, мамлакатда кенг қўламли иқтисодий ислохотлар доирасида кўзда тутилган борқарор иқтисодий ўсишда салмоқли ҳисса қўшиши мумкин. Мамлакатимизнинг туризм соҳасидаги салоҳиятини рўёбга чиқариш ва уни миллий иқтисодиёт ўсишининг асосий манбаларидан бирига айлантиришда асосий ролни инвестициялар ўйнайди. Лекин “инвестиция” тушунчасига таъриф беришда иқтисодчи-олимларда яқдиллик йўқ, уларнинг айримлари инвестицияларнинг сарф-харажатлар жиҳатини ёритишга кучли эътибор қаратган бўлса, бошқалари уларни ресурс манбалари сифатида қарайди. Бу ҳолат инвестициялардан фойдаланиш самарадорлигини оширишга салбий таъсир кўрсатади. Ушбу муаммонинг ечими сифатида инвестицион фаолиятнинг барча қирраларини ўзида акс эттирувчи яхлит жараён сифатида қараш лозим.

Туризмда инвестицион фаолиятнинг иқтисодий механизмини туристик хизмат ишлаб чиқарувчилари, бошқа инвесторларнинг туристик объектларга капитал қўйилмаларни амалга оширишга рағбатлантириш мақсадида қўлланиладиган ҳамда уларнинг манфаатларига таъсир кўрсатувчи усул ва воситалар мажмуи сифатида қараш мумкин. Булар таркибига нарх, солиқ, кредит,

молия, рақобат, талаб, таклиф кабиларни киритиш мақсадга мувофиқ.

Инвестицион ресурслар таҳлилининг тўлақонли ва барча яширин заҳираларни аниқлаш имконини берувчи, уларнинг натижаларидан илмий асосланган хулоса ва таклифлар ишлаб чиқариш талабларига жавоб берадиган бўлиши учун иқтисодий таҳлил 2 даражада: макродаражада, яъни, бутун мамлакат миқёсида инвестицион ресурсларнинг самарадорлиги ва микродаражада, яъни хўжалик юритувчи субъектлар кесимида амалга оширилиши мақсадга мувофиқ.

Бугнги кунда тармоқда инвестицион ресурслардан фойдаланиш самарадорлиги паст, уларни йўналишлар ва минтақалар бўйича тақсимлашда жиддий камчиликлар мавжуд. Инвестицион ресурслардан фойдаланиш самарадорлиги кучли таъсир кўрсатган омиллар қаторида тармоққа йўналтирилган ялпи инвестициялар таркибида бюджет маблағлари улушининг камлиги, кредитларга фоииз ставкаларининг юқорилиги, туризмни ривожлантириш борасидаги давлат сиёсатининг номукамаллиги, малакали ишчи кучининг етишмаслиги кабиларни кўрсатиш мумкин.

Технологик жараёнларни такомиллаштириш, янги техникани жорий этиш, инсон капиталини ривожлантириш, янги хизмат турларини йўлга қўйиш, маркетинг ва менежментни замонавий асосда ташкил этиш каби инновацион йўналишларга йўналтирилган инвестициялар анъанавий инвестицияларга нисбатан юқорироқ самара беради.

Инновацион инвестицияларга инвесторларнинг қизиқиши пастлигининг асосий сабаблари риск даражасининг юқорилиги ҳамда инновацион лойиҳалар қийматининг анъанавий инвестицион лойиҳаларга нисбатан анча баландлиги билан изоҳланади. Туризмда банд бўлган кадрлар салоҳиятининг миқдор ва сифат кўрсаткичлари соҳага жалб этилган инвестицион ресурслар самарадорлигини оширишга кучли таъсир кўрсатиши тўғрисида муҳим хулоса чиқарилди. Туризм хизматлари соҳаси кишилиқ жамияти хўжалик фаолиятининг энг сермехнат соҳаси эканлиги ва бунинг натижасида соҳа хўжалик субъектлари фаолиятига жалб этилган барча ресурслар таркибида мехнат ресурсларининг салмоғи юқорилигини таъминлайди.

Тадқиқот натаижаларидан умумий хулоса шундан иборатки, Ўзбекистонда туризмни тез суръатлар билан ривожлантириш

муаммосини ҳал этишда инновацион омил имкониятларидан унумли фойдаланиш керак. Уни туризм соҳасининг инвестицион ресурсларга тобора ўсиб бораётган эҳтиёж ва талабларини қондиришнинг асосий манбаига айлантириш – давр талаби.

ҲОИДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎХАТИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2019. – 80 б.
2. Ўзбекистон Республикаси ЎРҚ-598-сон “Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида”ги Қонуни. 2019 йил 25 декабрь. – Т.: 2019. // <https://lex.uz>
3. Ўзбекистон Республикасининг ЎРҚ-537-сон “Давлат-хусусий шериклик тўғрисида”ги Қонуни. 2019 йил 10 май. – Т.: 2019. // <https://lex.uz>
4. Ўзбекистон Республикасининг ЎРҚ-549-сон “Туризм тўғрисида”ги Қонуни. 2019 йил 18 июль. – Т.: 2019. // <https://lex.uz>
5. Ўзбекистон Республикасининг ЎРҚ-630-сон “Инновацион фаолият тўғрисида”ги Қонуни. 2020 йил 24 июль. – Т.: 2020. // <https://lex.uz>
6. Абдурахмонов К.Х. Менеджмент туризма. Учебное пособие. – Т.: Филиал ФГБОУ ВПО “РЭУ им. Г.В.Плеханова” в г.Ташкенте, 2013. – 248 с.
7. Абиев Ж.Н. Миллий иқтисодиётда туризм тармоғини ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. – Самарқанд, 2019. – 59 б.
8. Абдурахмонов И.Ю. Инновация – барча соҳа учун бирдек зарур. / “Хуррият” газетаси, 2019 йил 23 декабрь.
9. Абдуллаева Ф.С. Туризм соҳасига оид аббревиатураларни ўқитишда ностандарт тестлардан фойдаланиш. «Жаҳон иқтисодиёти глобализацияси шароитида туризм индустрияси ривожланишининг устувор йўналишлари» мавзусидаги халқаро илмий-амалий анжуман материаллари. Т., 2019 йил, 10 октябрь. Б. 320-325.
10. Абульян Ю.И. Особенности инноваций в туризме // Экономика. Право. Печать. Вестн. КСЭИ. – 2013. – № 3. – С. 241-250.
11. Алимова М.Т. Худудий туризм бозорининг ривожланиш хусусиятлари ва тенденциялари (Самарқанд вилояти мисолида). Докторлик диссертацияси автореферати. – Самарқанд, 2017. – 95 б.
12. Алимова М.Т. Худудий туризм бозорининг ривожланиш хусусиятлари ва тенденциялари. // Монография. – Т.: Иқтисодиёт, 2015. – 300 б.

13. Асланова Д.Х. Роль инноваций и их значение в инвестициях на рынке туристских услуг в Узбекистане / Д.Х.Асланова, Б.Ш.Сафаров, А.Хайруллаев // Экономика и бизнес: теория и практика. – 2016. – №3. – С. 18-22.

14. Асланова Д.Х. Ўзбекистонда таълим туризмини ривожлантиришнинг назарий асослари. «Хизмат кўрсатиш соҳасининг инновацион ривожланишини таъминлаш муаммолари» мавзусидаги республика илмий-амалий анжуман материаллари. СамЙСИ 2012 йил, 25-27 апрель.

15. Асланова Д.Х., Сафаров Б.Ш., Хайруллаев А. Роль инноваций, и их значение в инвестициях на рынке туристских услуг в Узбекистане. // <https://economyandbusiness.ru>

16. Атамурадов Ш.А. Хорижий мамлакатларда венчурли инновацион лойиҳалаштириш моделлари. // Иқтисодий ва инновацион технологиялар илмий электрон журналари. – 2019. – № 2. март-апрель. – Б.1-8.

17. Балабанов И.Т., Балабанов А.И. Экономика туризма. – М.: Финансы и статистика, 2007. – 176 с.

18. Баранчеев В.П. Управление инновациями: учебник для бакалавров: для студентов высших учебных заведений, обучающихся по экономическим направлениям и специальностям / В.П.Баранчеев, Н.П. Масленникова, В.М.Мишин. - 2-е изд., перераб. и доп. – М.: Юрайт, 2012. – 710 с.

19. Биржаков М.Б. Введение в туризм. – М-СПб.: «Издательский Дом ГЕРДА», 2014. – 544 с.

20. Боголюбов В.С. Экономика туризма: учебник для студентов учреждений высшего профессионального образования, обучающихся по направлению “Туризм” / В.С.Боголюбов, В.П.Орловская. - 4-е изд., перераб. и доп. – М.: Академия, 2013. – 190 с.

21. Боголюбов В.С., Орловская В.П. Экономика туризма. – М.: Академия, 2013. – 192 с.

22. Болтабоев М.Р “Туризм назария ва амалиёт” фанидан электрон дарслик яратиш технологияси: услубий қўлланма. – Сам.: СамЙСИ, 2016. – 96 б.

23. Болтабоев М.Р., Тухлиев И.С., Сафаров.Ш., Абдухамидов С.А. Туризм: назария ва амалиёт. – Т.: Фан ва технология, 2018. – 400 б.

24. Быстров С.А., Воронцова М.Г. Туризм: макроэкономика и микроэкономика. – СПб.: «Издательский дом Герда», 2008. – 464 с.
25. Булатов А.С. Воздействие экспорта и импорта капитала на валовое накопление в Российской Федерации // Деньги и кредит. – 2011. – № 9. – С. 3-8.
26. Вахабов А.В., Хажибакиев Ш.Х., Муминов Н.Г. Хорижий инвестициялар. Ўқув қўлланма / проф. А.В.Вахабовнинг умумий тахрири остида. – Т.: Молия, 2010. – 328 б.
27. Гитман Л. Дж., Джонк М.Д. Инвестициялар асослари. – М.: ИНФРА-М, 2003. – 1008 б.
28. Голышева Е.В. Совершенствование организации и механизма регулирования развития туризма в рыночных условиях: Дис... канд. экон. наук. – Т.: ТашГЭУ, 2011. – 170 с.
29. Голубев А.А. Экономика и управление инновационной деятельностью. Учеб. пособие. – СПб.: НИУ ИТМО, 2012. – 119 с.
30. Горенбургов М. А., Колесникова Ю. Ю., Крутик А. Б. Организация венчурного предпринимательства в туризме. // Проблемы современной экономики. – 2013. – №. 2 (46).
31. Гребенников, А.И. Леусский. – 10-е изд., перераб. и доп. – М.: Юрайт, 2014. – 684 с.
32. Дерюгин И.А., Звягинцев А.А. Привлечение иностранных инвестиций как фактор инновационного развития КНР. // <https://web.economica.cosnauka.ru>
33. Дудь А.П. Инновации в туризме / А.П.Дудь // Научный вестник МТИИТ. – 2011. – № 4. – С. 15.
34. Евдовицкий Д.А., Бабушкин В.А., Батурин Н.А. Анализ инвестиционной привлекательности организации: учебник. – М.: КНОРУС, 2017. – 374 с.
35. Енджейчик И. Современный туристский бизнес. – М.: Финансы и статистика, 2003. – С. 10-11.
36. Зайналов Ж.Р. Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришда инновациянинг аҳамияти. // Хизмат кўрсатиш соҳаси тармоқларини ривожлантириш истиқболлари. Республика илмий-амалий анжумани. – СамИСИ, 2015. – Б. 229-231.
37. Зайналов Ж.Р., Алиева С.С. Проблемы укрепления и управления финансами туристических предприятий. // Biznes - Эксперт. – 2019. – №8. – С. 101-106.
38. Зайцева Н.А. Менеджмент в социально-культурном сервисе и туризме: Учебник. – М.: Академия, 2003. – 224 с.

39. Зорин И.В. Теоретические основы профессионального туристского образования: монография. – М.: Сов.спорт, 2001. – 264 с.
40. Зорин И.В., Каверина Т.П., Квартальнов В.А. Туризм как вид деятельности // Учебник. – М.: Финансы и статистика, 2005. – 288 с.
41. Зорин И.В., Квартальнов В.А. Энциклопедия туризма: справочник. – М.: Финансы и статистика, 2014. – 368 с.
42. Зубченко Л.А. Иностранные инвестиции: учеб. пособие. – М.: КНИГОДЕЛ, 2006. – С. 7.
43. Ибадуллаев Н.Э. Туристик ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш имкониятлари. И.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферат. – Самарқанд, 2010, – 25 б.
44. Игошина Л.Л. Инвестиции. Учеб. пос. – М.: Экономист, 2005. – 478 с.
45. Каримов И.А. Она юртимиз бахту икболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир. – Т.: Ўзбекистон, 2015. – 304 б.
46. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришини оstonасида. – Т.: Ўзбекистон, 2011. – 439 б.
47. Карпова Г.А., Хорева Л.В. Экономика и управление туристской деятельностью: учебное пособие в 2-х частях. Ч.1. – СПб.: Изд-во СПбГУЭФ, 2011. – 268 с.
48. Каширин А.И., Семенов А.С. Венчурное инвестирование в России. – М.: Вершина, 2007.
49. Квартальнов, В.А. Туризм: учебник для образ, учреждений турист. профиля / В.А. Квартальнов. – М.: Финансы и статистика, 2003. – 320 с.
50. Квартальнов В.А. Стратегический менеджмент в туризме – М.: Финансы статистика, 2000. – 496 с.
51. Кейнс Дж.М. Общая теория занятости, процента и денег. – М.: Геднос, 2002. – 422 с.
52. Кириченко А.В. Инвестиционная привлекательность туристических стартапов на современном этапе / А.В. Кириченко, Е.А. Балашова // Наука и человек: гуманитарные исследования. – 2016. – №2 – С. 190.

53. Козлов К., Соколов Д.Г., Юдаева К.В. Инновационная активность российских фирм. // Экономический журнал. Высшей школы экономики. - 2004, №3. - С. 405.

54. Колмыкова Т.С. Инвестиционный анализ: учеб. пособие. - М.: ИНФРА-М, 2009. - С. 7.

55. Копачева Е.И. Управление финансовой устойчивостью для обеспечения эффективной деятельности туристских предприятий: Дис...канд.экон. наук. - Симферополь, 2011. - 178 с.

56. Лейпер Н. Новые подходы к туризму [Текст] / Н. Лейпер. - М.: Классика, 1990. - 124 с.

57. Макконнелл К.Р., Брю С.Л. Экономикс: принципы, проблемы и политика: учебник / К.Р. Макконнелл, С.Л. Брю, Ш.М. Флинн; пер. с англ. - 19-е изд. - Москва: Инфра-М, 2018. - 1028 с.

58. Малкина М.Ю. Анализ особенностей взаимодействия государства и бизнеса в инновационном процессе. Экономический анализ: теория и практика. - М. - 2011. - №14.

59. Мартенс А.В. Инвестиции. - Киев, 2002. - 265 с.

60. Минаков А.В. Роль иностранного инвестирования в активизации инновационной деятельности в условиях неопределённости. // <https://naukarus.com>

61. Мирзаев А.Т. Ўзбек худудларида туристик-рекреация объектларида самарали фойдаланиш механизмини такомиллаштириш. И. ф. бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. - Самарқанд: СамИСИ, 2019 й. - 57 б.

62. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. // Халқ сўзи, 2020 йил 25 январь, № 19 (7521).

63. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатаси аъзоларига 2018 йилда амалга оширилган асосий ишлар якуни ва Ўзбекистон Республикасини 2019 йилда ижтимоий ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг устувор йўналишларига бағишланган Мурожаатномаси. // Зарафшон, 2018 йил 28 декабрь. <https://uza.uz>

64. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш-юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. Ўзбекистон Республикаси конституцияси

қабул қилинганлигининг 24 йиллигида бағишланган тантанали маросимидаги маъруза. – Т.: Ўзбекистон, 2017.

65. Мирзиёев Ш.М. Демократик ислохотларни чуқурлаштириш, барқарор ривожланишни таъминлаш – халқимиз учун муносиб ҳаёт даражасини яратишнинг кафолатидир. Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон либерал-демократик партиясининг VIII съездидаги маъруза. 2016 йил 19 октябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев асарлари тўплами. I-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2017. – 592 б.

66. Мухаммедов М.М. ва бошқ. Хизмат кўрсатиш соҳаси ва туризмни ривожлантиришнинг назарий асослари. Монография. – Сам.: Зарафшон, – 2017. – 300 б.

67. Мухаммедов М.М. Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш – устувор масала. // Ж. Сервис, – 2016, № 1. – Б. 47-56.

68. Мухаммедов М.М. ва бошқ. Туризм соҳасида бозор муносабатларининг шаклланиши ва унинг тармоқ самарадорлиги кўрсаткичларига таъсири. // Сервис ва туризм: Бошқариш ва ривожлантириш муаммолари. Халқаро илмий-амалий анжуман материаллари. Самарқанд, 2007, 4-7 сентябрь.

69. Нешиной А. С. Инвестиции: Учебник. — 5-е изд., перераб. и испр. – М.: Дашков и Ко, 2007. – 372 с.

70. Огай Т. Инносранные инвестиции в развитии туризма. Т.: 2013. // <https://knowledge.allbest.ru>

71. Оголева Л.Н. Инновационный менеджмент. - М., 2003. – 235 с.

72. Ожегов С.И. Толковый словарь русского языка. – М.: Мир и Образование, Оникс. 2011. – 736 с.

73. Пардаев М.Қ. ва бошқ. Хизмат кўрсатиш, сервис ва туризм соҳаларини ривожлантириш: муаммолар ва уларнинг ечимлари. Монография. – Т.: Иқтисодиёт-молия, 2008. – 260 б.

74. Пардаев М.Қ., Атабаев Р. Туристтик ресурсларни таҳлил қилиш ва баҳолаш. Маърузалар курси. – Сам.: СамИСИ, – 2006. – 156 б.

75. Подшиваленко и др. Инвестиции: учеб.пос. – 3-е изд. – М.: КНОРУС, 2006. – 200 с.

76. Портер М.Ю. Конкурентная стратегия: Методика анализа отраслей и конкурентов / Портер М.Ю., - 6-е изд. - М.: Альпина Пабл., 2016. – 453 с.

77. Путрик Ю.С. История туризма: Учебник. – М.: Федеральное агентство по туризму, 2014. – 256 с.

78. Рахмонов Р.Т. Инвестиции как ресурс обеспечения инновационной деятельности в регионе: Дис...канд.экон.наук. – Владимир, 2011. 172 с.

79. Самуэльсон П.А. Экономика: пер. с англ. – М.: БИНОМ, 1997. – 80 с.

80. Сафаров Б.Ш. “Миллий туристик хизматлар бозорини инновацион ривожлантиришнинг методологик-услугий асосларини такомиллаштириш” номли диссертацияси автореферати. – Самарқанд, 2017. – 78 б.

81. Сенин В.С. Организация международного туризма. – М.: Финансы и статистика, 2004. – 379 с.

82. Солиев А.С., Усмонов М.Р. Туризм географияси. – Самарқанд, СамДУ, 2005. – 131 б.

83. Староверова Г.С., Медведов А.Ю., Сорокина И.В. Экономическая оценка инвестиций: учебное пособие. – М.: КНОРУС, 2006. – 312 с.

84. Спицын А. Ориентиры экономического роста // Экономист. – 2004. – 10. – С. 35-41.

85. Тарасевич Л.С. Макроэкономика: учебник и практикум для академического бакалавриата / Л.С.Тарасевич, П.И.Гребенников, А.И.Леусский. - 10-е изд., пер. и доп. – М.: Юрайт, 2014. – 684 с.

86. Тимонина М. Венчурное предпринимательство как форма интенсификации инновационной деятельности. //Общество и экономика. – 2009. – №. 7. – С. 127-135.

87. Ткаченко И.Ю. Инвестиции: учеб. пособие. – М.: Академия, 2009. – 240 с.

88. Тухлиев Н.Т., Абдуллаева Т. Менежмент и организация бизнеса в туризме Узбекистана. – Т.: ГНИ “O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi”, 2006. – 368 с.

89. Тухлиев И.С. Туризм: назария ва амалиёт. – Т.: Фан ва технологиялар, 2018. – 400 б.

90. Тухлиев И.С. Туризм асослари. Дарслик. – Т.: Фан ва технологиялар, 2014. – 332 б.

91. Фатхутдинов Р. А. Инновационный менеджмент: Учебник для вузов. 6-е изд. – СПб.: Питер, 2011. – 448 с.

92. Халилов С.Ш. Туристик хизматлар экспортини диверсификация қилишнинг концептуал йўналишлари. Иқтисодиёт

фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. – Самарқанд, 2020. – 50 б.

93. Хайдаров Н.Х. Иқтисодий эркинлаштириш шароитида корхоналар инвестицион фаолиятидаги молия-солик муносабатларини такомиллаштириш масалалари. И.ф.д илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. Т.: 2003. – 29 б.

94. Ходиев Б.Ю., Шодмонов Ш.Ш. Иқтисодий назарияси. Дарслик. – Т.: Баркамол фойз медиа, 2017. 783 б.

95. Чудновский А.Д. Управление индустрией туризма России в современных условиях: учеб.пособ. – М.: КНОРУС, 2007. – 416 с.

96. Шарп У. Инвестиции.: инглизчадан тарж. – М.: Инфра-М, 2018. 1028 б.

97. Шатин И.А. Эволюция рынка венчурного инвестирования в развитых экономиках (на примере Соединённых Штатов Америки). Вестник Челябинского государственного университета. – 2010. – № 27 (208). Экономика. Вып. 29. – С. 42-46.

98. Шумпетер Й.А. История экономического анализа, в 3 т. – СПб.: Экономическая школа, 2004. – 496 с.

99. Эклунд К. Эффективная экономика: шведская модель. – М.: Экономика, 1991. – 350 с.

100. Эрғашев И.И. Хизмат кўрсатиш соҳасида инновацион-инвестицион жараёнларни ривожлантириш ва самарадорлигини ошириш. Иқтисодий фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. - Самарқанд, 2018. – 52 б.

101. Эрғашев Р.Х. Хизмат кўрсатиш корхоналари фаолияти самарадорлигини ошириш йўллари. // “Инновацион ривожланиш асосида миллий иқтисодий модернизациялаш: муаммолари, ечимлари ва истиқболлари”. – Қарши: РИАА., 2015 – Б. 259-261.

102. Ягудин С.Ю. Венчурное предпринимательство. Франчайзинг. – СПб.: Питер, 2011. – 256.

103. Яковлев Г.А. Экономика и статистика туризма. Учебное пособие. 3-е изд. перераб. и доп. – М.:Изд-во РДП, 2015. – 376.

104. Ғозибеков Д.Ғ. Инвестицияларни молиялаштириш масалалари. – Т.: Молия, 2003. – 332 б.

105. Ғуломов С.С., Очилов И.С., Ганиходжаев С.О. Ўзбекистон иқтисодийнинг ўсиш ва барқарор ривожланиш омиллари. Билимга таянган инновацион иқтисодий. – Т.: Фан ва технология, 2016. – 136 б.

106. Хайитбоев Р., Амриддинова Р. Туризмда маркетинг тадқиқотлари. – Сам.: СамИСи, 2010. – 64 б.

107. Banerjee O. et al. An integrated model for evaluating investments in cultural heritage tourism in the Dominican Republic. // *Tourism Economics*. – 2017. – Т. 23. – №. 8. – С. 1568-1580.

108. Christopher J.H., *The Business of Tourism*, Third edition, Pitmen Publishing Ltd, London, 1989, 808 p.

109. Knyazev S. Application of dynamic capabilities of the economic system for the purposes of sustainable innovation development // *Proceedings of the International Scientific Conference "Competitive, Sustainable and Secure Development of the Regional Economy: Response to Global Challenges" (CSSDRE 2018)*. P. 301-304.

110. Tunca Toskay, *Turizm Olayina Genel Yaklasim, 3-Basim*, Der Yayinlari; №26, Istanbul, 1989. – S.20.

111. Xhiliola Agaraj & Merita Murati, 2009. "Tourism an Important Sector of Economy Development", *Annals - Economy Series*, Constantin Brancusi University, Faculty of Economics, vol. 1, pages 83-90, May.

112. Hunziker W, *Un Siecle de Tourisme en Suisse*, Berne, 1947, P.11.

113. <https://wtcc.org/Research/Economic-Impact> – Иқтисодий таъсирни ўрганувчи тадқиқотлар ташкилотининг расмий сайти.

114. <https://www.unwto.org> – Бирлашган миллатлар ташкилотининг жаҳон сайёҳлик ташкилоти.

115. <https://data.worldbank.org/indicator> – Жаҳон банкининг расмий сайти.

116. <https://www.ilo.org> – Халқаро меҳнат ташкилотининг расмий сайти.

117. <https://www.wto.org> – Халқаро савдо ташкилотининг расмий

118. <https://uzbektourism.uz> – Ўзбекистон Республикаси Туризм қўмитасининг расмий сайти.

119. <https://www.stat.uz> – Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг расмий сайти.

120. <https://www.gks.ru> – Россия Федерацияси Давлат статистика қўмитасининг расмий сайти.

121. <https://library.ziyounet.uz> – Ziyounet кутубхонасининг расмий сайти.

122. <https://www.aaup.org> – Америка университетлари профессорлари Ассоциациясининг расмий сайти.

123. <https://www.cer.uz> – Иқтисодий тадқиқотлар марказининг расмий сайти.

124. <https://www.lex.uz> – Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси расмий сайти.

125. <https://www.mf.uz> – Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг расмий сайти.

ИЛОВА

1-илова

Самарқанд вилоятидаги туристик корхоналарнинг молиявий кўрсаткичлари*

№	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	"Baxtar- V" (A)	"Lifetim e Tours (B)	"Tillokor i Registon (C)
1.	Устав капитали	минг сўм	4000000, 0	5000000 ,0	6000000, 0
2.	Маҳсулот ва хизматларни сотишдан тушган соф тушум	минг сўм	60000,0	75000,0	189000,0
3.	Сотилган (маҳсулот) хизматлар таннарни	минг сўм	100000,0	185000, 0	236000,0
	Шу жумладан:				
4.	Ишлаб чиқариш моддий харажатлари	минг сўм	20000,0	32000,0	49000,0
5.	Давр харажатлари	минг сўм	20000,0	15000,0	23000,0
6.	Улардан: илмий тадқиқот ва тажриба- конструкторлик ишларига қилинган харажатлар	минг сўм	3000,0	2500,0	3650,0
7.	Бошқа харажатлар	минг сўм	2000,0	2100,0	3156,0
	Улардан:				
8.	Молиявий фаолият бўйича харажатлар	минг сўм	10000,0	12000,0	19250,0
9.	Асосий воситаларнинг бошланғич қиймати бўйича баҳоси	минг сўм	100000,0	159000, 0	198000,0
10.	Асосий воситаларининг эскириш суммаси	минг сўм	1500,0	2560,0	4890,0
11.	Номоддий активларнинг бошланғич қиймати бўйича баҳоси	минг сўм	2500,0	3560,0	4230,0
12.	Номоддий активларнинг амортизацияси суммаси	минг сўм	100,0	152,0	186,0
13.	Асосий капиталга киритилган	минг сўм	1748000,0	1914560,0	2026551,0

	инвестициялар				
	Шу жумладан:				
14.	Турар жойлар	минг сўм	30000,0	35000,0	36200,0
15.	Машина, ускуналар, транспорт воситалари, ишлаб чиқариш ва хўжалик жиҳозлари	минг сўм	900000,0	968000	987000,0
16.	Транспорт воситалари	минг сўм	800000,0	897000, 0	989100,0
17.	АКТ ускуналари	минг сўм	3000,0	2560,0	3251,0
18.	Бошқалар	минг сўм	15000,0	12000,0	11000,0
19.	Корхоналарнинг ўз маблағлари	минг сўм	40000,0	65000,0	71000,0
20.	Банк кредитлари	минг сўм	100000,0	120000,0	150000,0

*Манба: Самарканд вилоятидаги туристик корхоналарнинг маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Мухаммедова З.М

ТУРИЗМДА ИНВЕСТИЦИЯЛАР

Монография

“Самарқанд давлат чет тиллар институти” нашриёти, 2021
Манзил: Самарқанд ш, Бўстонсарой кўчаси, 93

Муҳаррир: Г.Раҳимова
Мусахҳиҳ: Ё.Қаршибоев
Тех.муҳаррир: Б.Эргашев

ISBN 978-9943-6509-3-0

2021 йил 10 мартда босишга рухсат этилди:
Офсет босма қоғози. Қоғоз бичими 60×84_{1/16}.
“Times” гарнитураси. Офсет босма усули.
Ҳисоб-нашриёт т.: 9,06. Шартли б.т. 6,8.
Адади 100 нусха. Буюртма № 29/09.

СамДЧТИ нашр-матбаа марказида чоп этилди.
Манзил: Самарқанд ш, Бўстонсарой кўчаси, 93.

75.81

ISBN 978-9943-6509-3-0



9 789943 650930